

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ БОШ ПРОКУРАТУРАСИ
АКАДЕМИЯСИ**

ҚЎЧҚОРАЛИЕВ ЖАСУРЖОН ЗИЁДУЛЛО ЎҒЛИНИНГ

**ЎЗБЕКИСТОНДА ОДАМ САВДОСИГА ҚАРШИ КУРАШИШНИНГ
ТАШКИЛИЙ ҲУҚУҚИЙ МАСАЛАЛАРИ**

5A240124 – Тергов фаолияти

Магистр академик даражасини олиш учун ёзилган

ДИССЕРТАЦИЯ

Илмий раҳбар: Академия катта
ўқитувчиси З.Нематходжаев

Тошкент 2021 й.

МУНДАРИЖА

КИРИШ	3
I БОБ. ОДАМ САВДОСИГА ҚАРШИ КУРАШИШНИНГ ҲУҚУҚИЙ АСОСЛАРИ.	
1.1 ОДАМ САВДОСИГА ҚАРШИ КУРАШИШ БЎЙИЧА МИЛЛИЙ ҚОНУНЧИЛИК.....	7
1.2 ОДАМ САВДОСИГА ҚАРШИ КУРАШИШ БЎЙИЧА ХАЛҚАРО СТАНДАРТЛАР.....	16
II БОБ. ОДАМ САВДОСИГА ҚАРШИ КУРАШИШНИНГ ИНСТИТУТЦИОНАЛ АСОСЛАРИ.	
2.1 ОДАМ САВДОСИГА ҚАРШИ КУРАШИШ БЎЙИЧА МИЛЛИЙ ИНСТИТУТЛАР.....	26
2.2 ОДАМ САВДОСИГА ҚАРШИ КУРАШИШНИНГ ХАЛҚАРО МЕХАНИЗМЛАРИ.....	45
III БОБ. ЎЗБЕКИСТОНДА ОДАМ САВДОСИГА ҚАРШИ КУРАШИШНИНГ ТАШКИЛИЙ-ҲУҚУҚИЙ АСОСЛАРИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ МАСАЛАЛАРИ.	
3.1. ОДАМ САВДОСИГА ҚАРШИ КУРАШИШГА ОИД ҚОНУНЧИЛИКНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ МАСАЛАЛАРИ.....	57
3.2. ОДАМ САВДОСИГА ҚАРШИ КУРАШИШ БЎЙИЧА ХОРИЖИЙ МАМЛАКАТЛАР ТАЖРИБАСИ.....	67
ХУЛОСА	78

КИРИШ

Тадқиқот мавзусининг долзарблиги шундаки мамлакатимиз Конституциясида мустаҳкамланган қонун устуворлигининг таъминлаш принциплари шаклланиши билан боғлиқ бўлиб, Ўзбекистон Республикаси бутун қонунчилигининг тизимини аллақачон мавжуд вазиятга мослаштириш объектив эҳтиёж туғдирди. Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг ҳуқуқлари ва эркинликлари жамият ва давлатнинг энг юқори кадриятлари бўлган янги ижтимоий муносабатлар сирасига кириб улгурди. Конституцияда фуқароларнинг асосий ҳуқуқларидан бири сифатида инсоннинг эркинлиги ва хавфсизлиги ҳуқуқи мустаҳкамланди.

Ҳозирги кунда одам савдоси каби жиноятларга қарши курашиш долзарб масалага айланмоқда. Чунки шахсий эркинликнинг бузилиши жамият учун катта хавф туғдириши турган гап. Суд-тергов амалиётининг кўрсатишича жиноятчиларнинг бу каби жиноятлар билан шуғулланишдан асосий мақсад шахсий муаммоларини ҳал қилиш, бойиш ёки бошқа мақсадларда амалга оширилиши келтириб ўтилган.

Дунёда одамга нисбатан қонунга хилоф битимни амалга ошириш, ғайриқонуний фаолият билан шуғулланишга мажбурлаш, мажбурий никоҳ, мажбурий суррогат оналик, инсон устида ғайриқонуний тажрибалар ўтказиш сингари одам савдосининг янги шакллари учун жавобгарлик белгилаш, жавобгарликни дифференциация қилиш, жазони индивидуаллаштириш, жабрланган ожиз аҳволдаги шахслар, ҳомиладор аёллар ва болаларнинг манфаатларини жиноят-ҳуқуқий воситалар орқали муҳофаза қилишни кучайтириш, жиноятни фош этишда фаол ҳамкорлик қилганларнинг жазосини енгиллаштириш, мажбурлаш остида ғайриқонуний фаолиятда иштирок этган жабрланганларни жазодан озод қилиш, етказилган зарарни ундириш, жиноят профилактикаси механизмлари, халқаро ҳуқуқ нормалари, миллий қонун ҳужжатлари ва ҳуқуқни қўллаш амалиёти билан боғлиқ муаммоларнинг илмий ечимини топиш долзарб аҳамият касб этмоқда.

Тадқиқот объекти ва предмети.

Тадқиқот объекти сифатида одам савдоси жиноятларига қарши курашиш борасида вужудга келадиган ташкилий-ҳуқуқий муносабатлар танланди. Тадқиқотнинг предмети одам савдоси жиноятларига қарши курашиш борасидаги нормалар, юридик адабиётлардаги ғоялар, фикрлар, илмий ёндашувларни такомиллаштириш билан боғлиқ ташкилий ҳуқуқий муносабатлар ҳисобланади.

Тадқиқот мақсади. Магистрлик диссертациясининг асосий мақсади одам савдосига қарши курашнинг ташкилий ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш, мазкур жиноятлар профилактикаси самарадорлигини оширишга қаратилган таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

Одам савдоси жиноятининг ҳуқуқий табиати ва моҳиятини очиқ бериш;

Ўзбекистонда одам савдоси учун жавобгарлик белгиланган нормаларни ривожланиш тарихини ўрганиш орқали одам савдоси шакллари ва уларга нисбатан кўрилган жазо чораларини таҳлил қилиш;

Одам савдосига қарши курашиш юзасидан халқаро ташкилотлар томонидан ишлаб чиқилган халқаро ҳужжатларнинг бу турдаги жиноятларга қарши курашишда тутган ўрнини ўрганиш орқали Ўзбекистон миллий қонунчилигига имплементация қилиш масалаларини кўриб чиқиш;

Одам савдоси жиноятини содир қилганлик учун жавобгарлик масаласида миллий қонунчилигимиз ва унинг амалиётини таҳлил қилиш;

Одам савдосига қарши курашиш борасида айрим ҳориж мамлакатлар қонунчилик тизими ҳамда амалиёти ўрганиш;

Одам савдосига қарши курашиш юзасидан амалга ошириладиган чора-тадбирларни янада такомиллаштиришга қаратилган таклиф ва ҳулосаларни ишлаб чиқиш вазифаларини белгилаб беради.

Илмий янгилиги. Одамга нисбатан қонунга хилоф битимни амалга ошириш, одамни эксплуатация қилиш мақсадида ушлаб туриш, инсон устида

ғайриқонуний тажрибалар ўтказиш, ғайриқонуний фаолият билан шуғулланишга мажбурлаш, ғайриқонуний миграцияни ташкил этиш учун жавобгарлик белгилаш таклиф этилган;

Одам савдосига қарши курашиш бўйича ҳуқуқий ривожланиш тарихини даврларга бўлиб ўрганиш амалиёти қўлланилган;

одам савдосининг жавобгарликни оғирлаштирадиган янги ҳолатларини қонунда белгилаб, жавобгарликни дифференциация қилиш таклиф этилган;

жисмоний ёки руҳий мажбурлаш остида жиноят содир этган жабрланувчилар, одам савдосини фoш этишга фаол ёрдам берган шахсларнинг жавобгарликка тортилмаслиги ҳақидаги махсус рағбатлантирувчи нормаларни жиноят қонунда белгилаш таклиф этилган.

Тадқиқот услублари. Магистрлик тадқиқот ишини амалга оширишда тизимли таҳлил, қиёсий таҳлил, тарихий ўрганиш, прогнозлаштириш усулларида фойдаланилди.

Тадқиқотнинг назарий ва амалий аҳамияти. Диссертация иши юзасидан келтириб ўтилган назарий фикрлар одам савдосига қарши курашиш бўйича маъруза матнларида, ўқув-услубий таъминотни ишлаб чиқишда ва илмий тадқиқотларда фойдаланилиши мумкин.

Тадқиқот натижасида илгари сурилган таклифлар ва амалий тавсиялар жиноят қонунчилигини такомиллаштириш ҳамда одам савдоси жиноятларига қарши курашиш амалиётини янада такомиллаштириш имконини беради.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Одам савдосига қарши кураш мавзуси Ю.Ю. Акимова, А.Б. Бекмагамбетов, А.И. Милевский, Е.А. Кислова, В.А. Козак, Н.Г. Кулакова, Л.К. Мхитарян, А.Н. Дубровина, М.П.Клейменов, В.А. Попов, Е.Е. Шалимов, Michael Mann, Parreñas Rhacel Salazar, Truong Thanh-Dam, Chin Ko-lin, Louise I Shelley, Hepburn Stephanie каби чет эл олимлари томонидан ўрганилган.

Мамлакатимизда ҳам бир неча тадқиқотчилар томонидан одам савдоси мавзуси ўрганилган бўлиб, улардан Ш.Х. Ҳамраева «Аёллар траффиги

(пуллаш)ни бартараф этишнинг халқаро-ҳуқуқий муаммолари»¹, Э.Х. Холова «Аёллар ва болаларни ёллашга қарши курашнинг халқаро-ҳуқуқий жиҳатлари»² мавзусида номзодлик диссертацияларини ҳимоя қилишган. Ушбу тадқиқотларда одам савдосининг айрим жиҳатлари (одамларни ёллаш учун жавобгарлик масалалари, аёллар ва болалар савдосига қарши курашнинг халқаро-ҳуқуқий муаммолари) тадқиқ этилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши. Диссертация мавзуси бўйича жами 3 та илмий иш, жумладан 2 та тезис, 1 та мақола чоп этилган.

Диссертациянинг ҳажми ва тузилиши. Диссертация кириш, 3 та боб, хулоса, 89 саҳифа матн, фойдаланилган адабиётлар рўйхати иборат.

¹ Ҳамраева Ш.Ҳ. Аёллар граффи (пуллаш)ни бартараф этишнинг халқаро-ҳуқуқий муаммолари: Юрид. фан. номз. ... дис. — Т., 2004. — 145 б.

² Холова Э.Х. Международно-правовые аспекты борьбы с вербовкой женщин и детей: Дис. ... канд. юрид. наук. — Т., 2008. — 182 с.

I-БОБ. ОДАМ САВДОСИГА ҚАРШИ КУРАШИШНИНГ ҲУҚУҚИЙ АСОСЛАРИ.

1.1 Одам савдосига қарши курашиш бўйича миллий қонунчилик.

Ҳаммамизга маълумки инсонларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилишда давлатлар томонидан мажбурий ва тавсиявий кучга эга бўлган ҳуқуқий ҳужжатлар ишлаб чиқилиб, амалга киритилади. Одам савдоси учун жавобгарлик белгиланган миллий ҳуқуқий ҳужжатларни тарихий-ҳуқуқий жиҳатдан ўрганиш орқали ушбу нормаларнинг қандай пайдо бўлганлигини ва такомиллашганлигини билиш имконини берса, иккинчи тарафдан, мазкур нормаларнинг бугунги ҳолатини ва ривожланиш истикболларини аниқлашга хизмат қилади.

Одам савдосига қарши курашишни маълум бир даврларга бўлиб, ўрганиш ўринли деб ҳисоблайман шундагина биз миллий қонунчилик нормаларини шаклланиш ва ривожланиш босқичларини имкон қадар самаралироқ ўрганиш имконини беради. Бу даврлар ислом динининг кириб келишигача бўлган давр, ислом динининг кириб келишидан то чор Россияси босқинигача бўлган давр, чор Россияси мустамлакачилиги даври, совет тузими даври, Ўзбекистон Республикасининг мустақиллик даври.

Қадимги даврларда мамлакатимиз ҳудудида ислом дини пайдо бўлишигача одам савдоси учун жавобгарлик масалалари одат ҳуқуқи ва зардуштийлик динининг асосий манбаси бўлган «Авесто» китоби асосида тартибга солинганлигидан далолат беради. Ушбу ҳуқуқий манбаларда одам савдосига алоқадор қилмишлар салбий ижтимоий ҳодиса сифатида кескин қораланган³. Авесто пайдо бўлган даврда жамиятда эндигина кулдорлик тузуми пайдо бўлаётган бўлиб, жамиятда уруғ-қабилачилик муносабатлари емирилиб, кулдорлик тузуми қарор топа бошлаган.

³ Фазилов И.Ю. Одам савдосига қарши курашишнинг жиноят-ҳуқуқий ва криминологик муаммолари: Монография. – Т.: Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси, 2016. – 17-б.

Жамиятда куллар ва кулдорларнинг вужудга келиши ва тараққий этиши билан ибтидоий жамият ўрнида кулдорлик жамияти қарор топган. Кулдорлар томонидан эркин инсонларни кул қилиш, уларни товар сифатида бошқа товарларга айрибошлаш ва ниҳоят, пул муомаласи вужудга келгач, пул эвазига сотиш ва сотиб олиш тартиби йўлга қўйилган. Ҳаттоки, кулдорлар куллардан дастлабки пул материали сифатида ҳам фойдаланишган. Шу тариқа кулдорлик жамиятида одам савдоси юзага келган.

Озод инсонлар қуйидаги усуллар орқали эркинлигидан маҳрум қилиниб, кулга айлантирилган: урушда асир олиш; одам ўғирлаш; қарздор одамларни ёки уларнинг оила аъзоларини кулга айлантириш; ўлим жазосига ҳукм қилинганларни кулга айлантириш⁴; кулларнинг фарзандларини кулга айлантириш. Кул қилинган инсонлардан фуқаролик ҳуқуқий муносабатлар объекти сифатида олиш-сотиш, ижара, ҳадя, мерос ва бошқа битимларнинг предмети сифатида фойдаланилган ҳамда улар эксплуатация қилинган.

Мамлакатимиз ҳудудида Ислом дини кириб келишидан то Чор Россиясига бўлган даврда одам савдосига учун жавобгарлик масалаларини тартибга солиш асосан шариат қонунлари асосида тартибга солинган.

Шариат қонунларининг одам савдоси учун жавобгарлик белгиланган нормалари таҳлилининг кўрсатишича:

Қуръон Нур сурасининг 33-оятда «Ҳаёти дунёнинг ўткинчи матоҳини истаб, покликни ирода қилган (чўри) қизларингизни фоҳишалikka мажбур қилманг», дейилган⁵; Абу Ҳурайра разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар: «Жаноб Расулulloҳ чўриларнинг баданини пуллаб тирикчилик қилишни ман этдилар»⁶; Абу Ҳурайра разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар: «Набий саллаллоҳу алайҳи ва саллам бундай дедилар: «Оллоҳ таоло: «Мен Қиёмат

⁴ Kriminologiya fanining shakillanishi, rivojlanishi va hozirgi holati: O'quv qo'llanma / I.Ismailov, Q.R.Abdurasulova, I.Yu.Fozilov. – T.: O'zbekiston Respublikasi IIV Akademiyasi, 2014. – 38-b.

⁵ Қурони Қарим ва ўзбек тилидаги маънолари таржимаси. – Т.: Шарқ 2008 – 354-б.

⁶ Абу Абдуллоҳ Муҳаммад ибн Исмоил ал-Бухорий Ал-жомий ас-сахих. (Ишонарли тўплам). Тўрт жилдлик / арабчадан Хожа Музаффар Набихон ўгли ва Хожа Бахтиёр Набихон ўгли таржимаси Т.: «Қомуслар бош таҳририяти». 1997.— Ж. 2.— 58-б.

куни куйидаги уч тоифа одамнинг душманидирман: менинг номим бирла онт ичиб ваъда бергач, ваъдасига вафо қилмаганнинг, озод одамни (қул қилиб) сотиб, пулини еганнинг ва бир одамни ёллаб ишлатиб, сўнг ҳақини бермаганнинг»⁷, — дейди.

Юқоридаги ислом дини уламолари ва Қурон оятларининг келтирилган фикрлардан билиб олиш мумкинки ислом олами одам савдоси, қуллик ва шахвоний эксплуатация қораланганлигини билиб олиш мумкин.

Вақт ўтиши билан Ўрта Осиё давлатларини Чор Россияси мустамлакасига айлантирилгандан сўнг қул савдоси учун жавобгарлик масалалари Ўрта Осиё амир ва хоналарининг фармонлари ва чор Россиясининг жинойт қонунлари билан тартибга солинган. 1886-йилда Бухоро амирлиги амири Абдул Аҳадхоннинг «Қул савдосини бекор қилиш ҳамда қул ва чўриларни озод қилиш ҳақида»ги фармони чиқарилган. Фармонни бузган кишилар минг танга жарима ва олти ой қамоқ билан жазоланиши белгиланган. Ушбу даврда Бухоро амирлигидаги қул ва чўриларнинг умумий сони 30-35 минг киши атрофида бўлган. Натижада, асрлар давомида одат тусини олган ҳамда халқ турмуш тарзининг бир қисмига айланган қулларни олиш-сотиш ва улардан бошқа битимларнинг предмета сифатида фойдаланиш ҳамда уларни эксплуатация қилишдек жирканч иллатлар расман тугатилган⁸. Россия империясининг император Николай I томонидан 15.09.1845 йилда қабул қилинган мамлакат биринчи Жинойт Кодекси “Ахлоқ тузатиш ва жинойт жазолар ҳақида”ги Низомини таҳлил қилиш асосида айтиш мумкинки, унда одам савдосига алоқадор қилмишлар учун жавобгарлик белгиланган куйидаги нормалар назарда тутилган:

Россия фуқароси ёки унинг қонунлари билан муҳофаза қилинадиган шахсни Осиёликларга ёки бошқа халқларга қуллик учун сотиш ёки шунга ўхшаш бошқа баҳонада топшириш - барча ҳуқуқлардан маҳрум этилган ҳолда,

⁷ Ўша ерга қаранг. 53-54-б.

⁸ Файзиев Т. Бухоро феодал жамиятида қуллардан фойдаланишга доир ҳужжатлар (XIX аср). — Т.: «Фан» 1990.— 57, 82-86, 91-б.

саккиз йилдан ўн йилгача мажбурий меҳнатга жалб қилиш билан жазоланади (1410-м). Африкалик негрлар савдосидан орттирилган бойлик мусодара қилинади (1411-м. 2-қисми); Россия империясининг 1903 йил 22 мартда қабул қилинган Жиноят қонунлари тўпламининг қуйидаги нормалари муҳокама қилинаётган масалага бевосита тааллуқлидир: инсонни қуллик ёки тутқунлик учун сотиш ёки топшириш — саккиз йилдан ортиқ муддатга сургун қилиш билан жазоланади (501-м. 1-қ. 1-банди); негрлар савдоси — саккиз йилдан ортиқ муддатга сургун қилиш билан жазоланади (501-м. 1-қ. 2-банди)⁹ деб келтириб ўтилган.

Юқоридагилардан билиб олиш мумкинки, «Ахлоқ тузатиш ва жинойат жазолар ҳақида»ги низомида Россия фуқароси ёки унинг қонунлари билан муҳофаза қилинадиган шахсни қуллик учун сотиш ёки шунга ўхшаш бошқа баҳонада топшириш, африкалик негрлар савдоси билан шуғулланиш жиноят сифатида тақиқланган бўлса, Жиноят қонунлари тўпламида инсонни қуллик ёки тутқунлик учун сотиш ёхуд топшириш, негрлар савдоси, аёл кишини фахш ишлар билан шуғулланишга мажбур қилиш жиноят сифатида белгиланган.

1917 йил Ленин бошчилигидаги болшевиклар давлат тепасига келгандан сўнг РСФСРнинг 01.06.1922 йилда Жиноят Кодекси¹⁰ ва ЎзССРнинг 16.06.1926 йилда Жиноят Кодекси¹¹ қабул қилинган бўлиб, одам савдосига оид жиноятлар учун жавобгарлик масалалари жуда ўхшаш бўлган. Мисол учун бировни зўрлик ишлатиб, бирор жойда ушлаб туриш ёки сақлаш йўли билан ғайриқонуний равишда озодлигидан маҳрум қилиш — бир йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади (1922 йилги ЖК 159-м., 1926 йилги ЖК 203-м.); қасос олиш ёки бошқа ғаразли ниятда ўзганинг фарзандини ўғирлаш, яшириш ёки алмаштириш — қаттиқ тартибли режимда тўрт йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади (1922 йилги ЖК

⁹ Уложение о наказаниях уголовных и исправительных. - Санкт-Петербург : Тип. 2 отд-ния собств. е. и. в. канцелярии, 1845. - [4], IV, 898, XVII с.; 16 см.

¹⁰ https://pravo.by/upload/pdf/krim-pravo/UK_RSFSR_1922_goda.pdf

¹¹ Уголовный кодекс Узбекской ССР. – Ташкент: Юридич. издат. НКЮ УзССР, 1926. – С.46.

162-м., 1926 йилги ЖК 206-м.); ғаразли ёки бошқа шахсий ниятда шахсга жисмоний ёки рухий таъсир кўрсатиб, уни фоҳишалик билан шуғулланишга мажбурлаш — каттиқ тартибли режимда уч йилдан кам бўлмаган муддатга озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади (1922 йилги ЖК 170-м., 1926 йилги ЖК 216-м.); кўшмачилик, фоҳишахона сақлаш, шунингдек аёлларни фоҳишалик учун ёллаш — мулкининг барчаси ёки муайян қисми мусодара қилиниб, уч йилдан кам бўлмаган муддатга озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади (1922 йилги ЖК 171-м. 1-қ., 1926 йилги ЖК 217-м. 1-қ.); қарамоғидаги ёки қўл остидаги шахсни фоҳишалик учун ёллаш — беш йилдан кам бўлмаган муддатга озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади (1922 йилги ЖК 171-м. 2-қ., 1926 йилги ЖК 217-м. 2-қ.).

Юқорида келтириб ўтилган жиноят нормалари мазмун жиҳатидан бир хил бўлиб, уларда одам савдоси жиноятлари учун жавобгарлик масалаларига тўлиқ ёндашилмаган бўлсада унда шахсни фоҳишалик билан шуғулланишга мажбурлаш ёки шу мақсадда ёллаш, ўзганинг фарзандини яшириш ёки алмаштириш, бировни зўрлик ишлатиб, бирор жойда ушлаб туриш ёки сақлаш учун жавобгарлик белгиланган.

Ўзбекистон ССРнинг 21.05.1959 йилдаги Жиноят Кодекси¹²нинг одам савдосига алоқадор қилмишлар учун жавобгарлик белгиланган нормалари ўрганилганда одам савдоси учун жавобгарлик белгиланган бевосита махсус нормалар бўлмаган; ушбу кодексда одам савдосига алоқадор айрим қилмишлар, яъни болага нисбатан қонунга хилоф битимлардан бири - бировнинг боласини алмаштириш учун жавобгарлик белгиланган. Ушбу кодекснинг 107-моддасига кўра, бировнинг боласини ғараз мақсадда, ўч олиш мақсадида ёки бошқа шахсий ниятда ўғирлаш ёхуд алмаштириш — беш йилгача муддатга озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланиши белгиланган;

¹² Уголовный кодекс Узбекской Советской Социалистической Республики [Текст] : [Принят второй сессией Верховного Совета Узбек. ССР пятого созыва 21 мая 1959 г.]. - Ташкент : Госиздат УзССР, 1959. - 99 с.; 23 см.

мазкур Жиноят Кодекси шарҳида эса бировнинг боласини ғараз мақсадда, ўч олиш мақсадида ёки бошқа шахсий ниятда алмаштириш, яъни бир болани иккинчи болага алмаштириш, масалан, янги туғилган ўғил болани қиз болага ёки, аксинча, қиз болани ўғил болага, касал болани соғ болага алмаштириш ЖКнинг 107-моддаси (бировнинг боласини ўғирлаш ёки алмаштириш) билан баҳоланган¹³. Ушбу модданинг камчиликларидан бири чакалоқларни алмаштириш, ўғирлашдан ташқари уларни сотиш, ўтказиш масалалари кўриб чиқилмаган.

Ўзбекистон Республикаси ўз мустақиллигига эришгандан сўнг собиқ совет давлатлари ичида биринчилардан бўлиб, 22.09.1994 йилда Жиноят Кодексини қабул қилган. Мазкур кодекси одамлардан фойдаланиш мақсадида уларни ёллаш учун жавобгарлик назарда тутилган 135-модда киритилган. Ушбу моддани кодексда ўз аксини топиши ўша давр учун анча қувончли ҳолат ҳисобланарди.

Ривожланган демократик мамлакатларда одам савдосига қарши кураш бўйича татбиқ этилган илғор тажрибалар ва қонун нормаларини чуқур ўрганиш асосида 17.04.2008 йилда Ўзбекистон Республикасининг «Одам савдосига қарши курашиш тўғрисида»ги Қонуни¹⁴ қабул қилингандан сўнг 17.08.2020 йилда Қонун янги таҳрирда қайтадан қабул қилинди. Ушбу қонунни ишлаб чиқишда, халқаро ҳуқуқнинг умум эътироф этилган нормалари билан биргаликда, қатор хорижий давлатлар (Россия, Молдова, Озарбайжон, Бирлашган Араб Амирликлари, Покистон ва бошқ.)нинг қонунчилик тажрибаси инобатга олинди¹⁵.

Ушбу қонун қабул қилингандан сўнг амалдаги Жиноят Кодексининг тегишли моддаларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш зарурати юзага

¹³ Дубровина А. Н. Расследование похищений и подмена детей: Лекция Под ред. В. И. Лаврова. — М.: Академия МВД СССР, 1988. — С 6-7.

¹⁴ <https://lex.uz/docs/1339436>

¹⁵ Умаров Т.А. Борьба с торговлей людьми — задача всего мирового сообщества // Одам савдосига қарши кураш, уни олдини олишнинг ҳуқуқий муаммолари: Илмий-амалий конференция материаллари тўплами. — Т.: ТДЮИ, 2009 - 34-б.

келди. Шунга кўра, Ўзбекистон Республикасининг «Одам савдосига қарши курашиш тўғрисида» ги Ўзбекистон Республикаси қонуни қабул қилинганлиги муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодексига ўзгартиш ва қўшимча киритиш ҳақида 16.09.2008 йилдаги қонуни¹⁶ асосида одам савдоси учун жавобгарлик белгиланган нормалар такомиллаштирилди.

Унга кўра, ЖК 135-моддасининг номи (одамлардан фойдаланиш учун уларни ёллаш) «одам савдоси» деб ўзгартирилди.

Бундан ташқари, одам савдоси тушунчасининг мазмуни кенгайтирилди ва ушбу жиноятнинг қатор янги шакллари учун жавобгарлик белгиланди, яъни, ЖК 135-моддаси 1-қисми диспозицияси (шаҳвоний ёки бошқа мақсадларда фойдаланиш учун алдаш йўли билан одам ёллаш) «одам савдоси, яъни одамни олиш-сотиш ёхуд одамни ундан фойдаланиш мақсадида ёллаш, ташиш, топшириш, яшириш ёки қабул қилиш» деган таҳрирда баён этилди. ЖКнинг «Атамаларнинг ҳуқуқий маъноси» номли бўлими «одамлардан фойдаланиш» тушунчасининг таърифи билан тўлдирилди. Унга кўра, одамлардан фойдаланиш — бошқа шахсларнинг фоҳишалигидан фойдаланиш ёки улардан шаҳвоний фойдаланишнинг бошқа шакллари, мажбурий меҳнат ёки хизматлар, қуллик ёки қулликка ўхшаш одатлар, эрксиз ҳолат ёхуд инсон аъзолари ёки тўқималарини ажратиб олишлиги келтирилган;

Одам савдоси учун жавобгарликни дифференциация қилиш имкони кенгайтирилди, яъни ЖК 135-моддаси 2-қисми «а» банди (такроран ёки хавфли рецидивист томонидан) унинг «д» бандига, 2-қисми «б» банди (бир гуруҳ шахслар томонидан олдиндан тил бириктириб) унинг «е» бандига, 2-қисми «в» банди (вояга етмаган шахсга нисбатан содир этилган бўлса) ушбу

¹⁶ Ўзбекистон Республикасининг «Одам савдосига қарши курашиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонуни қабул қилинганлиги муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодексига ўзгартириш ва қўшимча киритиш ҳақида» 2008 йил 16 сентябрдаги қонуни// Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами. — 2008. — № 37-38.—366-м.

модда 3-қисмининг «а» банди (ўн саккиз ёшга тўлмаганлиги айбдорга аён бўлган шахсга нисбатан содир этилган бўлса)га ўтказилди;

ЖК 135-моддасининг 2-қисми куйидаги тахрирдаги бандлар билан тўлдирилди: «ўғирлаш, зўрлик ишлатиш ёки зўрлик ишлатиш билан қўрқитиш ёхуд мажбурлашнинг бошқа шакллари қўллаш орқали» («а» банди); «икки ёки ундан ортиқ шахсга нисбатан» («б» банди); «ожиз аҳволдалиги айбдорга аён бўлган шахсга нисбатан» («в» банди); «айбдорга моддий жихатдан ёки бошқа жихатдан қарам бўлган шахсга нисбатан» («г» банди); «хизмат мавқеидан фойдаланган ҳолда» («ж» банди); «қалбаки ҳужжатлардан фойдаланган ҳолда, худди шунингдек жабрланувчининг шахсини тасдиқловчи ҳужжатларни олиб қўйган, яширган ёхуд йўқ қилиб юборган ҳолда» («и» банди); «киши аъзоларини кесиб олиб, бошқа кишига кўчириш (трансплантат) мақсадида содир этилган бўлса» («к» банди);

ЖК 135-моддасининг 3-қисми (ўша ҳаракат бундай шахсларни Ўзбекистон Республикасидан ҳудудидан олиб чиқиб кетиш мақсадида содир этилган бўлса) ушбу модда 2-қисмининг «з» банди (жабрланувчини ЎЗРнинг давлат чегарасидан олиб ўтган ҳолда ёки уни чет элда қонунга ҳилоф равишда ушлаб турган ҳолда)га ўтказилди;

ЖК 135-моддасининг 3-қисми куйидаги тахрирдаги бандлар билан тўлдирилди: «жабрланувчининг ўлимига ёки бошқа оғир оқибатларга сабаб бўлса» («б» банди); «ўта хавфли рецидивист томонидан содир этилган бўлса» («в» банди); «уюшган гуруҳ томонидан ёки унинг манфаатларини кўзлаб содир этилган бўлса» («г» банди) сўзлари билан тўлдирилди. Албатта Жиноят Кодекси 135-моддасига охириги киритилган ўзгартиришлар мазкур турдаги жиноятларни содир этилишини камайтирди деса бўлади. Бунга сабаб эса жавобгарликдан озод қилувчи “фортчка”ларга барҳам берилгани. Шунингдек, жиноят учун жазони оғирлаштириб, жарима жазоси модданинг санкция қисмидан олиниб ташланганлиги қувонарли ҳолат ҳисобланади чунки жиноят

натижасида жабрланувчига етказиладиган зарар миқдори айбланувчига кўлланилган жарима миқдоридан кўпроқ ҳисобланади.

Халқаро ва миллий ҳуқуқий ҳужжатлар талабларига мос равишда аксарият хорижий мамлакатлар жинойт қонунчилигида одамни эксплуатация қилиш учун жавобгарлик белгиланган. Буларга мисол сифатида:

одамни эксплуатация қилиш учун Голландия, Эстония, Қозоғистон жинойт қонунларида; болани эксплуатация қилиш учун Грузия, Украина жинойт қонунларида; шахсинг одам савдосидан жабрланганлигини била туриб, унинг эксплуатация предметини ташкил қилувчи хизматлардан фойдаланиш учун Албания, Босния ва Герцеговина, Молдова жинойт қонунларида жавобгарлик белгиланган;

қуллик учун Австралия, Австрия, Аргентина, АҚШ, Индонезия, Исландия, Исроил, Италия, Лихтенштейн, Македония, Молдова, Озарбайжон жинойт қонунларида жавобгарлик белгиланган;

мажбурий меҳнат (хизмат) учун Болгария, Венгрия, Исроил, Италия, Литва, Молдова, Озарбайжон, Покистон, Россия, Сингапур давлатларида жинойт жавобгарлик белгиланган;

қулликка ўхшаш одатлар учун Молдова, Сербия, Хорватия жинойт қонунларида; мажбурий никоҳ учун Австралия, Албания, Аргентина, Болгария, Германия, Озарбайжон, Туркманистон, Қирғизистон жинойт қонунларида; қарз асоратига солиш учун Австралия, АҚШ жинойт қонунларида; эрксиз ҳолат учун Италия жинойт қонунида жавобгарлик белгиланган; инсон устида ғайриқонуний тажрибаларни ўтказиш учун Арманистон, Молдова, Озарбайжон » Украина, Франция, Эстония, Қозоғистон жинойт қонунларида жавобгарлик белгиланган;

шаҳвоний эксплуатация учун Венгрия, Германия жинойт қонунларида; ўзга шахсинг фоҳишалигини эксплуатация қилиш учун Албания, Мексика, Польша, Словакия, Чехия, Швейцария жинойт қонунларида; шахсни эркига хилоф равишда фоҳишалик билан шуғулланишга ёки порнографик

тадбирларда иштирок этишга жалб қилиш учун Австрия жиноят қонунида; болани шахвоний эксплуатация қилиш учун АҚШ жиноят қонунида ахлоқсизлик ёки фоҳишалик мақсадида ўзга шахсни эксплуатация қилиш учун Бельгия жиноят қонунида; фоҳишаликка мажбурлаш учун Озарбайжон жиноят қонунида; фоҳишалик билан шуғулланиш ёки порнографик маҳсулот тайёрлаш учун вояга етмаган шахсдан унинг эркига хилоф равишда фойдаланиш учун Люксембург жиноят қонунида жавобгарлик белгиланган¹⁷.

БМТнинг Трансмиллий уюшган жиноятчиликка қарши конвенцияси (2000 й. 15 ноябрь)нинг 26-моддасида зарур ҳолларда, ушбу конвенцияда камраб олинган бирор жиноятни тергов қилиш ёки жиноий таъқиб этишда жиддий ҳамкорлик қилган айбланувчининг жазосини енгиллаштириш белгиланган¹⁸. Мазкур конвенция талабларидан келиб чиқиб Ўзбекистон Жиноят Кодексининг 135-моддасига қўшимча киритилиб, жиноятни фош этишга фаол ёрдам берган шахс жавобгарликка тортилмаслиги тўғрисидаги махсус рағбатлантирувчи норма билан тўлдиришни назарда тутиш зарур деб ўйлайман.

1.2 Одам савдосига қарши курашиш бўйича халқаро стандартлар.

Инсоният пайдо бўлишидан ҳозирги кунга қадар жамиятнинг турли ижтимоий муносабатларида муаммоларга учраган. Ушбу муаммолардан бири шахснинг озодлиги ва унинг кадр-қиммати бўлган ҳуқуқларининг бузилиши ҳисобланган. Тарихдан шуни билиб олиш мумкинки инсонлар ўртасидаги муносабатларда қулчилик яъни шахсларнинг бир-бирига беихтиёр тобе бўлиши жамият ҳаётининг негизи ҳисобланган.

Одам савдоси ва уларни қулликка олиб боришни қонуний равишда тақиқланишига қарамай, ушбу жиноий ҳаракатлар халқаро трансмиллий

¹⁷ Фозилов И.Ю. Одам савдосига қарши курашнинг жиноят–ҳуқуқий ва криминологик жиҳатлари. Юрид. фан. док. дис. – Т., 2016. – Б.77.

¹⁸ БМТнинг Трансмиллий уюшган жиноятчиликка қарши конвенцияси (2000 й. 15 ноябрь) // Одам савдосига қарши курашиш бўйича халқаро шартномалар ва Ўзбекистон миллий қонунчилиги: хужжатлар тўплами / Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий маркази, одам савдосига қарши курашиш бўйича Республика Идоралараро комиссияси. — Т.: «O'zbekiston», 2013.— 150-б.

характерга эга бўлиб, халқаро жинойй фаолият олиб борувчи гуруҳлар томонидан бевосита аёллар, эркаклар ва болаларнинг жинсий қуллиги, уларнинг тана аъзоларини сотиш мақсадида ўз фаолиятини олиб бормоқда¹⁹.

Одам савдоси сўнгги вақтларда учрайдиган қуролли тўқнашувлар қурбонлари билан ҳам боғлиқдир. Бундан ташқари, одам савдоси кенг жинойй тармоққа кирган ва одам ўлдириш, тан жароҳат етказиш, қийноққа солиш, жиноятчилар томонидан одамлар аъзоларини ва тўқималарини трансплантация қилиш мақсадида ўғирлаш каби жиноятлар билан узвий боғлиқдир. Шунингдек, қонунга хилоф равишда озодликдан маҳрум қилиш, вояга этмаганларни зўрлаш, жинсий алоқа ва бошқа жинсий характердаги ҳаракатларни қилишга мажбур қилиш, болани ноқонуний асраб олиш, жинойй ҳамжамиятлар ташкил этиш, ноқонуний хусусий тиббий амалиёт ёки хусусий фармацевтика фаолияти билан шуғулланиш, мансаб ваколатини суиистеъмол қилиш, пора олиш, давлат чегарасини ноқонуний кесиб ўтиш, ҳужжатларни қалбакилаштириш, тайёрлаш ва сотиш²⁰ каби жиноятлар билан узвий боғлиқ бўлади. Бу ҳолатлар жамият ҳаёти учун жуда хавфли ҳисобланиб, мазкур жиноятларга қарши курашишда халқаро жамият бирлашиши зарур ҳисобланади. Халқаро меҳнат ташкилоти мутахассисларининг фикрича, одам савдоси "глобал муаммо бўлиб, дунёнинг аксарият давлатлари бир вақтнинг ўзида етказиб берувчилар ёки олувчилар ёки транзит пунктлари ёки буларнинг барчаси" ҳисобланиши таъкидлашмоқда²¹. Бундан билиб олиш мумкинки одам савдоси кўп ҳолларда бир давлат ҳудудида бўлмасдан бошқа давлатларни ҳам бу жиноятда қамраб олишини тушуниб олиш мумкин. Шу сабабли, одам савдоси жинойй фаолиятда муҳим рўл ўйнайдиган халқаро

¹⁹ Клейменов М.П. Понятие криминальной эксплуатации детей. Актуальные проблемы теории борьбы с преступностью и правоприменительной практики: Межвузовский сборник научных трудов. Выпуск 5. Красноярск: Сибирский юридический институт МВД России, 2002. С. 88.

²⁰ Азарова Е.Р. Политические и правовые аспекты межгосударственного взаимодействия по борьбе с торговлей людьми: глобальный и региональный уровни. Выпускная квалификационная работа. 2020 г. С 10.

²¹ Торговля людьми и эксплуатация принудительного труда Руководство для законодательных и правоохранительных органов. Целевая программа борьбы с принудительным трудом. Международное бюро Труда. Женева. / Первое издание, 2006. С.24.

ходиса эканлиги аниқ. ЭХХТ маълумотларига кўра дунёда ҳар йили 4 миллионгача одам одам савдоси қурбонига айланади, бу эса йиллик жиноий даромадларни 7 миллиард АҚШ долларига етказди. Бироқ ушбу маълумотлар одам савдоси жиноий фаолиятининг ҳақиқий кўламини тўлиқ акс эттирмайди, чунки улар "жонли товарлар" ҳаракатини кузатиб бориш қийинлиги сабабли яширин характерга эга²² бўлади.

Одам савдоси билан боғлиқ ноқонуний фаолиятда болалар ва аёллар савдоси алоҳида ўрин тутди. Мисол учун ҳар йили дунё бўйлаб халқаро жиноий гуруҳлар фаолияти натижасида одам савдоси қурбонига айланувчи шахслар тахминан 600-800 минг кишини ташкил қилиб, уларнинг 80 фоизини аёллар ва қизлар ҳиссасига тўғри келади. Ўз ўрнида одам савдоси қурбонига айланган аёлларнинг 50 фоизигача бўлгани вояга етмаганлар ҳиссасига тўғри келиб, уларнинг катта қисми тижорат мақсадида жинсий эксплуатацияга мажбурланади. Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг гиёҳвандлик ва жиноятчилик бўйича сўнгги жаҳон ҳисоботида, “124 мамлакатда топилган одам савдоси қурбонлари 152 турли мамлакатларнинг фуқаролари” эканлиги кўрсатилган²³. Бироқ, ушбу рақамларга дунё бўйлаб миллионлаб одамлар ўзларининг яшаш жойларида одам савдоси қурбонига айланганлиги ҳолати ҳисобга кирмайди²⁴.

Дунёдаги одам савдоси билан боғлиқ вазиятдан билиб олиш мумкинки, ҳозирда бу турдаги жиноятлар глобал муаммога айланиб улгурган ва ушбу жиноятни қурбони бўлишликдан ҳечким қафолатланмаганлигини билиб олиш мумкин. Бироқ ушбу жиноятларга қарши курашишда халқаро ташкилотлар томонидан барча аъзо давлатлари учун мажбурий бўлган халқаро нормаларни ишлаб чиқилмоқда. Буларга мисол сифатида 1948 йил 10-декабрда БМТ Бош

²² Кубов Р.Х. Торговля людьми как вид транснациональной преступности // Российский следователь. 2008. № 1. С.21.

²³ Информационный центр ООН в Москве // Всемирный день борьбы с торговлей людьми. [Электронный ресурс]. URL: <http://www.unic.ru/press/vsemirnyi-den-borty-storgovlei-lyudmi> (дата обращения 23.11.2017).

²⁴ Доклад Государственного департамента США о торговле людьми за 2007 год // Бюро международных информационных программ Государственного департамента США URL: // <http://usinfo.state.gov/russian>.

Ассамблеяси томонидан “Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси”ни қабул қилди ва унда ҳар бир инсоннинг эркинлиги ва шахсий дахлсизлиги ҳуқуқини мустаҳкамловчи муҳим халқаро ҳуқуқий ҳужжатлиги таъкидланди. Ҳужжатда қул савдосига қарши курашиш нуқтаи назаридан дунё мамлакатларининг ҳуқуқий тизимини ривожлантириш тамойилларига айланган асосий кўрсатмалар кўрсатилган бўлиб, унда "ҳеч ким қулликда ёки ўз ихтиёрига қарши сақланмаслиги керак; қуллик ва қул савдоси ҳар қандай шаклда тақиқланади" деб ўтилган²⁵.

1949 йил 2-декабрда Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеясининг IV сессиясида “Одамлар савдоси ва фоҳишабозликнинг учинчи шахслар томонидан ишлатилишига қарши кураш тўғрисида” Конвенция²⁶ қабул қилиниб, унинг моҳиятларидан бири биринчи марта ҳужжатда "одам савдоси" атамасига таъриф расмий берилган бўлиб, бу ерда унга фоҳишабозлик мақсадида одам савдоси деб ҳисобланади деб ўтилган²⁷. Бироқ, мазмун жиҳатидан ушбу таъриф "одам савдоси" тушунчасини тўлиқ ёритиб бермаган.

Ушбу тушунмовчилик 2000-йилда Бирлашган Миллатлар Ташкилоти томонидан Трансмиллий уюшган жиноятчиликка қарши Конвенцияни тўлдирувчи “Одамлар, айниқса аёллар ва болалар савдосини олдини олиш ва тўхтатиш ва уларни содир этганлик учун жазолаш тўғрисида”ги Протокол²⁸ қабул қилиши билан бироз вазият ўзгариб, маълум даражада терминологик қарама-қаршиликлар бартараф этилди. Протоколда келтирилган "одам савдоси" таърифи шуни кўрсатадики, унга кўра шахсни эксплуатация қилиш

²⁵ Всеобщая декларация прав человека (принята Генеральной Ассамблеей ООН 10.12.1948). [Электронный ресурс]. URL: http://consultant.ru/document/cons_doc_LAW_120805.

²⁶ 1995 йилда 70 та давлат томонидан ратификация қилинган (Human Rights International Instruments. NY and Geneva, 1995. – P.11.)

²⁷ Конвенция о борьбе с торговлей людьми и эксплуатацией проституции третьими лицами. Принята резолюцией 317 (IV) Генеральной Ассамблеи ООН от 2 декабря 1949 года // https://www.un.org/ru/documents/decl_conv/conventions/trafficking_suppression.shtml.

²⁸ 2004 йил июль ҳолатига кўра, 79 та давлат Трансмиллий жиноятчиликка қарши БМТ Конвенциясини ратификация қилганлар ёки унга қўшилганлар; 61 та давлат Одамлар, айниқса, аёллар ва болалар савдосини тўхтатиш ва олдини олиш ҳамда уни содир қилганлик учун жазолаш тўғрисидаги Протоколни ратификация қилган ёки унга қўшилган – Интернет-сайт материаллари бўйича: <http://hrlibrary.ngo.ru>

мақсадида ёллаш, ташиш, ўтказиш, яшириш ёки қабул қилиш учун унга нисбатан куч ишлатиш ёки таҳдид қилиш, ўғирлаш, фирибгарлик қилиш, алдаш, мансаб ваколатидан ёки тобелигидан фойдаланиш, ёки бошқарувчисидан олиш мақсадида уларга пора бериш, тўлов қилиш ёки фойда олиш йўли билан бошқа шахсни розилигини олиш тушунилган²⁹. Ушбу меъёрий ҳужжат одам савдоси учун жавобгарликка тортиш шартларини ва жазо тайинлаш бўйича тавсиялар ишлаб чиқди ҳамда одам савдосига қарши кураш бўйича давлатларнинг мажбуриятларини қайд этди.

Шундан сўнг, Европа Иттифоқининг 2000-йилдаги асосий ҳуқуқлар тўғрисидаги Хартияси³⁰, Европа Кенгашининг 2005-йилги "Одам савдосига қарши курашиш тўғрисида" Конвенцияси³¹, МДҲга аъзо давлатларнинг инсон, унинг аъзолари ва тўқималарини сотишга қарши курашиш бўйича ҳамкорлиги тўғрисидаги Шартнома³²лари қабул қилинди, бироқ уларда "одам савдоси" тушунчасини тўлиқ очиқ берилди деб ўйламайман. Шунга қарамасдан ушбу халқаро ҳужжатлар давлатлар учун одам савдосига қарши биргаликда курашиш зарурлигини кўрсатиб ўтишининг ўзи, бу турдаги жинойтларнинг вақт ўтиши билан барҳам топишига олиб келади деб ўйлайман.

Давлатимиз мустақил бўлишининг илк кунларидан бошлаб, инсон ҳуқуқлари, эркинликлари шаъни ва қадр-қимматини ҳимоя қилишга катта эътибор бера бошлади. Бу тасдиғи ўлароқ одам савдосига қарши курашиш бўйича миллий нормаларни халқаро ҳужжатлар билан бирхиллаштириш мақсадида халқаро ҳуқуқий ҳужжатларни ратификация қилди. Улар БМТнинг

²⁹ Протокол «О предупреждении и пресечении торговли людьми, особенно женщинами и детьми, и наказании за нее, дополняющий Конвенцию Организации Объединенных Наций против транснациональной организованной преступности»: принят резолюцией 55/25 Генеральной Ассамблеи 15.11.2000. М.: Юрист, 2003. Ст.3.

³⁰ Хартия основных прав Европейского Союза (Принята в г. Ницце 07.12.2000)) - Режим доступа: <http://www.consultant.ru/> / Доступ из справ.-правовой системы «Консультант-Плюс».

³¹ Конвенция Совета Европы о противодействии торговле людьми" (СЕТС № 197) [рус., англ.] (Заключена в г. Варшаве 16.05.2005) - Режим доступа: <http://www.consultant.ru/> / Доступ из справ.-правовой системы «Консультант-Плюс».

³² Распоряжение Правительства РФ от 24.11.2005 № 2019-р «О подписании Соглашения о сотрудничестве государств - участников Содружества Независимых Государств в борьбе с торговлей людьми, органами и тканями человека») - Режим доступа: <http://www.consultant.ru/> / Доступ из справ.-правовой системы «Консультант-Плюс».

1948 йил 10-декабрдаги “Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон Декларацияси”ни 1991 йил 30 сентябрда; 1989 йил 20 ноябрдаги “Бола ҳуқуқлари тўғрисида”ги Конвенцияни 1992 йил 9 декабрда; “Хотин-қизларни камситишнинг барча шаклларига барҳам бериш тўғрисида”ги Конвенцияни 1995 йил 6 майда; 1930 йил 28 июндаги “Зўрлаб ишлатиш ёки мажбурий меҳнат тўғрисида”ги Конвенцияни 1997 йил 30 августда; 1957 йил 25 июндаги “Мажбурий меҳнатни тугатиш тўғрисида”ги Конвенцияни 1997 йил 30 августда; 2000 йил 15 ноябрдаги БМТнинг Трансмиллий уюшган жиноятчиликка қарши конвенциясини 2003 йил 30 августда; 1949 йил 2 декабрдаги Одам савдосига ва учинчи шахслар томонидан танфурушликдан фойдаланилишига қарши кураш тўғрисидаги конвенцияни 2003 йил 12 декабрда; 1999 йил 17 июндаги Болалар меҳнатининг оғир шаклларини тақиқлаш ва йўқ қилишга доир шошилиш чоралар тўғрисидаги конвенцияни 2008 йил 8 апрелда; 2000 йил 15 ноябрдаги БМТнинг Трансмиллий уюшган жиноятчиликка қарши конвенциясини тўлдирувчи Одам савдосининг, айниқса аёллар ва болалар савдосининг олдини олиш ҳамда унга чек қўйиш ва унинг учун жазолаш ҳақидаги протоколни 2008 йил 8 июлда; 2000 йил 25 майдаги Бола ҳуқуқлари тўғрисидаги конвенцияга доир, Болалар савдоси, болалар фоҳишабозлиги ва болалар порнографиясига тааллуқли факультатив протоколни 2008 йил 11 декабрда ; 2000 йил 25 майдаги Бола ҳуқуқлари тўғрисидаги конвенцияга доир, Болаларнинг қуролли можароларда иштирокига тааллуқли факультатив протоколни 2008 йил 12 декабрда ратификация қилган³³. Ушбу халқаро ҳужжатларга Ўзбекистонни қўшилиши унинг жаҳон мамлакатлари ўртасида нуфузини ошириб, одам савдоси жиноятларига қарши курашишда янги имкониятлар яратилишига туртки бўлади деб ўйлайман.

Давлатимиз томонидан одам савдосига қарши курашга қаратилган халқаро ҳуқуқий ҳужжатларнинг қоидаларини ратификация қилиши

³³ Фозилов И.Ю. Одам савдосига қарши курашнинг жиноят–ҳуқуқий ва криминологик жиҳатлари. Юрид. фан. док. дис. – Т., 2016. – 30-31-б.

натижасида ўз зиммасига ратификация қилинган халқаро-ҳуқуқий ҳужжатларда назарда тутилган қоидаларнинг бажарилишини таъминлаш мажбуриятини юклайди. Зеро ушбу тартиб Ўзбекистон Республикаси Жиноят Кодексининг 1-моддасида Ўзбекистон Республикасининг жиноят тўғрисидаги қонун ҳужжатлари Конституция ва халқаро ҳуқуқнинг умум эътироф этган нормаларига асосланиши мустаҳкамланган. Бундан келиб чиқадики халқаро ҳужжатларда келтирилган қоидалар бизнинг норматив ҳуқуқий ҳужжатларда ҳам акс этиши зарур бўлади.

Миллий қонунчиликни халқаро ҳуқуқий ҳужжатлар билан бирхиллаштиришдан олдин қайси халқаро ҳужжатларнинг нормаларида одам савдоси учун жавобгарлик масалалари белгиланганлигини ўрганиб чиқиш зарур ҳисобланади. Халқаро амалиётда 20 тага яқин халқаро ҳуқуқий ҳужжатларда одамни эксплуатация қилиш (унинг муайян шакллари) учун жавобгарлик белгилаш назарда тутилган. Жумладан:

1926 йил 25 сентябрдаги Қуллик тўғрисидаги конвенцияда: қулликнинг барча шакллари имкон қадар қисқа муддатда тўлиқ бекор қилиш, қул савдосига чек қўйиш, мазкур тақиқланган ҳаракатларни содир этганлик учун қонуний чораларини кўриш на қаттиқ жазолар белгилаш назарда тутилган; 1930 йил 28-июндаги Зўрлаб ишлатиш ёки мажбурий меҳнат тўғрисидаги конвенцияда: зўраки ёки мажбурий меҳнатни кўллашнинг барча шакллари бекор қилиш; зўраки ёки мажбурий меҳнатга ноқонуний жалб қилишни жиноят сифатида белгилаш кўзда тутилган; 1948 йил 10 декабрдаги Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларациясида: одамни қулликда ёки эркисиз ҳолатда сақлаш, қуллик ва қул савдосининг барча кўринишлари тақиқланганлиги мустаҳкамланган; 1949 йил 2 декабрдаги Одам савдосига ва учинчи шахслар томонидан танфурушликдан фойдаланилишига қарши кураш тўғрисидаги конвенцияда: бошқа шахснинг хирсини қондириш учун бошқа шахснинг фойдаланилигини, ҳаттоки, шу шахснинг розилиги билан эксплуатация қилиш жиноят сифатида белгиланган; 1956 йил 7 сентябрдаги Қуллик ва қул

савдосини, қулликка ўхшаш институтлар ва одатларни бекор қилиш тўғрисидаги кўшимча конвенцияда: қулликка ўхшаш институтлар ва одатларни имкон қадар энг қисқа муддатда батамом тугатиш назарда тутилган. Шунингдек, унда: қулни ёки эрксиз ҳолатдаги шахсни, унинг ушбу ҳолатини белгилаб қўйиш учун ёки жазолаш мақсадида, ёхуд қандайдир бошқа сабабга кўра, майиб қилиш, танасини кўйдириб ёки бошқача усулда тамға босиш; бошқа шахсни қулга айлантириш ёки қул бўлишга кўндириш ёхуд қулликка ўхшаш институтлар (одатлар) натижаси эрксиз ҳолатда бўлишга кўндириш жиноят сифатида белгиланган; 1957 йил 25 июндаги Мажбурий меҳнатни тугатиш тўғрисидаги конвенцияда: зўраки ёки мажбурий меҳнатнинг ҳар қандай шакллари ишлатмаслик, уни қўллашнинг барча шакллари тўла бекор қилиш назарда тутилган; 1959 йил 20 ноябрдаги Бола ҳуқуқлари декларациясининг принципларида болани эксплуатация қилишга йўл қўйилмаслиги, бола ҳеч бир ҳолатда савдонинг объекти бўлмаслиги мустаҳкамланган; 1966 й. 6-декабрь Фуқаровий ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисидаги халқаро пактда одамни қулликда ёки эрксиз ҳолатда сақлаш, мажбурий меҳнатга жалб қилиш, қуллик ва қул савдосининг ҳар қандай шакли қатъи тақиқланган; 1966 йил 16-декабрдаги Иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳуқуқлар тўғрисидаги Халқаро Пактда болаларни иқтисодий ва ижтимоий эксплуатациясидан ҳимоялаш мустаҳкамланган; 1967 йил 7 ноябрдаги Аёлларга нисбатан камситишларга барҳам бериш тўғрисидаги декларациянинг 8-моддасида, 1979 й. 18 декабрь Хотин-қизларни камситишнинг барча шаклларига барҳам бериш тўғрисидаги конвенциянинг 6-моддасида аёллар савдоси ва улардан фойдаланишнинг барча турларига чек қўйиш учун ҳамма тегишли чораларни, шу жумладан, қонунчилик чораларини кўриш назарда тутилган; 1989 йил 20 ноябрдаги Бола ҳуқуқлари тўғрисидаги конвенцияга мувофиқ, иштирокчи давлатлар зиммасига қуйидаги қилмишларга қарши курашиш учун барча зарур чоратadbирларни кўриш мажбурияти юклатилган: болани эксплуатация қилиш,

жумладан, унга нисбатан шахвоний суиистеъмолликларни содир этиш (19-м.); болани иқтисодий эксплуатация қилиш ёки болани унинг соғлиғи учун хавф-хатар етказиши мумкин бўлган ёки таълим олишига тўсқинлик қиладиган ёхуд соғлиғи, жисмоний, ақлий, маънавий, ахлоқий ва ижтимоий ривожланишига зарар келтирадиган ҳар қандай ишларга жалб қилиш (32-м.); боладан гиёҳвандлик воситалари ва психотроп моддаларни ғайриқонуний ишлаб чиқариш ва сотишда фойдаланиш (33-м.); боладан шахвоний мақсадларда фойдаланиш ва уни шахвоний бузишнинг барча шакллари, жумладан, болани ҳар қандай ғайриқонуний шахвоний фаолиятга тортиш ва мажбурлаш ёки ундан фоҳишалик ёки бошқа ғайриқонуний шахвоний амалиётда, порнографияда ёки порнографик материаллар тайёрлашда ишлатиш мақсадларида фойдаланиш (34-м.); болани сотиш ёки ҳар қандай мақсад ва шаклларда контрабанда қилиш (35-м.); боладан унинг фаровонлигига зарар етказадиган фойдаланишнинг барча шакллари (36-м.) бекор қилиш; БМТнинг 1990 йил 1 декабрдаги Балоғатга етмаган болалар ўртасида жиноятчиликнинг олдини олишга қаратилган дастурий принципларида болаларни эксплуатация қилишни, улардан жиноий фаолиятни амалга оширишда қурол сифатида фойдаланишни тақиқловчи қонун ҳужжатларини қабул қилиш ва уларга амал қилинишини таъминлаш назарда тутилган; 1993 йил 29 майдаги Болалар ҳимояси ва давлатлараро фарзандликка олиш бўйича ҳамкорлик тўғрисидаги Гаага конвенциясида моддий ва бошқа турдаги бойишга қаратилган бола боқиб олиш қатъи ман қилинган (32-м.); 1993 йил 25 июндаги Вена декларацияси ва ҳаракат дастурида болаларни иқтисодий ва фоҳишабозлик мақсадида эксплуатация қилишни тақиқловчи миллий ва халқаро даражадаги хавфсизлик механизм ва дастурларини мустаҳкамлаш белгиланган; 1999 йил 17 июндаги Болалар меҳнатининг оғир шаклларини тақиқлаш ва йўқ қилишга доир шошилиш чоралар тўғрисидаги конвенцияда бола меҳнатининг энг ёмон шаклларига барҳам берилишига эришиш учун зарур чораларни кўриш, хусусан бола меҳнатининг энг ёмон шакллари учун жиноий жавобгарликни

жорий этиш назарда тутилган. Унга кўра, «бола меҳнатининг энг ёмон шакллари» ўз ичига қуйидагиларни камраб олади: кулликнинг барча шакллари ёки кулликка ўхшаш амалиёт, масалан, болани сотиш, қарз асосидаги карамлик ва крепостной тобелик, шунингдек мажбурий меҳнат, шу жумладан, боладан қуролли можароларда фойдаланиш учун уни мажбурлаб жалб қилиш; фоҳишабозлик билан шуғулланиш, порнография маҳсулотлари тайёрлаш ёки порнографик томошаларда иштирок этиш учун боладан фойдаланиш, уни ёллаш ёки таклиф қилиш; қонунга хилоф фаолият билан шуғулланиш (наркотиклар тайёрлаш ва сотиш, ўқотар ёки бошқа қуролларни ноқонуний равишда ташиш ёки ишлатиш билан боғлиқ фаолият) учун боладан фойдаланиш, уни ёллаш ёки таклиф қилиш; бажариш хусусиятлари ёки шароитига кўра, боланинг соғлиғи, хавфсизлиги ва маънавиятига зиён етказиши мумкин бўлган ишлар (3-м.); 2000 йил 25 майдаги Бола ҳуқуқлари тўғрисидаги конвенцияга доир, Болалар савдоси, болалар фоҳишабозлиги ва болалар порнографиясига тааллуқли факультатив протоколда болалар савдосини тақиқлаш (1-м.); камида қуйидаги қилмишларни болалар савдоси сифатида жиноий жавобгарликка тортиш белгиланган: болани шахвоний эксплуатация қилиш, боланинг аъзоларини ҳақ эвазига бериш, боладан мажбурий ишларда фойдаланиш мақсадида, болани ҳар қандай воситалар ёрдамида бировга таклиф этиш, бериш ёки бировдан олиш; воситачилик сифатида, фарзандликка олишга тааллуқли халқаро ҳуқуқий ҳужжатларни бузган ҳолда, болани фарзандликка олишга қонунга хилоф тарзда кўндириш (3-м.); 2000 йил 25-майдаги Бола ҳуқуқлари тўғрисидаги конвенцияга доир, Болаларнинг қуролли можароларда иштирокига тааллуқли факультатив протоколда болаларни қуролли можароларга ёллаш, тайёрлаш ва улардан шу мақсадларда фойдаланиш амалиётини тақиқлаш ва жиноят деб топиш назарда тутилган. Унда нафақат ўн саккиз ёшга тўлмаган шахсларни қуролли можароларда иштирок этишга ҳамда давлат қуролли кучларига мажбурий ёллаш, балки шу мақсадда вояга етмаганларни ихтиёрий ёллаш ҳам

тақиқланган; БМТнинг 2000 йил 15 ноябрдаги Трансмиллий уюшган жиноятчиликка қарши конвенциясини тўлдирувчи Одам савдосининг, айниқса аёллар ва болалар савдосининг олдини олиш ҳамда унга чек қўйиш ва унинг учун жазолаш ҳақидаги протоколда одам савдоси ва одамни эксплуатация қилишни тақиқлашга қаратилган халқаро-ҳуқуқий сиёсатни изчил ривожлантирди. Унда: одам савдоси деганда, куч билан таҳдид қилиш ёки куч ишлатиш ёхуд бошқа мажбурлаш шаклларида фойдаланиш, ўғирлаш, фирибгарлик, алдаш, ҳокимиятни суиистеъмол қилиш ёки вазиятнинг қалтислигидан фойдаланиш орқали ёхуд бошқа шахсни назорат қилувчи шахснинг розилигини олиш учун уни тўловлар ёки манфаатдор этиш эвазига оғдириб олиш орқали одамларни эксплуатация қилиш мақсадида, уларни ёллаш, ташиш, топшириш, яшириш ёки қабул қилиш тушунилиши; эксплуатация камида бошқа шахсларнинг фоҳишалигини эксплуатация қилишни ёки шахвоний эксплуатациянинг бошқа шакллари, мажбурий меҳнат ёки хизматларни, қуллик ёки қулликка ўхшаш одатларни, эркисиз ҳолат ёхуд инсон аъзоларини ажратиб олишни англантиши назарда тутилган³⁴.

Юқорида келтириб ўтилган конвенция, протокол ва бошқа халқаро ҳуқуқий ҳужжатларда одам савдосига қарши курашиш бўйича аъзо давлатлар учун мажбурий ва тавсиявий бўлган чора-тадбирлар келтириб ўтилган бўлиб, бу келишувчи тарафлар учун бир томондан маълум мажбуриятларни юкласа иккинчи тарафдан халқаро ҳамкорликда кенг имкониятларни яратади деб ўйлайман.

II БОБ. ОДАМ САВДОСИГА ҚАРШИ КУРАШИШНИНГ ИНСТИТУТЦИОНАЛ АСОСЛАРИ.

2.1 Одам савдосига қарши курашиш бўйича миллий институтлар.

Одам савдоси жиноятларига қарши курашиш давлатимиз ва фуқароларимиз учун муҳим ҳисобланади. Ушбу жиноятларга қарши курашиш

³⁴ Фозилов И.Ю. Одам савдосига қарши курашнинг жиноят–ҳуқуқий ва криминологик жиҳатлари. Юрид. фан. док. дис. – Т., 2016. – 164-169-б.

мақсадида Ўзбекистон ҳукумати томонидан сезиларли ишлар қилинмоқда. Булар сирасига халқаро ҳамжамият томонидан умумэтироф этилган халқаро ҳужжатларга қўшилиш ва бу ҳужжатларни миллий нормаларга имплементация қилишда кўринади. Ўзбекистон Республикасида одам савдосига қарши курашиш соҳасини юқори босқичга чиқариш мақсадида 17.08.2020 йилда Ўзбекистон Республикаси “Одам савдосига қарши курашиш тўғрисида” ги Қонунни янги таҳрирда қабул қилинган бўлиб, ушбу норматив ҳуқуқий ҳужжатда одам савдосига қарши курашишни амалга оширувчи ҳамда унда иштирок этувчи органлар ва ташкилотлар кўрсатиб ўтилган. Қонуннинг 2-боби одам савдосига қарши курашувчи миллий институтлар ва уларни вазифалари ёритиб ўтилган бўлиб, унинг 6-моддасига кўра одам савдосига ва мажбурий меҳнатга қарши курашиш бўйича миллий комиссия давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларининг, бошқа ташкилотларнинг одам савдосига қарши курашиш соҳасидаги фаолиятини мувофиқлаштирувчи коллегиял органдир деб ўтилган.

Миллий комиссиянинг қарорлари давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари томонидан бажарилиши шарт, нодавлат ноижорат ташкилотлари учун эса тавсиявий хусусиятга эгаллиги айтиб ўтилган³⁵.

Миллий комиссия:

Одам савдосига қарши курашиш масалалари бўйича кичик комиссиядан;
Мажбурий меҳнатга қарши курашиш масалалари бўйича кичик комиссиядан иборат.

Миллий комиссияни шакллантириш ва унинг фаолиятини ташкил этиш тартиби Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан белгиланади дейилган.

³⁵ Ўзбекистон Республикаси «Одам савдосига қарши курашиш тўғрисида» ги Қонун 17.08.2020 й, ЎРҚ-633-сон, Тошкент, 3-б.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 30.07.2019 йилдаги ПФ-5775-сонли Фармонига асосан одам савдосига қарши курашиш бўйича Миллий комиссиянинг асосий ваколатлари белгилаган. Унга кўра:

давлат органлари ва ҳудудий органларнинг, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ва нодавлат нотижорат ташкилотларининг фаолияти самарадорлигини, яқин ҳамкорлиги ва баҳамжиҳат ишлашларини таъминлаш мақсадида уларнинг одам савдосига ва мажбурий меҳнатга қарши курашиш соҳасидаги фаолиятини мувофиқлаштириш;

миллий қонунчиликни ва ҳуқуқни қўллаш амалиётини такомиллаштириш мақсадида одам савдосига ва мажбурий меҳнатга қарши курашиш соҳасида давлат дастурлари ҳамда бошқа дастурларни ишлаб чиқиш ва амалга оширишни ташкиллаштириш, шунингдек, уларнинг ижросини назорат қилиш;

одам савдосига ва мажбурий меҳнатга қарши курашиш бўйича кўрилаётган чора-тадбирларни таҳлил қилиш, баҳолаш, мониторинг қилиш ва самарадорлигини ошириш, ушбу соҳадаги жиноятларни аниқлаш, тергов қилиш, олдини олиш ва уларга чек қўйиш амалиётини ўрганиш;

одам савдосига ва мажбурий меҳнатга қарши курашиш соҳасида самарали халқаро ҳамкорлик ва баҳамжиҳат ҳаракатни ташкил этиш, шунингдек, мазкур соҳада ахборотларни йиғиш, таҳлил қилиш ва маърузалар тайёрлаш³⁶ белгилаб берилган.

Бундан кўришиб турибдики одам савдосига қарши курашишни мувофиқлаштирувчи бош ўрган Миллий комиссия эканлигини билиб олиш мумкин.

24.03.2021 йилда Одам савдосига ва мажбурий меҳнатга қарши курашиш бўйича миллий комиссиянинг йиғилиши бўлиб ўтган бўлиб, ўтган йил давомида одам савдоси билан боғлиқ 93 та жиноят қайд этилиб, уларнинг 51 таси шаҳвоний фойдаланиш, 3 таси меҳнатдан фойдаланиш, 39 таси чақалоқ савдоси билан боғлиқ жиноятларни ташкил этган. Мажбурий

³⁶ <https://lex.uz/docs/4616405>

меҳнатнинг олдини олиш мақсадида 5 684 та ташкилот ўрганилиб, мажбурий меҳнатга йўл қўйган 106 нафар ҳамда иш ҳақларини ўз вақтида бермаган ва меҳнат шaroитлари яратмаган 125 нафар мансабдор шахсга маъмурий жарималар қўлланилган³⁷. Ушбу йиғилишда такидлаб ўтилган одам савдоси жиноятларнинг кўрсаткичлари бундан бир неча бор юқори бўлиши мумкин чунки ушбу турдаги жиноятлар латент жиноятлар сирасига кириб, кўпинча ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларга жабрланувчилар шахсий маълумотлари фош бўлишидан ҳадиксираб жиноятлар ҳақида хабар берилмайди.

Ўзбекистон Республикаси “Одам савдосига қарши курашиш тўғрисида” ги Қонуннинг 9-моддасида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг одам савдосига қарши курашиш соҳасидаги ваколатлари белгиланган. Унга кўра Вазирлар Маҳкамаси одам савдосига қарши курашиш соҳасида ягона давлат сиёсати амалга оширилишини таъминлайди, одам савдосига қарши курашиш соҳасидаги Ўзбекистон Республикаси қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг қарорлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, қарорлари ва фармойишлари ижросини таъминлайди, одам савдосига қарши курашиш соҳасидаги давлат дастурларини ишлаб чиқади, тасдиқлайди ва уларнинг амалга оширилишини таъминлайди, одам савдосидан жабрланганларни дастлабки ва якуний идентификация қилишни амалга ошириш, шунингдек одам савдосидан жабрланганларни қайта йўналтириш тартибини тасдиқлайди, одам савдосидан жабрланганларга, одам савдосидан жабрланган деб тахмин қилинаётганларга ёрдам кўрсатиш ҳамда уларни ҳимоя қилиш мақсадида одам савдосидан жабрланганларга ёрдам кўрсатиш ва уларни ҳимоя қилиш бўйича ихтисослаштирилган муассасалар фаолиятини ташкил этади, одам савдосидан жабрланганларга, одам савдосидан жабрланган деб тахмин қилинаётганларга ёрдам кўрсатиш ва уларни ҳимоя қилиш тартибини тасдиқлайди, давлат

³⁷<https://mehnat.uz/uz/news/odam-savdosiga-va-mazhburiy-mehnatga-qarshi-kurashish-milliy-komissiyasi-yigilishi-utkazildi>

органларининг ва бошқа ташкилотларнинг одам савдосига қарши курашишга доир ҳамкорлигини таъминлайди.

МДХга кирувчи Беларус Республикасида эса одам савдосига қарши курашишда 07.01.2012 йилдаги “Одам савдосига қарши курашиш тўғрисида” ги Қонун³⁸ида кўрсатилган бўлиб, унга кўра мазкур жиноятларга қарши курашиш Беларус Республикаси Президенти, Белоруссия Республикаси Вазирлар Кенгаши ва бошқа давлат органлари томонидан ўз ваколатлари доирасида амалга оширилиши белгиланган. Ушбу қонуннинг 7-моддасига кўра Белоруссия Республикаси Вазирлар Кенгаши одам савдосисига қарши курашишда ягона давлат сиёсатини амалга оширилишини таъминлайди, Белоруссия Республикаси Президенти қарорларининг бажарилишини, ушбу Қонун қоидаларига риоя қилинишини таъминлайди, давлат дастурларини ишлаб чиқади ва тасдиқлаш учун Белоруссия Президентига тақдим этади, Беларусия Конституциясида, ушбу Қонунда, бошқа қонунларда ва Беларус Республикаси Президентининг ҳужжатларида назарда тутилган бошқа ваколатларни амалга оширилиши белгилаган. Мамлакатимизга қўшни бўлган Туркманистонда эса “Одам савдосига қарши курашиш тўғрисида”ги Қонун³⁹ининг 9-моддасига кўра Туркманистон Вазирлар Маҳкамаси ўз ваколатлари доирасида:

Одам савдосига қарши курашиш соҳасидаги давлат сиёсатини белгилайди; Одам савдосига қарши курашиш соҳасида давлат сиёсатини амалга ошириш учун комплекс чора-тадбирларни ишлаб чиқиш, режалаштириш, молиялаштириш ва амалга оширилишини таъминлайди; Одам савдосига қарши курашиш бўйича фаолиятни ташкил этиш ва ўтказишни тартибга солувчи норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни қабул қилади; Одам савдосига қарши курашиш бўйича давлат мақсадли дастурларини тасдиқлайди; Одам савдосига қарши курашиш миллий режасини тасдиқлайди

³⁸ Закон Республики Беларусь “О противодействии торговле людьми” 07.01.2012 г. № 350-3. Ст 5.

³⁹ Закон Туркменистана “О противодействии торговле людьми” 15.10.2016 г. № 454-V. Статья 9

ва унинг бажарилишини таъминлайди; Одам савдосига қарши курашиш билан шуғулланадиган давлат органлари фаолиятини бошқаради; Туркменистон қонунларида назарда тутилган бошқа ваколатларни амалга оширади деб ўтилган.

Юқорида келтирилган уч давлатнинг Вазирлар Маҳкамаси одам савдосига қарши курашиш соҳасидаги ваколатлари бир-бирига ўхшаш бўлиб, улар томонидан давлат раҳбарларнинг ва қонун чиқарувчи органнинг мазкур жиноятларга қарши курашиш бўйича чиқарган қарорлари ижроси таъминлаши, одам савдосига қарши курашишда ягона давлат сиёсатини амалга ошириши, бу жиноятларга қарши курашишда давлат дастурларини ишлаб чиқиши ва бошқа ваколатларда кўринади.

Ўзбекистон Республикасининг “Одам савдосига қарши курашиш тўғрисида” ги Қонун⁴⁰нинг 10-моддасига асосан одам савдосига қарши бевосита курашувчи давлат органлари берилиб ўтган бўлиб, улар

Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги;

Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси;

Ўзбекистон Республикаси Давлат хавфсизлик хизмати;

Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги;

Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги, Ўзбекистон Республикасининг хориждаги дипломатик ваколатхоналари ва консуллик муассасалари;

Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги амалга ошириши белгиланган.

Ўзбекистон Республикасида одам савдосига қарши курашувчи бош ўрганлардан бири бу Ички ишлар вазирлиги ҳисобланиб, улар хизматлари доирасида одам савдоси жиноятларига қарши курашишда кенг ваколатларга эга ҳисобланади. Жиноят Процессуал Кодексининг 345-моддасига асосан

⁴⁰ Ўзбекистон Республикаси «Одам савдосига қарши курашиш тўғрисида» ги Қонун 17.08.2020 й, ЎРҚ-633-сон, Тошкент, 4-б.

одам савдоси жиноятларини тергов қилиш Ички ишлар вазирлиги томонидан олиб бориши белгиланган. Бундан ташқари “Одам савдосига қарши курашиш тўғрисида” ги Қонун⁴¹нинг 11-моддасида ИИВнинг одам савдосига қарши курашишдаги ваколатлари белгилаб берилган бўлиб, унга кўра;

одам савдосига қарши курашиш соҳасидаги давлат дастурларини ва бошқа дастурларни ишлаб чиқиш ҳамда амалга оширишда иштирок этади;

одам савдосига қарши курашиш тўғрисидаги қонун ҳужжатларини такомиллаштириш юзасидан таклифлар киритади; одам савдосидан жабрланган деб тахмин қилинаётганларни дастлабки идентификация қилишни амалга оширади; одам савдоси билан боғлиқ жиноятларни фош этиш бўйича тезкор-қидирув фаолиятини ташкил этади ҳамда амалга оширади, жиноят ишлари бўйича терговга қадар текширув ва дастлабки тергов ўтказилишини таъминлайди, шу жумладан замонавий технологиялар ва ахборот тизимларидан фойдаланган ҳолда ушбу фаолиятни ташкил этади ҳамда амалга оширади, терговга қадар текширув ва дастлабки тергов ўтказилишини таъминлайди; одам савдоси билан шуғулланувчи шахслар, уюшган гуруҳлар ва жиноий уюшмаларнинг фаолиятига чек қўйиш юзасидан халқаро ташкилотлар ҳамда бошқа давлатларнинг ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлари билан ҳамкорликни амалга оширади; одам савдоси билан шуғулланувчи шахслар, уюшган гуруҳлар ва жиноий уюшмалар ҳақида тегишли давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларига ахборот тақдим этади; оммавий ахборот воситалари иштирокида аҳоли ўртасида одам савдосига қарши курашиш бўйича тушунтириш-профилактика ишлари мажмуини амалга оширади; одам савдосига қарши курашиш юзасидан Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномаларида назарда тутилган тадбирларни амалга оширади; одам савдосига қарши курашишга доир фаолиятни амалга оширувчи ва унда иштирок этувчи давлат органлари, фуқароларнинг ўзини

⁴¹ Ўзбекистон Республикаси «Одам савдосига қарши курашиш тўғрисида» ги Қонун 17.08.2020 й, ЎРҚ-633-сон, Тошкент, 4-б.

Ўзи бошқариш органлари, нодавлат нотижорат ташкилотлари ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари билан ҳамкорлик қилиши белгилаб ўтилган.

Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ваколатларни ҳам амалга ошириши мумкин.

Вазирлик томонидан одам савдосига қарши курашишни амалга оширилиши лозим бўлган ишлар ушбу қонунда берилиб ўтган. Бундан ташқари Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Одам савдосидан жабрланган ёки одам савдосидан жабрланган деб тахмин қилинаётган шахсларни миллий даражадаги қайта йўналтириш тизимини тасдиқлаш тўғрисида” 08.02.2021 йилдаги 60-сонли Қарорига⁴² асосан вазирликнинг ушбу соҳадаги ваколат ва вазифалари тўлдирилди. Унга қўра :

одам савдоси билан боғлиқ жиноятлар ва ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги аризаларни, хабарларни ва бошқа ахборотни қабул қилади, рўйхатга олади ҳамда уларнинг «Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикасининг Қонуни, шунингдек, маъмурий жавобгарлик, жиноят-процессуал, жиноят-ижроия тўғрисидаги қонун ҳужжатлари ва бошқа қонунларга мувофиқ кўриб чиқилишини таъминлайди; келиб тушган мурожаатлар орқали одам савдосидан жабрланган ёки одам савдосидан жабрланган деб тахмин қилинаётган шахсларни аниқлаш мақсадида уларни идентификация қилади ҳамда қайта йўналтиради; ушлаб турилганлар, қамоққа олинганлар ва маҳкумлар орасида одам савдоси билан боғлиқ жиноятлардан жабрланган шахслар ҳақида маълумот тўплайди, таҳлил қилади ва уларни идентификация қилишни ташкил этади; ахборот-коммуникация технологиялари ва ижтимоий медиа соҳасида одам савдоси билан боғлиқ жиноятлардан жабрланган шахслар ҳақида маълумот тўплайди, таҳлил қилади ва уларни идентификация қилишни ташкил этади; одам

⁴² Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Одам савдосидан жабрланган ёки одам савдосидан жабрланган деб тахмин қилинаётган шахсларни миллий даражадаги қайта йўналтириш тизимини тасдиқлаш тўғрисида” Қарори, 08.02.2021 й, ВМҚ-60-сон, Тошкент, 3-б.

савдосидан жабрланган деб тахмин қилинаётган шахсни дастлабки идентификация қилиш мақсадида пул маблағлари ёки бошқа мол-мулк билан боғлиқ операцияларни амалга оширувчи ташкилотлар билан ҳамкорлик қилади ва «Жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга, терроризмни молиялаштиришга ва оммавий қирғин қуролини тарқатишни молиялаштиришга қарши курашиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунда назарда тутилган ҳаракатларни амалга оширади; одам савдоси билан боғлиқ жиноятларни фош этиш бўйича тезкор-қидирув фаолиятини, жиноят ишлари бўйича терговга қадар текширув, суриштирув ва дастлабки тергов ўтказишни ташкил этиш ҳамда амалга ошириш даврида одам савдосидан жабрланган, одам савдосидан жабрланган деб тахмин қилинаётган шахсларни дастлабки идентификация қилиш ва қайта йўналтиришни амалга оширади; одам савдоси ва у билан боғлиқ жиноятларга тўқнаш келиш хавф остида бўлган шахслар орасидан одам савдосидан жабрланган, одам савдосидан жабрланган деб тахмин қилинаётган шахсларни аниқлаш учун идентификация қилишга йўналтирилган ижтимоий дастурлар ва лойиҳаларни амалга оширади; идентификация қилиш ва қайта йўналтириш жараёнларида қатнашаётган давлат органлари ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, нодавлат нотажорат ташкилотлари ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари мутахассисларининг одам савдосидан жабрланган, одам савдосидан жабрланган деб тахмин қилинаётган шахсни аниқлаш ва идентификация қилиш усуллари ва мезонлари бўйича малака даражасини ошириш мақсадида ҳар йили камида бир маротаба ўқув семинар-тренинглار ташкил этади. Ўз ходимларининг малака даражасини ошириш истагини билдирган мазкур орган ва ташкилотларнинг тақдимномасига асосан Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигининг Малака ошириш институти ва унинг ҳудудий филиалларида ўқитиш ташкил этилади; одам савдоси жиноятлари содир этилган хорижий давлатлар ҳудудида жойлашган Ўзбекистон Республикасининг дипломатик ваколатхоналари ва консуллик

муассасалари ходимлари учун ҳар йили одам савдосининг муаммоси тўғрисида хабардорликни ошириш ва бошқа мамлакатда аниқланган одам савдосидан жабрланган, одам савдосидан жабрланган деб тахмин қилинаётган шахсни қайта йўналтириш бўйича кўникмаларни ривожлантиришга қаратилган ўқув семинар-тренинглари масофавий видео-алоқа каналлари орқали ташкил этади.

Идентификация қилиш ва қайта йўналтириш жараёнларида қатнашаётган давлат органлари ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, нодавлат нотижорат ташкилотлари ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари мутахассисларининг одам савдосидан жабрланган, одам савдосидан жабрланган деб тахмин қилинаётган шахсни аниқлаш ва идентификация қилиш усуллари ва мезонлари бўйича малака даражасини ошириш мақсадида ҳар йили камида бир маротаба ўқув семинар-тренинглари ташкил этади;

Ушбу қарор билан ИИВ органлари томонидан одам савдосига қарши курашишда амалга ошириши лозим бўлган вазифалар батафсил ёритилган.

Ўзбекистон Республикасининг “Одам савдосига қарши курашиш тўғрисида” ги Қонуни⁴³нинг 12-моддасига асосан Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратурасининг одам савдосига қарши курашиш соҳасидаги ваколатлари келтирилган бўлиб, унга кўра одам савдосига қарши курашиш соҳасидаги давлат дастурларини ва бошқа дастурларни ишлаб чиқишда ҳамда амалга оширишда иштирок этади; одам савдосига қарши курашиш тўғрисидаги қонун ҳужжатларини такомиллаштириш бўйича таклифлар киритади; одам савдосидан жабрланган деб тахмин қилинаётганларни дастлабки идентификация қилишни амалга оширади; одам савдосига қарши курашиш тўғрисидаги қонун ҳужжатларининг аниқ ва бир хилда ижро этилиши устидан назоратни амалга оширади; одам савдосига қарши курашиш соҳасида терговга қадар текширувни, суриштирувни ва дастлабки терговни

⁴³ Ўзбекистон Республикаси «Одам савдосига қарши курашиш тўғрисида» ги Қонун 17.08.2020 й, ЎРҚ-633-сон, Тошкент, 4-б.

амалга оширувчи органларнинг фаолиятини мувофиқлаштиради; одам савдосига қарши курашиш соҳасида аҳолининг ҳуқуқий онгини, ҳуқуқий маданиятини юксалтиришга ва қонунийликни мустаҳкамлашга қаратилган тарғиботда иштирок этади; одам савдоси билан боғлиқ жиноятларнинг статистик ҳисобини амалга оширади; одам савдосига қарши курашишга доир фаолиятни амалга оширувчи ва унда иштирок этувчи давлат органлари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, нодавлат ноижорат ташкилотлари ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари билан ҳамкорлик қилади.

Одам савдосига қарши курашишда прокуратура органлари ушбу соҳада ўз фаолиятини амалга оширувчи органлардан фарқли жиҳати улар томонидан норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни аниқ ва бир хилда ижро этилиши устидан назоратни амалга оширади.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Одам савдосидан жабрланган ёки одам савдосидан жабрланган деб тахмин қилинаётган шахсларни миллий даражадаги қайта йўналтириш тизимини тасдиқлаш тўғрисида”ги Қарорига⁴⁴ асосан Бош прокуратура одам савдоси билан боғлиқ жиноятлар ва ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги аризаларни, хабарларни ва бошқа ахборотни қабул қилади, рўйхатга олади ҳамда уларнинг «Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикасининг Қонуни, шунингдек, маъмурий жавобгарлик, жиноят-процессуал, жиноят-ижроия тўғрисидаги қонун ҳужжатлари ва бошқа қонунларга мувофиқ кўриб чиқилишини таъминлайди; келиб тушган мурожаатлар орқали одам савдосидан жабрланган, одам савдосидан жабрланган деб тахмин қилинаётган шахсларни аниқлаш мақсадида уларни идентификация қилади ҳамда қайта йўналтиради; одам савдосидан жабрланган ёки одам савдосидан жабрланган деб тахмин қилинаётган

⁴⁴ Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Одам савдосидан жабрланган ёки одам савдосидан жабрланган деб тахмин қилинаётган шахсларни миллий даражадаги қайта йўналтириш тизимини тасдиқлаш тўғрисида” Қарори, 08.02.2021 й, ВМҚ-60-сон, Тошкент, 4-б.

шахсларни аниқлаш мақсадида уларни идентификация қилиш ва қайта йўналтириш фаолияти билан шуғулланувчи вазирликлар, давлат қўмиталари, идоралар, фукароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, жамоат бирлашмалари, корхоналар, муассасалар, ташкилотлар, ҳокимлар ва бошқа мансабдор шахслар томонидан қонунларнинг ижро этилишини назорат қилади; одам савдосидан жабрланган, одам савдосидан жабрланган деб тахмин қилинаётган шахсларнинг Қонунда кўрсатилган ҳуқуқ ҳамда эркинликларини таъминлашга қаратилган ҳаракатлар ижросини назорат қилади; тезкор-қидирув фаолиятини, терговга қадар текширувни, суриштирувни, дастлабки терговни амалга оширадиган органлар томонидан одам савдосидан жабрланган, одам савдосидан жабрланган деб тахмин қилинаётган шахсларни идентификация қилиш ва қайта йўналтириш фаолиятида қонунларнинг ижро этилишини назорат қилиш ҳамда уларнинг одам савдосига қарши курашиш борасидаги фаолиятини мувофиқлаштиради.

Шунингдек, соҳа вакиллари томонидан одам савдосига қарши курашиш соҳасида семинар-тренинглар, давра суҳбатлари ўтказиб келинади. Шулардан бири 29.07.2020 йилда Бош прокуратура Академияси томонидан Одам савдоси ва мажбурий меҳнатга қарши курашиш миллий комиссияси, Ўзбекистон Республикаси Инсон ҳуқуқлари бўйича Миллий маркази, Европада хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилотининг Ўзбекистондаги лойиҳалари координатори ҳамда БМТнинг Гиёҳвандлик ва жиноятчилик бўйича бошқармаси билан ҳамкорликда Одам савдосига қарши курашиш умумжаҳон кунига бағишлаб, “COVID-19 пандемияси шароитида Одам савдосига қарши курашиш” мавзусида онлайн халқаро давра суҳбати ўтказилган.

Анжуманда COVID-19 пандемиясининг натижаларини ва одам савдосининг янги турларини пайдо бўлишини ўрганиш, Ўзбекистон Республикаси ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари ва бошқа тегишли муассаса ходимлари учун мўлжалланган одам савдосига қарши курашиш соҳасидаги ўқув дастурларини янада такомиллаштириш бўйича олиб борилган

тадқиқотнинг илк натижалари ва тавсиялари, бола савдосига қарши курашиш, одам савдосидан жабр кўрганларга миллий даражада реабилитация хизматларини кўрсатишни ташкил этиш, Ўзбекистон Республикасининг дипломатик ваколатхоналари ва консуллик муассасалари томонидан одам савдосидан жабрланганларга амалий ёрдам кўрсатиш мавзулари, шунингдек ушбу жиноятларни олдини олиш ва унга қарши кураш бўйича миллий саъй-ҳаракат ва бу борада ўзаро ҳамкорликни янада ривожлантириш масалалари қизгин муҳокама қилинган⁴⁵. Булардан кўриниб турибдики соҳа вакиллари томонидан одам савдосига қарши курашишда қилаётган саъй-ҳаракатлари бутун жамоатчилик томонидан эътироф этилмоқда.

Ўзбекистон Республикасининг “Одам савдосига қарши курашиш тўғрисида” ги Қонуни⁴⁶нинг 13-моддасига асосан Ўзбекистон Республикаси Давлат хавфсизлик хизматининг одам савдосига қарши курашиш соҳасидаги ваколатлари сирасига одам савдосига қарши курашиш соҳасидаги давлат дастурларини ва бошқа дастурларни ишлаб чиқишда ҳамда амалга оширишда иштирок этади; одам савдосига қарши курашиш тўғрисидаги қонун ҳужжатларини такомиллаштириш бўйича таклифлар киритади; одам савдосидан жабрланган деб тахмин қилинаётганларни дастлабки идентификация қилишни амалга оширади; халқаро террорчилик ташкилотлари ва уюшган жиноий гуруҳларнинг одам савдоси билан шуғулланувчи шахслар билан алоқаларини аниқлайди; халқаро террорчилик ташкилотлари ва уюшган жиноий гуруҳлар томонидан амалга ошириладиган одам савдоси билан боғлиқ жиноят ишлари бўйича терговга қадар текширувни ҳамда дастлабки терговни ўтказди; Ўзбекистон Республикасининг Давлат чегарасини одам савдоси билан шуғулланувчи шахслар ва одам савдосидан жабрланганлар томонидан кесиб ўтишга уринишларнинг олдини олиш,

⁴⁵ <https://proacademy.uz/uz-cyr/news/view?alias=762>

⁴⁶ Ўзбекистон Республикаси «Одам савдосига қарши курашиш тўғрисида» ги Қонун 17.08.2020 й, ЎРҚ-633-сон, Тошкент, 5-б.

уларни аниқлаш ва уларга чек қўйиш чораларини кўради; одам савдосига карши курашишга доир фаолиятни амалга оширувчи ва унда иштирок этувчи давлат органлари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, нодавлат ноижорат ташкилотлари ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари билан ҳамкорлик қилади. Бундан ташқари Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Одам савдосидан жабрланган ёки одам савдосидан жабрланган деб тахмин қилинаётган шахсларни миллий даражадаги қайта йўналтириш тизимини тасдиқлаш тўғрисида”ги Қарорига⁴⁷ асосан ДХХ органлари одам савдоси билан боғлиқ жиноятлар ва ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги аризаларни, хабарларни ва бошқа ахборотни қабул қилади, рўйхатга олади ҳамда уларнинг «Жисмоний ва юридик шахсларнинг муурожаатлари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикасининг Қонуни, шунингдек, маъмурий жавобгарлик, жиноят-процессуал, жиноят-ижроия тўғрисидаги қонун ҳужжатлари ва бошқа қонунларга мувофиқ кўриб чиқилишини таъминлайди; келиб тушган муурожаатлар орқали одам савдосидан жабрланган, одам савдосидан жабрланган деб тахмин қилинаётган шахсларни аниқлаш мақсадида уларни идентификация қилади ҳамда қайта йўналтиради; халқаро террорчилик ташкилотлари ва уюшган жиноий гуруҳлар томонидан амалга ошириладиган одам савдоси билан боғлиқ жиноят ишлари бўйича терговга қадар текширув ҳамда дастлабки тергов ўтказиш ҳамда одам савдоси билан шуғуullanувчи шахслар ва одам савдосидан жабрланганлар томонидан Ўзбекистон Республикасининг Давлат чегарасини кесиб ўтишга уринишлар даврида одам савдосидан жабрланган, одам савдосидан жабрланган деб тахмин қилинаётган шахсларнинг дастлабки идентификация қилиш ва қайта йўналтиришни амалга оширади; одам савдоси ва у билан боғлиқ жиноятларга тўқнаш келиш хавф остида бўлган шахслар орасидан одам савдосидан жабрланган, одам савдосидан жабрланган деб

⁴⁷ Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Одам савдосидан жабрланган ёки одам савдосидан жабрланган деб тахмин қилинаётган шахсларни миллий даражадаги қайта йўналтириш тизимини тасдиқлаш тўғрисида” Қарори, 08.02.2021 й, ВМҚ-60-сон, Тошкент, 4-б.

тахмин қилинаётган шахсларни аниқлаш учун идентификация қилишга йўналтирилган ижтимоий дастурлар ва лойиҳаларни амалга оширади.

Ушбу орган томонидан одам савдосига қарши курашишда бошқа ваколатли органлардан фарқли жиҳати Ўзбекистонга хавф солувчи террорчилик гуруҳлари томонидан одам савдоси қурбонига айлантирилган шахсларни аниқлаш ҳамда Ўзбекистон чегарасини кесиб ўтиш орқали одам савдоси билан шуғулланувчи шахсларни ушлаш ва тегишли тартибда жавобгарликка тортишни ўз ичига олади. Бу соҳада ДХХ органлари ўз вазифаларини сидқидилдан бажармоқда деса бўлади. Бунинг ёрқин мисоли ДХХ Наманган вилояти бошқармаси ҳамда вилоят ИИБ ходимлари ҳамкорлигида ўтказилган тезкор тадбирда Андижон вилояти Хўжаобод туманида жойлашган “Дўстлик” халқаро назорат ўтказиш масканида Наманган шахрида яшовчи аёл Н.Н. ўзининг 2 нафар танишини Туркия давлатига фоҳишалик қилиш мақсадида олиб кетаётган вақтида ушланган.

Аниқланишича, 1987 йил туғилган Н.Н. жорий йилнинг март ойида Туркия давлатидан доимий яшаш манзилига қайтиб келгач, 1990 ва 1993 йилларда туғилган икки нафар таниш аёлларини Истанбул шахрида фоҳишалик билан шуғулланиб, мўмай пул топишга қизиқтирган.

Сўнгра Туркияга Қирғизистон орқали кетишларини айтиб, уларга ўз ҳисобидан Бишкек-Истанбул авиарейсига чипталар харид қилади, шунингдек, виза ҳамда чет элга чиқиш паспортлари учун тўловларни ҳам амалга оширган.

Бу билан уларни ўзига моддий жиҳатдан қарам қилиб, манзилга етиб борганларидан кейин бир ой давомида фоҳишалик қилиш орқали сарфланган йўл харажатларини қоплашларини ҳамда ҳар ойда ишлаб топган пулларининг 30 фоизини беришларини талаб қилишган.

Таъкидлаш лозимки, Н.Н. Туркияда бўлган даврида Ўзбекистондан олиб борилган аёлларни фоҳишалик билан шуғулланишга мажбурлаб келган.

Шундан сўнг Н.Н.га нисбатан Жиноят Кодексининг 135-моддаси билан жиноят иши кўзғатилган⁴⁸.

Ўзбекистон Республикасининг “Одам савдосига қарши курашиш тўғрисида” ги Қонуни⁴⁹нинг 14-моддасида Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлигининг одам савдосига қарши курашиш соҳасидаги ваколатлари келтириб ўтилган бўлиб, унга кўра вазирлик одам савдосига қарши курашиш соҳасидаги давлат дастурларини ва бошқа дастурларни ишлаб чиқишда ҳамда амалга оширишда иштирок этади; одам савдосига қарши курашиш тўғрисидаги қонун ҳужжатларини такомиллаштириш бўйича таклифлар киритади; одам савдосидан жабрланган деб тахмин қилинаётганларни дастлабки идентификация қилишни амалга оширади; хорижда меҳнат фаолиятини амалга ошириш даврида зўравонликка, мажбурий меҳнатга ва камситишга, меҳнат ва бошқа ҳуқуқлари бузилишига дучор этилган, шахсини тасдиқловчи ҳужжатларсиз, тирикчилик учун маблағларсиз қолган фуқароларни ҳуқуқий ва ижтимоий жиҳатдан ҳимоя қилади, шунингдек уларга моддий ёрдам кўрсатади; одам савдосидан жабрланганларни ишга жойлаштириш чораларини кўради; Ўзбекистон Республикаси фуқароларини ишга жойлаштиришга доир фаолиятни амалга оширувчи, шу жумладан хорижда амалга оширувчи юридик шахслар томонидан лицензия талаблари ва шартларига риоя этилишини назорат қилади; одам савдосига қарши курашишга доир фаолиятни амалга оширувчи ва унда иштирок этувчи давлат органлари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, нодавлат ноижорат ташкилотлари ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари билан ҳамкорлик қилади. Бундан ташқари Ўзбекистон Республикаси Президентининг 30.07.2019 йилдаги ПФ-5775-сонли Фармони⁵⁰га асосан Ўзбекистон Республикаси бандлик ва

⁴⁸ <http://auz.uz/news/dhh-tomonidan-odam-savdosiga-chek-kuyildi>

⁴⁹ Ўзбекистон Республикаси «Одам савдосига қарши курашиш тўғрисида» ги Қонун 17.08.2020 й, ЎРҚ-633-сон, Тошкент, 7-б.

⁵⁰ <https://lex.uz/docs/4616405>

меҳнат муносабатлари вазири, Миллий комиссия раисининг ўринбосари — Мажбурий меҳнатга қарши курашиш масалалари бўйича кичик комиссия раҳбари ҳисобланиб, меҳнат фаолияти давомида одам савдосига учраган шахсларга ёрдам бериш билан шуғулланади.

Ўзбекистон Республикасининг “Одам савдосига қарши курашиш тўғрисида” ги Қонуни⁵¹нинг 15-моддасига кўра Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлигининг, Ўзбекистон Республикасининг хориждаги дипломатик ваколатхоналари ва консуллик муассасаларининг одам савдосига қарши курашиш соҳасидаги ваколатларига одам савдосига қарши курашиш соҳасидаги давлат дастурларини ва бошқа дастурларни ишлаб чиқишда ҳамда амалга оширишда иштирок этади; одам савдосига қарши курашиш тўғрисидаги қонун ҳужжатларини такомиллаштириш бўйича таклифлар киритади; одам савдосидан жабрланган деб тахмин қилинаётганларни дастлабки идентификация қилишни амалга оширади; Ўзбекистон Республикаси ҳудудидан ташқарида одам савдосидан жабрланган, одам савдосидан жабрланган деб тахмин қилинаётган Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг, шунингдек Ўзбекистон Республикаси ҳудудида яшаш гувоҳномаси бўлган фуқаролиги бўлмаган шахсларнинг ҳуқуқларини ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилишга доир фаолиятни амалга оширади; одам савдосидан жабрланганларнинг, одам савдосидан жабрланган деб тахмин қилинаётганларнинг Ўзбекистон Республикасига қайтишига кўмаклашади, уларда шахсини тасдиқловчи ҳужжатлар мавжуд бўлмаган тақдирда эса уларнинг шахсини аниқлаш чораларини кўради ҳамда уларга Ўзбекистон Республикасига қайтиш ҳуқуқини берувчи ҳужжатларни консуллик йиғимларини ва бошқа йиғимларни ундирмасдан расмийлаштиради; зарур ҳолларда, консуллик муассасаси жойлашган давлатнинг тегишли ваколатли органларига Ўзбекистон Республикасининг

⁵¹ Ўзбекистон Республикаси «Одам савдосига қарши курашиш тўғрисида» ги Қонун 17.08.2020 й, ЎРҚ-633-сон, Тошкент, 5-б.

одам савдосига қарши курашиш тўғрисидаги қонун ҳужжатлари ҳақида маълумотлар тақдим этади; одам савдосидан жабрланганларга, одам савдосидан жабрланган деб тахмин қилинаётганларга уларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатлари ҳақида ахборот тақдим этади; одам савдосига қарши курашишга доир фаолиятни амалга оширувчи ва унда иштирок этувчи давлат органлари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, нодавлат ноижорат ташкилотлари ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари билан ҳамкорлик қилади.

Ўзбекистон Республикасининг “Одам савдосига қарши курашиш тўғрисида” ги Қонуни⁵²нинг 16-моддасида Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг одам савдосига қарши курашиш соҳасидаги ваколатларига одам савдосига қарши курашиш соҳасидаги давлат дастурларини ва бошқа дастурларни ишлаб чиқишда ҳамда амалга оширишда иштирок этади; одам савдосига қарши курашиш тўғрисидаги қонун ҳужжатларини такомиллаштириш бўйича тақлифлар киритади; одам савдосидан жабрланган деб тахмин қилинаётганларни дастлабки идентификация қилишни амалга оширади; одам савдосидан жабрланганларга, одам савдосидан жабрланган деб тахмин қилинаётганларга тиббий ёрдам кўрсатилишини ташкил этади; одам савдосига қарши курашишга доир фаолиятни амалга оширувчи ва унда иштирок этувчи давлат органлари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, нодавлат ноижорат ташкилотлари ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари билан ҳамкорлик қилади.

Ўзбекистон Республикасининг “Одам савдосига қарши курашиш тўғрисида” ги Қонуни⁵³нинг 17-моддасида давлат органлари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, нодавлат ноижорат ташкилотлари ва

⁵² Ўзбекистон Республикаси «Одам савдосига қарши курашиш тўғрисида» ги Қонун 17.08.2020 й, ЎРҚ-633-сон, Тошкент, 6-б.

⁵³ Ўзбекистон Республикаси «Одам савдосига қарши курашиш тўғрисида» ги Қонун 17.08.2020 й, ЎРҚ-633-сон, Тошкент, 6-б.

фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари, шунингдек фуқаролар томонидан Одам савдосига қарши курашишга доир фаолиятни амалга ошираётган давлат органларига кўмаклашиш бўйича ваколатлари берилган бўлиб, унга кўра:

одам савдосига қарши курашишда давлат органларига кўмаклашиши ва зарур ёрдам кўрсатиши; одам савдосига қарши курашиш соҳасидаги давлат дастурларини ва бошқа дастурларни ишлаб чиқиш ҳамда амалга оширишда иштирок этиши; одам савдосига қарши курашиш соҳасида аҳолининг ҳуқуқий онги ва ҳуқуқий маданиятини юксалтиришда иштирок этиши; одам савдосига қарши курашиш тўғрисидаги қонун ҳужжатларини такомиллаштириш бўйича таклифлар киритиши; одам савдосидан жабрланганларни идентификация қилишнинг ҳар қандай босқичида иштирок этиши; одам савдосидан жабрланганларнинг ижтимоий реабилитацияси ва мослашуви бўйича чоратadbирларни амалга оширишда, шу жумладан одам савдосидан жабрланганларга ёрдам кўрсатиш ва уларни ҳимоя қилиш бўйича ихтисослаштирилган муассасаларни ташкил этишда кўмаклашиши; одам савдосига қарши курашиш тўғрисидаги қонун ҳужжатларининг ижроси устидан жамоатчилик назоратини амалга ошириши; қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа тадбирларда иштирок этиши мумкин дейилган.

Нодавлат нотижорат ташкилотлари одам савдосидан жабрланганларга ёрдам кўрсатиш ва уларни ҳимоя қилиш бўйича марказларни қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ташкил этиши мумкин.

Оммавий ахборот воситалари одам савдосига қарши курашиш соҳасидаги давлат сиёсатини амалга оширишга, шу жумладан аҳолининг ҳуқуқий онги ва ҳуқуқий маданиятини юксалтиришга, одам савдосига нисбатан жамиятда муросасизлик муносабатини шакллантиришга қаратилган тадбирларни ёритиши мумкинлиги белгиланган.

Давлат фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органларининг, нодавлат нотижорат ташкилотларининг ва фуқаролик жамияти бошқа

институтларининг одам савдосига қарши курашиш борасидаги кўмагини конун ҳужжатларига мувофиқ қўллаб-қувватлайди.

Хулоса ўрнида шуни айтишим мумкинки одам савдосига қарши курашувчи миллий институтларнинг вазифаси одам савдосидан жабрланганларни аниқлаш, уларга керакли ёрдамни бериш ва бу турдаги жиноятларни содир қилган шахсларни ушлаб тегишли тартибда жавобгарликка тортиш ҳамда келгусида фуқаролар ўртасида одам савдосига учрамаслик учун тушунтириш, профилактика ишларини олиб бориши киради. Албатта ушбу жиноятларга қарши курашишнинг самарали йўлларида бири ёшлар ўртасида тушунтириш ишларини олиб бориш самарали деб ўйлайман.

2.2 Одам савдосига қарши курашишнинг халқаро механизмлари.

Одам савдосига қарши курашишда халқаро ҳамжамият билан ҳамкорликда курашиш энг самарали усуллардан бири ҳисобланади. Давлатлар ўртасида бу турдаги жиноятларга қарши курашишда кўплаб халқаро ташкилотлар тузилиб, улар замирида одам савдосига қарши курашиш учун халқаро ҳужжатлар қабул қилинади. Бундай халқаро ташкилотлардан бири 1945-йилда тузилган Бирлашган Миллатлар Ташкилоти ҳисобланиб, у тинчликни мустаҳкамлаш ва хавфсизликни таъминлаш, давлатларнинг ўзаро ҳамкорлигини ривожлантириш мақсадида ташкил этилган халқаро ташкилот ҳисобланади. БМТни барпо этиш ҳақидаги қарори СССР, АҚШ, Англия ва Хитой ташқи ишлар вазирларининг Москвадаги кенгашида 1943-йилда, Устави эса Сан-Франциско конференциясида 1945-йилда қабул қилинган. БМТ Уставига дастлаб 51 давлат имзо чеккан, 2000-йилда эса улар сони 189 тага етди. БМТнинг доимий иш ўрни (штаб квартираси) — Нью-Йорк. БМТ Уставида кўрсатилганидек, у халқаро тинчлик ва хавфсизликни сақлаш, халқларнинг тенг ҳуқуқли бўлиши ва ўз тақдирини ўзи белгилаши қоидасига амал қилиб, миллатлар ўртасида дўстлик муносабатларини ривожлантиришни, иқтисодий, ижтимоий, маданий муаммоларни ҳал этишда халқаро ҳамкорлик бўлишини таъминлашни кўзда тутиб, шу умумий

мақсадларга эришишда миллатлар ҳаракатини уйғунлаштириб турадиган марказ ҳисобланади⁵⁴. Айни пайтда одам савдоси халқаро, трансмиллий уюшган жиноятчилик турларидан бири бўлиб, БМТнинг расмий маълумотларига кўра одам савдоси қурбонлари сони тобора ўсиб бормоқда. Агар 2012 йилда қурбонлар сони атиги 21 миллион кишини ташкил этган бўлса, 2018 йилда 25 миллион кишига етган⁵⁵. Бутунжаҳон мамлакатлари ушбу ижтимоий хавфли ҳодисага қарши фаол чоралар кўриши, миллий ва давлатлараро даражада меъёрий ҳужжатларни қабул қилиши мантиқан тўғри ҳисобланади. Шундай қилиб, сўнгги ўн йилликда жаҳон ҳамжамияти халқаро миқёсда одам савдосига қарши курашиш ва олдини олишга қаратилган бир қатор халқаро шартномалар, конвенциялар, шартномаларни қабул қилди ва бу жараёнда Бирлашган Миллатлар Ташкилоти муҳим рол ўйнайди (кейинги ўринларда БМТ деб юритилади). Ташкилотнинг расмий маълумотларига кўра, куллик ва одам савдоси дунёда ханузгача кенг тарқалган бўлиб, 127 мамлакатда бу турдаги жиноятлар содир бўлаётганлиги фактлари мавжуд бўлиб, айримларида расмийларнинг яширин розилиги билан содир этилаётганлиги маълум бўлмоқда⁵⁶.

Бутун жаҳон мамлакатларида одам савдоси муаммосининг глобал моҳиятини инобатга олган ҳолда, 18.11.2010 йилда БМТ томонидан одам савдоси жабрдийдаларига ёрдам бериш фонди расман ташкил этилган бўлиб, у ўша йили БМТнинг барча аъзо давлатлари томонидан қабул қилиниб, уни кўллаб-қувватлаш учун давлатлар резолюция тасдиқлашган. Ушбу резолюцияда БМТга аъзо давлатлар одам савдосига қарши ҳаракатлар режасини ишлаб чиқдилар ва тасдиқладилар (БМТ Бош ассамблеясининг 2010 йил 30 июлдаги 64/293 қарори билан қабул қилинган). Ушбу режага биноан, БМТга аъзо давлатлар одамларни, айниқса, аёллар ва болаларни

⁵⁴ https://uz.wikipedia.org/wiki/Birlashgan_millatlar_tashkiloti

⁵⁵ Доклад Управления Организации Объединенных Наций по наркотикам и преступности. Вена. 07.01.2019 г. 80 с.

⁵⁶ Живой товар - торговля людьми 2.06.09 теги: выживание, художественные/Статьи /Торговля людьми: рабы дешевет! // [Электронный ресурс] / Режим доступа: <http://slavs.org.ua/ghivoytovar>.

жинсий қуллик мақсадида одам савдоси каби жиноий кўринишни йўқ қилиш мажбуриятини ўз зиммаларига олди. Шунингдек, улар одам савдосининг олдини олиш ва унга қарши курашиш, жабрланганларни ҳимоя қилиш ва уларга ёрдам бериш, одам савдоси билан шуғулланганларни жавобгарликка тортиш ва ҳаракатлар режасини ишлаб чиқиш ва қабул қилиш орқали мувофиқлаштириш ва ҳамкорликни кучайтириш учун шериклик алоқаларини ўрнатишга ваъда беришди⁵⁷.

БМТ томонидан яна бир қилинган ишлардан бири одам савдосига айниқса, аёлларни бу турдаги жиноятлардан асраш мақсадида “Аёлларга нисбатан камситилишнинг барча шакллари йўқ қилиш тўғрисида”ги Конвенция⁵⁸ни қабул қилган бўлиб, одам савдосига қарши курашишга қаратилган муҳим ҳуқуқий ҳужжат ҳисобланади ва ушбу ҳуқуқий ҳужжат аёлларни ҳимоя қилиш ва одам савдосига қарши чоралар бўйича тавсияларни ўз ичига олган. Ушбу ҳуқуқий ҳужжат аёлларга нисбатан камситишларни йўқ қилиш йўлидаги биринчи қадам бўлди, бу аёлларнинг жамиятдаги мавқеини мустаҳкамлаш учун катта имкониятлар очди.

БМТнинг Хавфсизлик Кенгаши одам савдосига қарши курашувчи асосий органларидан бири ҳисобланиб, у халқаро тинчлик ва хавфсизликни сақлашда тутган ўрни муҳим ҳисобланади. Кенгаш 15 аъзо давлатлардан иборат бўлиб, бешта доимий (Россия, АҚШ, Буюк Британия, Франция, Хитой) ва ўнта доимий бўлмаган БМТ Низомига мувофиқ сайланадиган аъзолари мавжуд. Доимий аъзоларнинг рўйхати БМТ Низомида белгиланади. Доимий бўлмаган аъзолар БМТ Бош Ассамблеяси томонидан дарҳол қайта сайланиш ҳуқуқисиз икки йилга сайланади⁵⁹.

⁵⁷ Глобальный план действий Организации Объединенных Наций по борьбе с торговлей людьми. Принят резолюцией 64/293 Генеральной Ассамблеи ООН от 30 июля 2010 года // https://www.un.org/ru/documents/decl_conv/conventions/gp_trafficking.shtml.

⁵⁸ https://www.un.org/ru/documents/decl_conv/conventions/cedaw.shtml

⁵⁹ Федоров В.Н. Организация Объединенных Наций, другие международные организации и их роль в XXI веке. М.: Логос, 2007. 944 с.

Кенгаш аъзо давлатларни одам савдосига бевосита боғлиқ бўлган пул ювиш, коррупция, мигрантларнинг контрабандаси ва бошқа уюшган жиноятчиликларга қарши курашишни чақиради. Зеро бу каби жиноятлар давлатда қонун устуворлигига путур этказиши ва бошқа трансмиллий уюшган жиноятчилик шаклларнинг ривожланишига хисса қўшиши ва натижада низоларнинг кучайишига олиб келади ва беқарорликни келтириб чиқаради. Шу муносабат билан, БМТ Хавфсизлик Кенгаши Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг тегишли идоралари ва тузилмаларига ўз ваколатларига мувофиқ қуролли тўқнашув ҳолатларида одам савдоси ҳолатларини баҳолаш ва уларга жавоб бериш бўйича ўз имкониятларини оширишни тавсия қилди⁶⁰. Агарда аъзо давлатлар томонидан ушбу жиноятларга қарши кураш олиб борилмаган тақдирда, кенгаш томонидан ушбу давлатларга турли хил санкциялар қўйилади. Бундай санкцияларга қуйидагилар мисол бўлади.

Савдо санкциялари: товарлар, маҳсулотлар ва технологияларни олиб кириш ва экспорт қилишни тақиқлаш ёки чеклашда ифодаланади. Уларнинг ҳарбий характерга эга бўлганларига алоҳида эътибор берилади.

Молиявий санкциялар: мамлакатга кредитлар ва кредитлар беришни тақиқлаш ёки чеклашда намоён бўлади.

Сиёсий санкциялар: бу мамлакатнинг халқаро ташкилотлардаги иштирокини тўхтатилиши ёки четлаштирилиши, у билан дипломатик алоқаларнинг узилиши.

Ҳаракат санкциялари: бунга айрим шахсларнинг чет элда ҳаракатланишини ва ҳар қандай алоқа воситаларини киритилишини тақиқлаш.

Спорт ва маданий санкциялар: халқаро спорт мусобақаларида мамлакат вакили бўлган шахслар ёки гуруҳлар томонидан иштирок этиш тақиқланишидан иборатдир⁶¹.

⁶⁰ Доклад Генерального секретаря о торговле людьми в условиях вооруженного конфликта, представляемый во исполнение резолюции 2388 (2017) Совета Безопасности // https://www.un.org/sc/ctc/wp-content/uploads/2018/11/N1833925_RU.pdf.

⁶¹ Малеев Ю.Н. Совет Безопасности ООН и вопросы международного управления. // Международное право. 2006. № 1 (25). С.29.

БМТ Низомининг VII-бобида биноан Хавфсизлик Кенгаши халқаро тинчлик ва хавфсизликни сақлаш ёки тиклаш бўйича мажбурлов чораларини кўриши мумкин. 41-моддага мувофиқ, ҳарбий кучлардан фойдаланмасдан санкция чоралари қўллаш орқали мажбурлашнинг кенг имкониятларини ўз ичига олади. 1966 йилдан бери Хавфсизлик Кенгаши қуйидаги мамлакатларга қарши 30 тага яқин санкция режимини жорий этди: Булар Жанубий Родезия, Жанубий Африка, собиқ Югославия, Гаити, Ироқ, Ангола, Руанда, Сера-Леоне, Сомали ва Эритрея, Эритрея ва Эфиопия, Либерия, Конго Демократик Республикаси, Кот-д'Ивуар, Судан, Ливан, Корея Халқ Демократик Республикаси, Эрон, Ливия, Гвинея-Бисау, Марказий Африка Республикаси, Яман, Жанубий Судан ва Мали, ИШИД (Даиш), Ал-Қоида ва Толибон⁶² ташкил қилади.

Яқин Шарқ ва Африка мамлакатларида одам савдоси фактларини истисно қилиш ва одам савдогарларини жавобгарликка тортиш учун 2017 йилнинг декабрида Африка Иттифоқи, Европа Иттифоқи ва БМТ расмий равишда Ливиядаги муҳожирлар тақдирига бағишланган ишчи гуруҳ тузди. 2018 йил август ҳолатига кўра, Халқаро Миграция Ташкилоти (ХМТ) гуманитар каналлари орқали 26.000 кишини ихтиёрий равишда қайтариш ва Халқаро муҳофазага муҳтож 1600 кишини Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Қочқинлар бўйича Олий Комиссари (UNHCR) бошқармаси орқали эвакуация қилишга ёрдам берди⁶³.

Бундан ташқари, қуроли тўқнашувлар жойларида нафақат аёллар ва болаларни жинсий қулликка сотиш, балки ёшлар, ўспиринлар ва ҳаттоки ўғил болаларни қуроли террористик гуруҳларга мажбуран жалб қилиш фактлари мавжуд. Шундай қилиб, БМТ Бош қотибининг ўринбосари Ян Эллисон БМТ Хавфсизлик Кенгаши йиғилишида сўзга чиқиб, минглаб эркаклар ва ўғил болалар Лорднинг қаршилик кўрсатиш армияси (Уругвай исёнчилар гуруҳи)

⁶² <https://www.un.org/securitycouncil/ru/sanctions/information>

⁶³ Азарова Е.Р. Политические и правовые аспекты межгосударственного взаимодействия по борьбе с торговлей людьми: глобальный и региональный уровни. Выпускная квалификационная работа. 2020 г. С 56.

ва бошқа қуролли гуруҳлар томонидан мажбурий равишда қуролли можароларда қатнашиш учун ёлланганлигини таъкидлади. Шунингдек, 2017 йил январ ва декабр ойлари орасида "Аш-Шабааб" жангарилари 1600 дан зиёд болани ўғирлаб кетишди, бу болаларнинг ҳанузгача жанговар ҳаракатларда фаол иштирок этаётгани ва қўллаб-қувватлаш функцияларини бажараётганлигини кўрсатмоқда⁶⁴. Бу каби мудҳиш ҳолатлар ачинарли ҳисобланади.

Маҳаллий ҳарбий тўқнашув зоналарида одам савдосига қарши курашиш учун БМТ Хавфсизлик Кенгаши БМТ тинчликпарвар кучларини профилактик жойлаштирилиши ва у ерда барқарорлик ва хавфсизликни таъминлаш мақсадида демилитаризация қилинган зоналарни шакллантириш амалиётини ҳам қўллайди. Бундан ташқари, тинчликни сақлаш операцияларининг бир нечта турлари мавжуд, шу жумладан можаро иштирокчилари томонидан ўт очишни тўхтатиш шартларининг бажарилишини кузатиб боровчи ва БМТ Хавфсизлик Кенгашига ҳисоботларни топширадиган қуролсиз ҳарбий кузатувчиларни жалб қилиш билан боғлиқ операциялар. Қуролли можаролар қурбонларига, шу билан бирга одам савдоси қурбонлари бўлиб чиққан болалар, аёлларга, можароларнинг тасодифий қурбонларига инсонпарварлик ёрдами кўрсатишни ўз ичига олган тинчликпарварлик операциялари ҳам амалга оширилади; қочқинлар ва кўчирилганларни қайтаришда ёрдам бериш; инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилишнинг қонуний механизмларини яратиш ва гендер тенглик чораларини кўриш⁶⁵ киради.

БМТ Хавфсизлик Кенгаши одам савдоси ва бошқа халқаро миқёсидаги жиноятларга қарши курашишда иқтисодий, ижтимоий, сиёсий, маънавий ва маданий омилларни бирлаштирган ва унинг ечими комбинация билан

⁶⁴ <https://undocs.org/ru/A/72/865>

⁶⁵ Азарова Е.Р. Политические и правовые аспекты межгосударственного взаимодействия по борьбе с торговлей людьми: глобальный и региональный уровни. Выпускная квалификационная работа. 2020 г. С 57.

таъминланган одам савдоси ўсишини камайтиришга қаратилган иқтисодий, ҳуқуқий, ижтимоий ва профилактика чораларни кўради.

Одам савдосига қарши курашувчи, жиноятчиликни олдини олиш ва унга қарши курашишни бевосита олиб борувчи халқаро ташкилотлардан бири Интерпол ҳисобланади.

Интерпол - Халқаро жиноий полиция ташкилотининг қисқартирилган номи (1956 йилдан) (Organisation Internationale de Police Criminelle, ОИРС, [англ.](#) International Criminal Police Organization, ICPO) - асосий вазифаси жиноятчиликка қарши курашишда аъзо давлатларнинг ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларини саъй-ҳаракатларини бирлаштириш. Интерполнинг бош қароргоҳи Франциянинг Лион шаҳрида жойлашган.

1914 йилда Монако князи Алберт I нинг фаол иштирокида князликда 1-Халқаро жиноий полиция конгресси бўлиб ўтган, унда 14 мамлакатдан полициячилари қатнашган. Конгрессда жиноий полициянинг халқаро комиссиясини тузиш ташаббуси маъқулланган, аммо Биринчи Жаҳон уруши режаларнинг амалга оширилишига халақит берган. 1923 йилда Венада 2-Халқаро жиноят полицияси конгрессида жиноятчиликка қарши курашда айрим мамлакатларнинг ҳаракатларини мувофиқлаштириш учун Халқаро жиноий полиция комиссияси ташкил этилган. Расмий равишда, Иккинчи Жаҳон уруши даврида Комиссия ўз фаолиятини давом эттирган. Низомга биноан, комиссияни дастлаб қабул қилувчи бўлган мамлакат Австрия полициясининг раҳбари бошқарган; 1938 йилдан фашистлар Германияси (Ансchlussдан бошлаб - Австриянинг фашистлар Германиясига қўшилиши), Интерполнинг штаб-квартираси Берлинга кўчирилган ва ушбу ташкилот президентлари SS генераллари Рейнхард Хайдрих (1940-1942), Артур Небе (1942-1943) ва Эрнст Калтенбруннер (1943-1945) лар бўлган. Ўсиб бораётган Иккинчи Жаҳон уруши натижасида аксарият давлатлар у ерда ўз иштирокларини аста-секин тўхтатганлар ва Интерпол ягона халқаро ташкилот сифатида ўз фаолиятини тўхтатган. Интерполни қайта куриш фақат

1946 йилда унинг штаб-квартираси Парижга кўчирилиши билан амалга оширилган. Амалдаги низом 1956 йилда қабул қилинган. Шунингдек, у ташкилотнинг янги номини - "Халқаро жиноий полиция ташкилоти - Интерпол" ни тасдиқлади. Кейинчалик, 1989 йилда Интерполнинг бош қароргоҳи шу шаҳарда Бош котибиятнинг замонавий комплексини қуриш билан бир вақтда Лионга кўчирилди. Айти пайтда Интерполга 194 та давлат аъзо ҳисобланади. Интерпол БМТдан сўнг аъзо давлатлар сони бўйича дунёдаги иккинчи йирик ҳукуматлараро ташкилотдир⁶⁶.

Интерполнинг фаолиятини тартибга солувчи норматив ҳуқуқий ҳужжатлар сирасига: Конституция (Constitution), Умумий қоидалар (The General Regulations); Бош ассамблея тартиби қоидалари (Rules of the Procedure of the General Assembly); Ижроия қўмитаси ишининг қоидалари (Rules of the Procedure of the Executive Committee); Молиявий қоидалар (Financial regulations); Ахборотни қайта ишлашни тартибга солувчи қоидалар (Rules governing the processing of information); Ахборотни бошқариш қоидалари ва Интерпол файлларига кириш (Rules on the Control of Information and access to INTERPOL's Files) ҳисобланади. Интерполнинг юқори бошқарув органи бу йилига бир марта дунёнинг турли мамлакатларида бўлиб ўтадиган Бош Ассамблеядир. Сессиялар орасида асосий маъмурий орган Президент бошчилигидаги Ижроия Қўмитасидир. Интерпол Бош Ассамблеяси 13 аъзодан иборат бўлиб, ташкилот президенти, учта вице-президент ва тўққиз делегат лавозимларини ўз ичига олади. Президентнинг ваколат муддати - 4 йил, вице-президентлар ва делегатлар муддати - 3 йил. Улар Ижроия Қўмига қайта сайланиши мумкин эмас. Интерпол Бош котибияти кундалик ишни таъминлайдиган доимий фаолият юритувчи органдир. Ушбу органнинг бошлиғи Бош котибдир (2000-2015 йилларда АҚШ вакили Роналд Нобл, 2016 йилдан бери Германия Федератив Республикаси вакили Юрген Сток). Кейинчалик самарали ишлаш ва тезкор маълумот алмашиш учун

⁶⁶ <https://ru.wikipedia.org/wiki/Интерпол>

Котибиятнинг 7 минтақавий ваколатхонаси мавжуд: Аргентина (Буенос-Айрес); Камерун (Яунде); Кот-д'Ивуар (Обиджан); Салвадор (Сан-Салвадор); Кения (Найроби); Таиланд (Бангкок); Зимбабве (Хараре). Интерполнинг расмий тиллари араб, инглиз, француз ва испан тиллари⁶⁷.

Ҳар бири аъзо давлат ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар таркибида Интерпол Бош котибияти билан тўғридан-тўғри алоқа ўрнатилган Миллий Марказий Бюролар мавжуд бўлиб, уларнинг асосий вазифаси Интерпол билан давлатлар ўртасида ҳамкорликни қўллаб қувватлаш ҳисобланади.

Миллий Марказий Бюролар ўз давлатларида судлар, прокуратура, божхона, миграция хизматлари, халқаро майдонда бошқа ММБлар ва Интерпол Бош котибияти билан ҳамкорлик қилади. Ҳар бир ММБ ўз давлати манфаатларини қўллаб қувватлайди ва полиция тизимининг таркибининг юқори поғонасида бўлади. Мисол учун Россия давлатида Ички Ишлар Вазирлиги, АҚШда адлия вазирлигида, Ўзбекистон Республикасида эса Ички Ишлар Вазирлиги билан биргаликда фаолият олиб боради.

Интерпол қуйидаги жиноятларга қарши курашни олиб боради. Улар коррупция, сохта валюта ва ҳужжатлар, болаларга қарши жиноятлар, маданий меросга қарши жиноятлар, кибержиноят, гиёҳванд моддаларни тарқатиш, атроф-муҳитга оид жиноятлар, молиявий жиноятлар, совуқ қуроллар савдоси, одам савдоси, ноқонуний товарлар, денгиз жинояти, уюшган жиноят, инсон контрабандаси, терроризм, транспорт жинояти, ҳарбий жиноятлар киради⁶⁸.

Халқаро Полиция Ташкилоти давлатларнинг ҳуқуқни муҳофаза қилиш идораларининг одам савдоси айниқса аёллар ва болалар савдосига қарши курашиш ҳаракатларини қўллаб-қувватловчи ва мувофиқлаштирувчи конференцияларни ташкил қилади.

Одам савдоси инсон ҳуқуқларини жиддий бузиш ҳисобланади ва унга қарши муваффақиятли курашиш учун барча давлатларнинг ҳамжиҳатлиги

⁶⁷ Нельзина М.О. Роль Интерпола в борьбе с преступностью. 2016 г. С 15.

⁶⁸ <https://www.interpol.int/Crimes>

зарур ва бу вазифа Халқаро жиноий полиция ташкилоти - Интерполнинг устувор йўналишларидан бири бўлиши кераклиги, Интерполнинг 6-сессиясида 2005-йил Интерпол штаб-квартирасида бўлиб ўтган аёллар ва болаларнинг одам савдоси ва жинсий эксплуатациясига қарши курашиш бўйича Интерпол ишчи гуруҳининг йиғилишида ўз аксини топган. Унинг фаолияти давомида жинсий эксплуатация мақсадида аёлларни сотиш билан боғлиқ жиноятларни тергов қилиш бўйича Интерпол ишига ўзгартиришлар киритилди. Шунингдек, одам аъзолари контрабандаси ва мажбурий меҳнат билан боғлиқ жиноятларни тўлиқ тергов қилиш зарурлигига эътибор қаратилди⁶⁹.

Шу билан бирга, одам савдоси кўпроқ даражада латент характерга эга бўлади, чунки унинг қурбонлари баъзида кўрқув ёки уят ҳисси туфайли ҳуқуқни муҳофаза қилиш идоралар билан боғланишга шошилмайдилар. Уларнинг баъзилари ҳатто бундай қуллик мавжудлигини одатий қабул қилади. Бундан ташқари, одам савдоси бўйича суд ишларида иштирок этадиган бошқа давлатлардаги фуқароларни процессларга таклиф қилиш жуда қийинчилик туғдиради. Бундай жиноятларни муваффақиятли тергов қилишнинг бирдан-бир йўли одам савдоси қурбони бундай фаолиятни тўхтатиши ва ўз ватанига қайтиш истагини билдирганида мумкин бўлади.

Интерпол Бош қотибияти Осие минтақасида одамларнинг контрабандаси тўғрисида маълумот тўплаш учун “Bridge” (Кўприк) таҳлилий лойиҳасини ишлаб чиқди, унда одам савдоси билан шуғулланувчи халқаро жиноий гуруҳларнинг асосий раҳбарларини аниқлашга имкон берди. Шунингдек, ушбу лойиҳа доирасида Интерпол одам савдосига қарши курашиш ва ноқонуний миграцияни тўхтатиш усуллари бўйича хорижий давлатларнинг

⁶⁹ Информационный бюллетень Национального центрального бюро Интерпола в России. 2007. № 2. Отчет Генерального секретариата Интерпола за 2005 г. С. 13.

хуқуқни муҳофаза қилиш идоралари билан ўзаро алоқалар ва ахборот алмашиш механизмини ишлаб чиқди⁷⁰.

Ушбу лойиҳа трансмиллий жиноий гуруҳларнинг етакчиларини аниқлашга имкон берди. Шундай қилиб, Интерполнинг расмий маълумотларига кўра, 2019 йил 9-16 декабрларда Франция - Болкон ҳукумати Интерпол бошчилигида уюшган жиноий гуруҳга ҳужум қилиб, одам савдоси билан шуғулланганликда гумон қилинган 72 кишини ва муҳожирлар контрабандаси билан шуғулланишда гумон қилинувчи 167 кишини ҳибсга олди.

Ҳокимият саккиз кунлик операция давомида 2000 муҳожирни топди ва 89 га яқин одам савдоси қурбонларини, шу жумладан етти нафар вояга этмаганларни қутқарди. 14 мамлакатдан келган одам савдоси қурбонлари жинсий эксплуатация, мажбурий меҳнат ва мажбурий тиланчиликнинг оғир шароитларида ишлагани аниқланди. 1500 дан ортиқ сохта паспорт ва миллий гувоҳномалар олиб қўйилди, бу уюшган жиноий гуруҳларнинг одамларни бир мамлакатдан бошқасига олиб ўтиш учун ноқонуний ҳужжатларга кучли боғлиқлигини кўрсатади. Одам савдоси ва одам контрабандаси бошқа бир қатор жиноятлар билан боғлиқ бўлганлиги сабабли, чегара назоратининг кучайиши натижасида 10 та қурол, 60 кг гиёҳванд моддалар ва 200 000 доллар нақд пул олиб қўйилди⁷¹.

Бундан ташқари, Интерпол таркибида одам савдосига қарши курашиш бўйича махсус ишчи гуруҳ фаолият юритиб, у томонидан самарали ахборот тармоғи туфайли одам савдоси бўйича материалларни фаол равишда тўплаб келмоқда. Ушбу турдаги жиноятларнинг 90 фоизга яқини жинсий эксплуатация мақсадида аёлларни сотиш ҳисобланади. БМТ материалларида одам савдоси қурбонларига айланаётган фуқаролар асосан Россия, Украина,

⁷⁰ Азарова Е.Р. Политические и правовые аспекты межгосударственного взаимодействия по борьбе с торговлей людьми: глобальный и региональный уровни. Выпускная квалификационная работа. 2020 г. С 61.

⁷¹ <https://www.interpol.int/News-and-Events/News/2020/Balkans-Operation-Theseus-busts-human-trafficking-and-migrant-smuggling-rings> (мурожаат қилинган сана: 23.05.2021).

Молдова, Руминия, Албания давлатлари ҳиссасига тўғри келиши айтилган. Вақти-вақти билан Белоруссия фуқаролари тўғрисида маълумотлар пайдо бўлади⁷².

Шу билан бирга, одам савдосига қарши курашиш бўйича юқоридаги чоратadbирларни самарали амалга ошириш давлатларнинг ўзаро таъсирсиз имконсиздир. Бундай ўзаро алоқаларнинг асосан БМТнинг 2000 йил 15 ноябрдаги Трансмиллий уюшган жиноятчиликка қарши конвенциясида келтирилган бўлиб, у ўзаро таъсирнинг қуйидаги шаклларини белгилайди: 1) жиноятчиларни экстрадиция қилиш; 2) ўзаро ҳуқуқий ёрдам; 3) биргаликда тергов ўтказиш; 4) терговнинг махсус усуллари; 5) бошқа чораларни ўз ичига олади⁷³.

Шу муносабат билан Интерполнинг 06.06.1956 йилдаги Низомига асосан (01.01.1986 йилдаги таҳририда) ички ишлар идоралари амалдаги қонунчилиги доирасида ўзаро алоқаларни таъминлашга мумкинлиги белгиланган. Ушбу Низомга мувофиқ ҳар қандай давлат Интерпол функцияларига мувофиқ ўз полиция органига ваколат бериши ва ушбу ташкилотга аъзо давлат сифатида ҳаракат қилиши мумкин⁷⁴.

Одам савдоси ва савдогарлари томонидан жиноий йўл билан олинган даромадларни легаллаштиришга қарши курашда Интерпол ўзаро алоқаларни қайд этиб, ўзаро алоқалар таъсирида бу ҳаракатларни Интерпол Бош котибияти билан мувофиқлаштириш ва аъзо давлатлар томонидан олинган барча маълумотларни тўплаш самарали йўл эканлиги билиб олиш мумкин⁷⁵. Одам савдосига қарши самарали курашиш учун жиддий қонунчилик базаси зарур бўлиб, у учун 2017 йилда Лионда Интерпол томонидан ўтказилган

⁷² Азарова Е.Р. Политические и правовые аспекты межгосударственного взаимодействия по борьбе с торговлей людьми: глобальный и региональный уровни. Выпускная квалификационная работа. 2020 г. С 62.

⁷³ БМТнинг Трансмиллий уюшган жиноятчиликка қарши конвенцияси. Бош Ассамблея томонидан 15.11.2000 йил 55/25-сонли Резолюция билан қабул қилинган. 17-б.

⁷⁴ Халқаро жиноий Полиция Ташкилоти Интерпол Низоми. 13.06.1956 йил (янги таҳрир 01.01.1986). 24-б.

⁷⁵ Гусейнов Т.А. Роль взаимодействия правоохранительных органов Российской Федерации по линии Интерпола при расследовании преступлений, связанных с торговлей людьми // Известия Тульского государственного университета. Экономические и юридические науки. 2019. №4. С.85.

конференция якунлари бўйича одам савдосига қарши курашиш бўйича ҳар йили иш олиб бориладиган ишчи гуруҳ тузилган. Шунингдек, ушбу гуруҳ соҳадаги миллий қонунчиликни унификация қилиш, халқаро даражада янги норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни қабул қилиш зарурлигини муҳокама қилади.

Одам савдосига қарши курашишда шунингдек, фуқароларнинг ҳуқуқий онги ва ҳуқуқий маданиятини ошириш муҳим рўл ўйнайди. Зеро ўз ҳуқуқ ва бурчларини аниқ англаган шахс одам савдоси қурбонига айланиши қийиндир.

III БОБ. ЎЗБЕКИСТОНДА ОДАМ САВДОСИГА ҚАРШИ КУРАШИШНИНГ ТАШКИЛИЙ-ҲУҚУҚИЙ АСОСЛАРИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ МАСАЛАЛАРИ.

3.1. Одам савдосига қарши курашишга оид қонунчиликни такомиллаштириш масалалари.

Ўзбекистон Республикаси бош қомуси Конституциясининг 13-моддасига асосан “Ўзбекистон Республикасида демократия умуминсоний принципларга асосланади, уларга кўра инсон, унинг ҳаёти, эркинлиги, шаъни, қадр-қиммати ва бошқа дахлсиз ҳуқуқлари олий қадрият ҳисобланади” дейилган. Уларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари давлат муҳофазасида эканлиги белгилаб берилган⁷⁶. Дарҳақиқат инсоннинг таъбий ҳуқуқлари олий қадрият ҳисобланади ва уларни ноқонуний равишда чегаралаш жиноят ҳисобланади.

Одам савдосига қарши курашишда давлатлар томонидан ҳуқуқий нормаларини тартибга солиши ва вақт ўтгани сари янги турдаги жиноятларга қарши курашишда қонунчилик нормаларини такомиллаштириш ва замон руҳига мослаштириши зарур ҳисобланади.

Шу аснода Ўзбекистон Республикаси 2000 йил 13 декабрда Трансмиллий уюшган жиноятчиликка қарши Конвенцияни ратификация қилган. Мазкур Конвенцияга бир неча қўшимча баённомалар илова қилинган. Бунда Трансмиллий уюшган жиноятчиликка қарши Конвенцияни тўлдирувчи “Одамлар, айниқса аёллар ва болалар савдосини олдини олиш ва тўхтатиш ва

⁷⁶ <https://lex.uz/docs/35869>

уларни содир этганлик учун жазолаш тўғрисидаги Протокол” эътиборга лойик ҳисобланади.

Ушбу протокол уни қабул қилиниши учун сабаб бўлган ва шу соҳада аввал қабул қилинган чораларнинг етарли эмаслигидан билвосита гувоҳлик берувчи ҳолдир. Хусусан протокол, одамлар, айниқса, аёллар ва болалар савдосини олдини олиш ва унга қарши кураш олиб бориш бўйича самарали чораларни қабул қилиш учун одам савдосига дахлдор барча мамлакатларда бундай савдони огоҳлантиришга, у билан шуғулланган шахсларни жазолашга ва бундай савдо жабрланувчиларини, шу жумладан, уларнинг халқаро-ҳуқуқий тан олинган инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилишга қаратилган чораларни ўз ичига олувчи кенг қамровли халқаро ёндашув зарурлигини ифодалайди. Одамлардан, айниқса, аёллар ва болалардан фойдаланишга қарши курашиш бўйича амалий тадбирларни назарда тутган ва нормаларни акс эттирган бир қатор халқаро ҳужжатларнинг мавжуд бўлишига қарамай, одамлар савдосининг барча жиҳатларини жамловчи ягона универсал ҳужжат мавжуд эмас⁷⁷.

Ҳозирда бу Протокол одам ёллашга қарши курашиш тизимига асос солган асосий ягона меъёр сифатида тан олинади.

Мазкур Протокол одамлар ёллашни халқаро-ҳуқуқий жиҳатдан тақиқлаш, уни тушуниш ва олдини олиш масалаларида бир хилликни таъминлаш учун мустаҳкам асосни жорий этди. Бундан ташқари, унда баён этилган тушунчалар бугунги кунга келиб одамдан фойдаланишнинг барчага маълум шакллари, унинг субъектлари ва объектларини қамраб олган. Хусусан, Протоколга мувофиқ “одам ёллаш” куч ишлатиб ёки уни қўллаш билан қўрқитиб ёхуд мажбурловнинг бошқа шакллари қўллаш йўли билан, ўғирлаш, фирибгарлик, алдаш, ҳокимиятни ёки қарамлик ҳолатини суиистеъмол қилиш ёки бошқа шахсни назорат қилувчи шахснинг розилигини олиш учун тўлов ёки миннатдорчилик кўринишида сотиб олиш йўли билан

⁷⁷ Нематходжаев З.У. Одам савдосига қарши курашишни ташкил этиш. Ўқув қўлланма. // – 61 б. 26-б

одамдан фойдаланиш мақсадларида амалга ошириладиган одамлар савдосининг босқичларидан бирини англатади. Одамдан фойдаланиш ўз ичига камида бошқа шахслар фоҳишабозлигидан фойдаланишни ёки шахвоний мақсадларда фойдаланишнинг бошқа шакллари, мажбурий меҳнат ёки хизматларни, қулликни ёки қулликка ўхшаш урф-одатларни, шахснинг тутқунлик ҳолатини ёки одам танаси аъзоларини ажратиб олишни англатади⁷⁸.

Таъкидлаш лозимки, Протоколда “фойдаланиш” тушунчасига таъриф берилмайди, бироқ фойдаланиш шакллари - шахвоний мақсадларда фойдаланишдан тортиб, мажбурий меҳнат ёки хизматлар, қуллик ёки қулликка ўхшаш урф-одатлар, шахснинг тутқунлик ҳолати ёки одам танаси аъзоларини ажратиб олишгача санаб кўрсатилади. Одамдан фойдаланиш мақсадларини назарда тутган бу рўйхат ёпиқ ва узил-кесил ҳисобланмайди, яъни аъзо-давлатлар унга қўшимча қилиб бошқа мақсадларни ҳам киритишлари ва шу тариқа рўйхатни тўлдиришлари мумкин.

Агар юқорида кўрсатилган таъсир кўрсатиш воситаларидан бирортаси қўлланилган тақдирда режалаштирилган одамдан фойдаланишга нисбатан ёллаш жабрланувчиларининг розилиги эътиборга олинмайди. Протокол нафақат одамдан фойдаланиш мақсадида куч ишлатиб ёки уни қўллаш билан кўрқитиб ёхуд мажбурловнинг бошқа шакллари кўллаш йўли билан ўғирлаш, фирибгарлик, алдаш, ҳокимиятни ёки қарамлик ҳолатини суиистеъмол қилиш ёки бошқа шахсни контрол қилувчи шахснинг розилигини олиш учун тўлов ёки миннатдорчилик кўринишида сотиб олиш йўли билан амалга ошириладиган ёллашни, шу билан бирга қуйидагиларни ҳам криминаллаштиришни назарда тутди.

Протоколда ёллаш жабрланувчиларини ҳимоялашга қаратилган чоратадбирларга алоҳида ўрин берилган. Бу мазкур жинойтни бартараф қилиш ва

⁷⁸ БМТнинг Трансмиллий уюшган жинойтчиликка қарши Конвенциясини тўлдирувчи 2000 йил 15 ноябрдаги “Одамлар, айниқса аёллар ва болалар савдосини олдини олиш ва тўхтатиш ва уларни содир этганлик учун жазолаш тўғрисида”ги Протоколи// Сборник нормативно-правовых документов по вопросам миграции и противодействия торговле людьми в области прав человека. – Ташкент, 2007. – С.76.

унга қарши кураш олиб бориш усул ва воситаларини янада такомиллаштириш йўлидаги катта кадам ҳисобланади. У хусусан, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларга жабрланганлар ёрдамига таянган ҳолда бундай жиноятни содир этган айбдорларни жавобгарликка тортиш бўйича фаолиятларининг самарали ва муваффақиятли бўлишини таъминлашга имкон беради. Давлатлар одам савдоси қурбонларига бўлган муносабатларини тубдан ўзгартириш йўлини тутмоқдалар, бунда уларга жиноят қурбони мақомини бериб, уларга жиноятчи сифатида қарашга чек қўймоқдалар.

Ўзбекистон Республикаси Жиноят Кодексининг 135-моддасида одам савдоси жиноятларини содир қилган шахсларга нисбатан жавобгарлик масаласи белгилаб ўтилган бўлиб. Унга кўра:

Одам савдоси, яъни одамни олиш-сотиш ёхуд одамни ундан фойдаланиш мақсадида ёллаш, ташиш, топшириш, яшириш ёки қабул қилиш —

уч йилдан беш йилгача озодликни чеклаш ёхуд уч йилдан беш йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Ўша ҳаракатлар:

а) ўғирлаш, зўрлик ишлатиш ёки зўрлик ишлатиш билан қўрқитиш ёхуд мажбурлашнинг бошқа шакллари кўллаш орқали;

б) икки ёки ундан ортиқ шахсга нисбатан;

в) ожиз аҳволдалиги айбдорга аён бўлган шахсга нисбатан;

г) айбдорга моддий жиҳатдан ёки бошқа жиҳатдан қарам бўлган шахсга нисбатан;

д) такроран ёки хавфли рецидивист томонидан;

е) бир гуруҳ шахслар томонидан олдиндан тил бириктириб;

ж) хизмат мавқеидан фойдаланган ҳолда;

з) жабрланувчини Ўзбекистон Республикасининг Давлат чегарасидан олиб ўтган ҳолда ёки уни чет элда қонунга ҳилоф равишда ушлаб турган ҳолда;

и) қалбаки ҳужжатлардан фойдаланган ҳолда, худди шунингдек жабрланувчининг шахсини тасдиқловчи ҳужжатларни олиб қўйган, яширган ёхуд йўқ қилиб юборган ҳолда;

к) киши аъзоларини кесиб олиб, бошқа кишига кўчириш (трансплантат) мақсадида содир этилган бўлса, —

беш йилдан саккиз йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Ўша ҳаракатлар:

а) ўн саккиз ёшга тўлмаганлиги айбдорга аён бўлган шахсга нисбатан содир этилган бўлса;

б) жабрланувчининг ўлимига ёки бошқа оғир оқибатларга сабаб бўлса;

в) ўта хавfli рецидивист томонидан содир этилган бўлса;

г) уюшган гуруҳ томонидан ёки унинг манфаатларини кўзлаб содир этилган бўлса, —

саккиз йилдан ўн икки йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади⁷⁹.

Менинг фикримча Жиноят Кодексининг ушбу моддасига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ва Ўзбекистон Республикаси қўшилган халқаро ҳуқуқий ҳужжатлар билан унификация қилиш зарур ҳисобланади.

Шу ўринда ўрганилаётган модданинг диспозиция қисмидаги “олиш-сотиш” атамасига ўзгартириш киритиш лозим чунки олди-сотди амалга ошириш фуқаролик ҳуқуқи объекти ҳисобланиб Фуқаролик кодексининг 387-моддасига кўра олди-сотди шартномаси бўйича ҳар қандай ашёлар ушбу Кодекснинг 82-моддаси қоидаларига риоя қилган ҳолда товар бўлиши мумкинлиги келтирилган⁸⁰.

Шартнома, агар қонунда бошқача ҳол белгиланган бўлмаса ёки у товарнинг хусусиятидан келиб чиқмаса, шартномани тузиш пайтида

⁷⁹ <https://www.lex.uz/acts/111453>

⁸⁰ <https://lex.uz/docs/111189>

сотувчида мавжуд бўлган товарни, шунингдек келажакда сотувчи яратадиган ёки оладиган товарни олиш-сотиш ҳақида тузилиши мумкин.

Агар шартнома товарнинг номи ва миқдорини аниқлаш имконини берса, товар тўғрисидаги олди-сотди шартномасининг шарти келишилган ҳисобланади дейилган.

Ушбу Кодекснинг 82-моддасида фуқаролик ҳуқуқларининг объектлари эркин суратда бошқа шахсларга берилиши ёки универсал ҳуқуқий ворислик (мерос қилиб олиш, юридик шахсни қайта ташкил этиш) тартибида ёхуд бошқа усул билан, агар улар муомаладан чиқарилмаган ёки уларнинг муомалада бўлиши чеклаб қўйилмаган бўлса, бир шахсдан иккинчи шахсга ўтиши мумкин.

Муомалада бўлишига йўл қўйилмайдиган фуқаролик ҳуқуқлари объектларининг турлари (муомаладан чиқарилган объектлар) қонунда тўғридан-тўғри кўрсатилган бўлиши керак дейилган⁸¹.

Бундан хулоса қилиб олиш мумкинки фуқаролик ҳуқуқининг олди-сотди объекти бўлиши учун бир шахсдан иккинчи шахсга эркин ўтиши ёки ворислик тартибида олди-сотдиси тақиқланмаган нарсалар бўлиши мумкинлиги белгиланган.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси “Одам савдосига қарши курашиш тўғрисида”ги Қонуннинг 3-моддасига асосан одам савдоси — куч билан таҳдид қилиш ёки куч ишлатиш ёхуд мажбурлашнинг бошқа шаклларидаан фойдаланиш, ўғирлаш, фирибгарлик, алдаш, ҳокимиятни суиистеъмол қилиш ёки вазиятнинг қалтислигидан фойдаланиш орқали ёхуд бошқа шахсни назорат қилувчи шахснинг розилигини олиш учун тўловлар ёки манфаатдор этиш эвазига оғдириб олиш йўли билан одамлардан фойдаланиш мақсадида уларни ёллаш, ташиш, топшириш, яшириш ёки қабул қилиш. Одамлардан фойдаланиш бошқа шахсларнинг фоҳишалигидан фойдаланишни ёки улардан шахвоний фойдаланишнинг ўзга шакллари, мажбурий меҳнатни ёки

⁸¹ <https://lex.uz/docs/111189>

хизматларни, куллиқни ёхуд куллиққа ўхшаш одатларни, эрксизлик ҳолатини ёхуд инсон аъзоларини, тўқималарини ва (ёки) хужайраларини ажратиб олишни англатади⁸² дейилган бўлиб, ушбу қонунда одам олди-сотдиси ҳақида гапирилмаган.

Бундан ташқари, БМТнинг “Трансмиллий уюшган жиноятчиликка қарши конвенциясини тўлдирувчи одам савдосининг, айниқса аёллар ва болалар савдосининг олдини олиш ҳамда унга чек қўйиш ва унинг учун жазолаш тўғрисида”ги Протокол 3-моддасида ҳам одам савдосига таъриф беришда олди-сотди атамаси ишлатилмаган.

Юқоридагиларга асосан Кодескнинг 135-моддасидаги олди-сотди атамасини олиб ташлаш мақсадга мувофиқ деб ўйлайман. Чунки умумэтироф этилган халқаро нормалар давлатларнинг ички тартибга солувчи норматив ҳуқуқий ҳужжатларидан устун мавқега эга ҳисобланади. Бунинг исботи сифатида Ўзбекистон Республикаси “Одам савдосига қарши курашиш тўғрисида”ги Қонуннинг 2-моддасида агар Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномасида Ўзбекистон Республикасининг одам савдосига қарши курашиш тўғрисидаги қонун ҳужжатларида назарда тутилганидан бошқача қоидалар белгиланган бўлса, халқаро шартнома қоидалари қўлланилади⁸³ дейилган. “Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномалари тўғрисида”ги Қонуннинг 2-моддасига асосан агар Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномасида Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатларида назарда тутилганидан бошқача қоидалар белгиланган бўлса, Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномаси қоидалари қўлланилади⁸⁴ дейилган.

⁸² Ўзбекистон Республикаси “Одам савдосига қарши курашиш тўғрисида”ги 17.08.2020 йил ЎРҚ 633-сонли Қонуни, 1-б.

⁸³ Ўзбекистон Республикаси “Одам савдосига қарши курашиш тўғрисида”ги 17.08.2020 йил ЎРҚ 633-сонли Қонуни, 1-б.

⁸⁴ Ўзбекистон Республикасининг “Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномалари тўғрисида” 06.02.2019 йилдаги ЎРҚ 518-сонли Қонуни, 1-б.

Шахслар ўз хоҳишларига кўра жиноят қурбонига айланиш ҳолатлари кўпайиб бормоқда бунга сабаб сифатида моддий етишмовчилик, ишсизликни кўрсатиш мумкин. Шунга кўра ўрганилаётган модданинг диспозиция қисмига кўшимча сифатида Ўзбекистон Республикаси “Одам савдосига қарши курашиш тўғрисида”ги Қонуннинг 3-моддасига асосан одам савдосидан жабрланган шахс — одам савдосидан, бундай ҳаракатга розилик берганлиги-бермаганлигидан ва жиноят процессида иштирок этганлиги-этмаганлигидан қатъи назар, жабрланган жисмоний шахс ҳисобланади⁸⁵ дейилган. Шунингдек, БМТ Протоколнинг 3-моддаси “б” бандига кўра одам савдоси қурбонининг ушбу модданинг а-бандида кўрсатилган эксплуатацияга розилиги ҳисобга олинмайди, агар ушбу модданинг а-бандида кўрсатилган таъсир воситаларидан фойдаланилган бўлса деб ўтилган бўлиб, ушбу баённоманинг “а” бандида одам савдоси турлари келтириб ўтилган. Бундан ташқари одам савдоси жиноятлари учун жавобгарлик масалалари фақатгина Жиноят Кодексида белгилаб ўтилганлиги сабабли ушбу модданинг диспозиция қисмини қуйидагича “Одам савдоси, бундай ҳаракатга розилик берганлиги-бермаганлигидан ва жиноят процессида иштирок этганлиги-этмаганлигидан қатъи назар одамни ўтказиш ёхуд ундан фойдаланиш мақсадида ёллаш, ташиш, топшириш, яшириш ёки қабул қилиш” шаклда ўзгартириш лозим деб ўйлайман.

Ўзбекистон Республикаси Жиноят Кодекси 135-моддаси 2 қисми “ж” бандидаги одам савдоси хизмат мавқеидан фойдаланган ҳолда⁸⁶ амалга оширилганда жавобгарлик масаласи кўриб чиқилиши белгиланган. Ўзбекистон Республикаси Олий Суди Пленумининг “Одам савдосига оид ишлар бўйича суд амалиёти тўғрисида”ги Қарорига асосан бундай жиноят мансабдор шахс томонидан ёки ўз хизмат ваколатларидан Жиноят кодексининг 135-моддасида назарда тутилган ҳар қандай қилмишни

⁸⁵ Юқоридаги Қонун 1-б

⁸⁶ <https://www.lex.uz/acts/111453>

енгиллатиш мақсадида фойдаланган бошқа шахс томонидан содир этилганлигини билдиради дейилган⁸⁷.

Фикримча кўрилатган Ўзбекистон Республикасининг Жиноят Кодексининг 135-моддаси “ж” бандига кўшимча киритиш лозим деб ўйлайман. Яъни юқорида келтириб ўтилган Баённоманинг 3-моддаси ҳамда Ўзбекистон Республикаси “Одам савдосига қарши курашиш тўғрисида”ги Қонуннинг 3-моддасига кўра одам савдоси фирибгарлик, алдаш, ҳокимиятни суиистеъмол қилиш ёки вазиятнинг қалтислигидан фойдаланиш орқали ёхуд бошқа шахсни назорат қилувчи шахснинг розилигини олиш учун тўловлар ёки манфаатдор этиш эвазига оғдириб олиш йўли билан содир этилиши белгиланган.

Юқоридагиларга кўра, ушбу бандни қуйидагича “Фирибгарлик, алдаш, ҳокимиятни суиистеъмол қилиш ёки вазиятнинг қалтислигидан фойдаланиш орқали ёхуд бошқа шахсни назорат қилувчи шахснинг розилигини олиш учун тўловлар ёки манфаатдор этиш эвазига оғдириб олиш йўли билан” ўзгартирилган тақдирда модданинг жиноят қамровини кенгайган бўлар эди.

Ўзбекистон Республикаси Жиноят Кодекси 135-моддаси, 2-қисми, “к” бандида одам савдоси киши аъзоларини кесиб олиб, бошқа кишига кўчириш (трансплантат) мақсадида⁸⁸ содир этилганлиги юзасидан жиноий жавобгарлик масаласи кўриб чиқилиши белгиланган бўлиб, жиноятчини ушбу қисм билан жавобгарликка тортишда иккиланишлар бўлиши мумкин, чунки одам савдоси қурбонидан олинган органларни бошқа шахсга кўчириш учун олмасдан балки ўзга шахсга сотиш мақсадида ажратиб олинган бўлса жиноятни квалификация қилишда муаммолар туғилиши мумкинлиги сабабли, ушбу қисмга айрим ўзгартиришларни киритиш лозим деб ўйлайман.

Ўзбекистон Республикаси “Одам савдосига қарши курашиш тўғрисида”ги Қонуннинг 3-моддасида қуйидагича тариф берилган бўлиб, унга

⁸⁷ Ўзбекистон Республикаси Олий Суди Пленумининг 2009 йил 24-ноябрдаги “Одам савдосига оид ишлар бўйича суд амалиёти тўғрисида”ги 12-сонли Қарори, 10-банд.

⁸⁸ <https://www.lex.uz/acts/111453>

кўра одам савдоси – инсон аъзоларини, тўқималарини ва (ёки) хужайраларини ажратиб олиш тарзида, БМТнинг “Трансмиллий уюшган жиноятчиликка қарши конвенциясини тўлдирувчи одам савдосининг, айниқса аёллар ва болалар савдосининг олдини олиш ҳамда унга чек қўйиш ва унинг учун жазолаш тўғрисида”ги Протоколнинг 3-моддасида одам савдоси қурбонидан аъзоларини ажратиб олиш тарзида, Россия Федерациясининг 13.06.1996 йилдаги Жиноят Кодекси⁸⁹нинг 127¹-моддаси, 2-қисми, “ж” бандига асосан жабрланувчининг органлари ёки тўқималарини ажратиб олиш мақсадида деб берилган, Қозоғистон Республикасининг 03.07.2014 йилдаги Жиноят Кодексининг 128-моддаси⁹⁰, 2-қисми, 7-бандига кўра эса жабрланувчининг органларини ёки тўқималарини трансплантация қилиш ёки бошқа мақсадларда ажратиб олиш билан содир қилинган бўлса жиноят деб топилади дейилган бўлиб, юқоридагиларга кўра ушбу бандни мақсад ва вазифаларини тўлиқ ёритиб бериш мақсадида “инсон аъзоларини, тўқималарини ва (ёки) хужайраларини ажратиб олиш тарзида” ўзгартириш лозим деб ўйлайман.

Ўзбекистон Республикаси Жиноят Кодекси 135-моддаси, 3-қисми, “а” бандида жиноят ўн саккиз ёшга тўлмаганлиги айбдорга аён бўлган шахсга нисбатан⁹¹ содир этилганлиги ҳақида гап бориб, ушбу қисмга айрим ўзгартиришлар киритиш лозим деб ўйлайман. Чунки ушбу бандда кўрсатилган тарзда содир этилган жиноятлар диспозиция қисмида кўрсатилган таъсир чораларисиз амалга оширилиши мумкинлиги сабабли Ўзбекистон Республикаси “Одам савдосига қарши курашиш тўғрисида”ги Қонуннинг 3-моддасигадаги вояга етмаганга нисбатан содир этилган одам савдосига берилган таърифдан фойдаланиб, ўрганилаётган бандга қўшимчалар киритилиши лозим. Яъни вояга етмаган шахс савдоси — «одам савдоси» деган тушунчада кўрсатилган таъсир ўтказиш воситаларидан фойдаланилган-

⁸⁹ http://www.consultant.ru/document/cons_doc_LAW_10699/4a5e2bbfdd061dde65a55bb65d36d4b4a7fe8ee7/

⁹⁰ https://online.zakon.kz/document/?doc_id=31575252

⁹¹ <https://www.lex.uz/acts/111453>

фойдаланилмаганлигидан қатъи назар, ҳар қандай ҳаракат ёки битим бўлиб, улар воситасида вояга етмаган шахс ота-онаси, бошқа қонуний вакили ёки ўзга шахс томонидан қонунга хилоф равишда ундан фойдаланиш мақсадида ёхуд моддий ёки бошқа наф олиш мақсадида бошқа шахсга ҳақ эвазига берилади дейилган. Бундан ташқари БМТнинг “Трансмиллий уюшган жиноятчиликка қарши конвенциясини тўлдирувчи одам савдосининг, айниқса аёллар ва болалар савдосининг олдини олиш ҳамда унга чек қўйиш ва унинг учун жазолаш тўғрисида”ги Протоколнинг 3-моддасида “с” бандига асосан эксплуатация мақсадида болани ёллаш, ташиш, топшириш, яшириш ёки қабул қилиш, ушбу модданинг а-бандида кўрсатилган таъсир воситаларидан фойдаланиш билан боғлиқ бўлмаса ҳам, "одам савдоси" деб ҳисобланади дейилган. Белоруссия Республикасининг 09.07.1999 йилдаги Жиноят Кодекси⁹²нинг 181-моддаси, 2-қисм, 9-бандига кўра ушбу модданинг 1-қисмида кўрсатилган ҳар қандай таъсир воситаларидан фойдаланишидан қатъи назар, қасддан вояга етмаганларга нисбатан одам савдосини амалга оширган ҳисобланади. Юқоридагиларга кўра мазкур ўрганилаётган бандга қуйидагича ўзгартириш киритиш лозим деб ўйлайман. Яъни “ўн саккиз ёшга тўлмаганлиги айбдорга аён бўлган шахсга нисбатан ушбу моддада кўрсатилган таъсир воситаларидан бирортаси қўлланилганлигидан қатъий назар содир этилганда” деб ўзгартирилса мақсадга мувофиқ бўлади деб ўйлайман.

3.2. Одам савдосига қарши курашиш бўйича хорижий мамлакатлар тажрибаси.

Халқаро ҳуқуқдан келиб чиқувчи шартномалар давлатлар учун одам савдосига қарши курашишда асосий мажбуриятларни юқловчи манба ҳисобланади. Ушбу шартномаларнинг иштирокчилари бўлиш орқали давлатлар ўзларига халқаро ҳуқуқнинг қатъий мажбуриятларини юқлайдилар ва ўзларининг миллий қонунчилиги амалиёти ва сиёсатини шартнома

⁹² https://kodeksy-by.com/ugolovnyj_kodeks_rb.htm

талабларига ва унинг меъёрларига мувофиқлигини таъминлашлари зарур. Бироқ ҳар қандай халқаро шартномалар бу турдаги жиноятларга қарши курашишда эффектив ҳисобланмайди чунки ҳар бир давлатнинг фуқаролари дунёқарши, менталитетидан келиб чиқиб миллий доирада ўзларини одам савдосига қарши кураши бўйича концепциясини ишлаб чиқиши фойдадан холи бўлмайди.

Дунё бўйлаб одам савдосига қарши курашиш амалиётини ўрганиб чиқадиган бўлсак бу жиноятларга қарши курашишда Европа давлатлари ичида Германия алоҳида ўрин тутди. Германия Аёлларга қарши камситилишнинг барча шакллари тугатиш бўйича Конвенцияни, Қуллик тўғрисидаги Конвенцияни ва бошқа ҳуқуқий ҳужжатларни ратификация қилган. Германия Одамлар савдосини ва учинчи шахсларнинг фоҳишабозликдан фойдаланишини таъқиб қилиш тўғрисидаги Конвенцияни биринчилардан бўлиб ратификация қилган⁹³. Бироқ Германия Федератив Республикаси деярли Россиядан ва МДХга кирувчи бошқа мамлакатлардан келаётган одам савдоси жабрланувчилари учун энг асосий манзил нуқтаси бўлиб ҳисобланади. Одамлар савдоси натижасида Ғарбий Европага олиб кирилаётган аёлларнинг 2/3 қисми Германияга олиб ўтилади⁹⁴. Германияда одам савдоси қурбонига айланувчиларнинг аксарияти фоҳишабозлик мақсадида эксплуатация қилинувчи аёллар айниқса вояга етмаган мигрант аёллар ҳиссасига тўғри келади. Уларнинг асосий қисми Руминия, Болгария, Нигерия давлатларидан келган⁹⁵.

ГФРнинг Жазолар тўғрисидаги кодексида одамлар савдоси ва одамларни эксплуатация қилишга қарши қаратилган қуйидаги нормалар мавжуд.

180 а-модда. Фоҳишабозликка кўмаклашиш

⁹³ Абрамюк Л. Борьба с торговлей женщинами в Республике Беларусь// Международная конф. Законодательство Беларуси и стран Европейского Союза в области противодействия торговле женщинами. Тез.докл. 4-5 ноября Минск, – 2006. – С.10-11.

⁹⁴ Туров А. Мир несвободы// Ежедневный. – Москва, – 2003.– № 5. – С.76.-77.

⁹⁵ <https://borgenproject.org/human-trafficking-in-germany/>

1) Шахс тадбиркор сифатида ўз корхонасида бошқа шахсларнинг фоҳишабозлик билан шуғулланишига йўл қўйганлиги ва ушбу шахсларнинг шахсий ёки иқтисодий жихатдан бўйсунуш муносабатларида бўлганлиги учун 3 йилгача муддатга озодликдан маҳрум қилиш ёки пул жаримаси билан жазоланади.

2) Шахс, агар 18 ёшдан кичик бошқа бир шахсга фоҳишабозлик билан шуғулланиш учун хона берса, худди шу тарзда жазоланади⁹⁶.

181а-модда. Қўшмачилик

1. Фоҳишабозлик билан шуғулланаётган шахсдан фойдаланса;

2. Ғараз мақсадларда фоҳишабозлик билан шуғулланаётган шахсни назорат қилса ва унинг фоҳишабозлик билан шуғулланиш жойи, вақти, ҳажми ва бошқа шароитларини белгиласа ёки мунтазам равишда бундай шахснинг фоҳишабозлик машғулотини тўхтатишига йўл қўймасликка қаратилган ҳаракатларни амалга ошириб келса.

232-модда. Одам савдоси

(1) Шахснинг бегона давлатда бўлганлиги сабабли, шахсий ёки молиявий аҳволи ёмонлашиши, ночор аҳволга тушишидан фойдаланиб, ёллаш, ташиш, ўтказиш, жойлаштириш, қабул қилиш ёки бу қилмишни йигирма бир ёшга тўлмаган шахсга нисбатан содир қилиниши уч ойдан беш йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади агар:

1. ушбу шахс эксплуатация қилиниши мумкин бўлса,

а) фоҳишалик қилиш, ижрочи ёки учинчи шахс билан жинсий хатти-ҳаракатлар содир этишда ёки ижрочининг ёки учинчи томоннинг борлиги ёки келишуви асосида жинсий хатти-ҳаракатлар содир қилиниши,

б) меҳнат фаолияти давомида,

в) тиланчилик билан шуғулланаётганда ёки

д) жиноий жазо назарда тутилган ҳаракатларни содир этишда.

⁹⁶ Уголовный кодекс Федеративной Республики Германии // М.: Зерцало, – 2001. – С.112–113.

2. шахс қуллик, крепостнойлик, қарз қуллиги ёки шунга ўхшаш муносабатларга дучор бўлган бўлса ёки

3. мазкур шахснинг тана аъзоларини ноқонуний равишда ажратиб олиниши мумкин бўлса.

(2) 1-бандда белгиланган тартибда эксплуатация қилинган бошқа шахс (1-сонли 3-сонли ҳукм) олти ойдан ўн йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади;

1. зўравонлик ёки моддий зарар етказиш таҳдиди билан ёки фирибгарлик йўли билан ёллаш, транспортировка қилиш, ўтказиш, жойлаштириш, қабул қилиш ёки

2. уни ўғирлаш, эгаллаб олиш ёки уни учинчи шахс томонидан эгаллаб олишга ёрдам бериш.

(3) 1-бандда назарда тутилган ҳолларда, олти ойдан ўн йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади, агарда:

1. жабрланувчи - бу қилмиш пайтида ўн саккиз ёшга тўлмаган шахс,

2. қилмиш содир этишда ижрочи жабрланувчини жисмонан қаттиқ қийноққа солади ёки жиноят содир этиш вақтидаги содир этган қилмиши ёки ҳаракати билан ҳеч бўлмаганда қўпол бепарволиги туфайли унинг ўлим хавфини келтириб чиқарса ёки соғлиққа жиддий зарар етказиш хавфи туғдирса.

3. ижрочи савдо-сотик шаклида ёки бундай хатти-ҳаракатларни узоқ муддатли бажариш учун уюштирилган тўда таркибида ҳаракат қилади.

2-хатбошида назарда тутилган ҳолларда, агар 1-сонда (№1-3) кўрсатилган ҳолатлардан бири бўлса, бир йилдан ўн йилгача озодликдан маҳрум қилиш шаклида жазо тайинланади.

(4) 1, 2 ва 3-бандларда (1-ҳукм) назарда тутилган ҳолларда, суиқасд қилишга жазо муқаррар⁹⁷.

⁹⁷ Головненков П.В. УГОЛОВНОЕ УЛОЖЕНИЕ ФЕДЕРАТИВНОЙ РЕСПУБЛИКИ ГЕРМАНИЯ – Strafgesetzbuch (StGB) – // Научно-практический комментарий и перевод текста закона. Германия., 2021. С 333-334.

Юқорида келтирилган одамлар савдоси ва одам ёллашга қарши кураш бўйича қонунда ўрнатилган чораларнинг мавжуд бўлишига қарамай, Германиядаги расмий шахслар мамлакат ҳудудида ноқонуний бўлиб турган шахсни, ҳибсга олишлари ва депортация қилишлари мумкин.

Россия Федерацияси бугунги кунда – жиной гуруҳлар томонидан одамлар савдосининг халқаро жиной тизимида асосий “етказиб берувчи” мамлакатлардан бири ҳисобланади, бу мамлакатдаги турли жиной гуруҳларнинг фаоллашуви ва кейинги йилларда бутун дунё бўйича халқаро одамлар савдоси жараёнида кам аҳамиятли роль ўйнамайдиган “рус мафияси”нинг фаоллашуви билан узвий боғлиқдир. Шу билан бирга Россия одамлар савдоси оқимлари учун (асосан – Осиёдан Европа йўналишида) транзит мамлакат ва МДХ мамлакатлари, асосан – Украина, шунингдек Осиё мамлакатлари Вьетнам, Хитой ва Таиланддан келадиган одамлар савдосининг оқимлари учун манзил мамлакат ҳисобланади⁹⁸.

Россия Конституциясига кўра “ҳар ким эркин ва шахсий дахлсиз бўлиш ҳуқуқига эга” ва “ҳеч ким зўрлашга дучор қилиниши мумкин эмас” деган қоидаларни мустаҳкамлайди⁹⁹.

Россия Федерацияси Жиноят кодексида вояга етмаган шахсларни ёллаш тўғрисида махсус модда ёки диспозиция йўқ, бироқ ҳар бири одам ёллаш ҳаракатининг қисмларини баён қилувчи Жиноят кодексининг бир неча моддаларини бирлаштирган ҳолда, бу жиноятнинг “терма” квалификациясини ҳосил қилиш мумкин.

120-модда: Инсон аъзолари ёки тўқималарини трансплантация қилиш учун олишга мажбурлаш, яъни жабрланувчини унга нисбатан ҳар қандай жисмоний ёки руҳий зўрликни қўллаш орқали трансплантация учун унинг аъзолари ёки тўқималарини олишга мажбурлаш¹⁰⁰.

⁹⁸ З.У.Нематходжаев. Одам савдосига қарши курашни ташкил этиш. Ўқув қўлланма. // Т– 2020., 38-б.

⁹⁹ Конституции государств-участников СНГ. – М.: Норма. 1999.– С. 445.

¹⁰⁰ Комментарий к Уголовному кодексу Российской Федерации./Отв.ред. Радченко В.И; Науч.ред. Михилин А.С. – М.: Спартак, 2000. – С. 259.

126-модда: Одам ўғирлаш, яъни кейинчалик озодликдан маҳрум қилишдан иборат жонли одамни эгаллаб олиш кўринишида яширин ёки ошкора амалга ошириладиган қилмиш¹⁰¹.

127-модда: Одам ўғирлаш билан боғлиқ бўлмаган ғайриқонуний равишда озодликдан маҳрум қилиш, яъни ўғирлаш билан боғлиқ бўлмаган ҳолда, инсонни шахсий эркинлиги(кўчиб юриш)дан маҳрум қилишдан иборат хатти-харакатлар. Бундай жиноятни содир этиш усули бўлиб жисмоний ёки рухий зўрлаш ҳисобланади¹⁰².

Украинада ҳам одам савдоси жиноятини бартараф қилиш ишларига алоҳида эътибор қаратмоқда. Украина Олий Радасининг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили ҳузурида одам савдоси ва одам ёллаш жиноятини бартараф қилиш бўйича мувофиқлаштирувчи кенгаш ташкил этилган.

Хотин-қизларнинг ҳуқуқларини муҳофаза қилиш, зўрлашнинг барча кўринишларидан ҳимоя қилиш масаласи, жумладан, Украина Вазирлар Маҳкамасининг 1997 йил 8 сентябрдаги 993-сонли Қарори билан тасдиқланган Аёллар аҳволини яхшилаш ва уларнинг жамиятдаги ролини оширишга қаратилган 1997-2000 йилларга мўлжалланган фаолият миллий режасининг таркибий қисми ҳисобланади. 1999 йилнинг 25 сентябрида Украина Вазирлар Маҳкамаси 1768-сонли “Аёллар ва болалар савдосини бартараф қилиш дастури тўғрисида” қарор қабул қилиб, ушбу қарорнинг бажарилишини назорат қилишни Украина Оила ва ёшлар ишлари бўйича давлат қўмитаси зиммасига юклатди. Ушбу Дастур 35 та банддан иборат бўлиб, уларда Украина ҳудудида одамлар савдоси ва одам ёллаш масаласида олиб бориладиган профилактика ишларининг турли жиҳатлари мужассам этилган¹⁰³.

Шубҳасиз, бундай қадамлар ушбу жиноятга қарши курашишда зарур ҳисобланади.

¹⁰¹ Уголовный кодекс Российской Федерации. – М.: Норма–Инфра, 2001. – С.51.

¹⁰² Ўша ерда. – С.52–53.

¹⁰³ Ернесто У. Савона "Организационные рамки Европейской преступности в процессе глобализации" (Токио, Япония: 108 Международный семинар по проблемам борьбы с организованной преступностью.// 27февраль 1998: опубликовано на <http://www.jus.unitn.it/transcrime/papers/wp20.html>.

Украина “Аёлларга қарши камситилишнинг барча шакллари тугатиш бўйича” Конвенцияни, “Одам савдоси ва фоҳишаликнинг учинчи шахслар томонидан ишлатилишига қарши курашиш тўғрисида”ги Конвенцияни ва бошқа ҳуқуқий ҳужжатларни ратификация қилган, бироқ “Қуллик тўғрисида”ги Конвенцияни ратификация қилмаган.

Украина Конституцияси “ҳар бир инсон эркин ва дахлсиз бўлиш ҳуқуқига эга” деган қонидани мустаҳкамлайди¹⁰⁴.

1998 йилга қадар (Украина Жиноят Кодексига 1241 -модда “Одамлар савдоси” қўшимча қилинган) “одамлар савдоси” атамаси қонунчиликда ишлатилмаган. Бу фаолият учун жавобгарлик ЖКнинг 210-моддаси – “Фоҳишахоналар сақлаш ва қўшмачилик қилиш”, 208-моддаси – “Вояга етмаганларни жиноятга жалб этиш” бўйича вужудга келган. Айрим муаллифлар томонидан Украинада одамлар савдоси ва одам ёллаш муаммосининг тарихий-ҳуқуқий жиҳатларини ўрганиш бўйича олиб борилган тадқиқот 1998 йилгача амалда бўлган Украина жиноят қонунчилиги (ЖКга 1241-модда билан қўшимча киритилгунига қадар) бундай қилмишларнинг анча катта қисми учун жавобгарликни белгилаганлиги тўғрисида хулоса қилишга имкон беради. Албатта, бу қонунчилик аёллар ва болалар савдоси ва уларни ёллашга қарши курашишни ҳуқуқий таъминлаш нуқтаи назаридан кенг қамровли ҳисобланади. Шу муносабат билан 1998 йилнинг 24 мартида ва 2001 йил 5 апрелда Украина Жиноят кодексига киритилган қуйидаги ўзгартиш ва қўшимчаларга тўхталиш ўринли кўринади. Хусусан, “Фарзандликка олинувчига нисбатан ғайриқонуний ҳаракатларни амалга ошириш” деб номланган янги 1152–моддага кўра болани фарзандликка олиш, уни ҳомийга ёки фуқаро оиласига тарбия учун бериш масаласида ноқонуний воситачилик фаолиятини ёки бошқа ноқонуний хатти-ҳаракатларни амалга оширганлик учун жиноий жавобгарлик юзага келади¹⁰⁵. Бу норма ҳозирги кунда кескин тус

¹⁰⁴ Конституции государств-участников СНГ. – М.: Норма, 1999.-С.664.

¹⁰⁵ Уголовный кодекс Украины. - Санкт Петербург: Юридический центр Пресс, .2001.- С.132-133.

олиб бораётган болалар савдосини жинойт ҳуқуқий тартибга солиб, ушбу қилмишни воситачи жинойтчиларни таъқиб остига олади.

Мазкур Кодекснинг 1241-моддаси асосида (Одамлар савдоси) белгиланганидек, “одамни кейинчалик сотиш ёхуд шахвоний мақсадларда ёки порнобизнесда фойдаланиш, жинойий фаолиятга жалб этиш ёки қарз орқали қарамликка солиш, тижорат мақсадларида фарзандликка олиш, ҳарбий можароларда, мажбурий меҳнатда фойдаланиш учун ҳақ эвазига бошқача тарзда бериш мақсадида, одамни унинг розилиги билан ёки розилигисиз Украина давлат қонуний йўл билан ёки ғайриқонуний олиб ўтиш билан боғлиқ ошқора ёки махфий эгаллаб олиш” жинойий жавобгарликни келтириб чиқаради. Ана шу хилдаги жинойтнинг жавобгарликни оғирлаштирувчи малакалани белгилари ҳам белгиланган бўлиб, булар: ўша ҳаракатлар вояга етмаган шахсга, бир неча шахсларга нисбатан содир этилса, такроран, гуруҳ томонидан олдиндан тил бириктирилган ҳолда, хизмат мавқеидан фойдаланган ҳолда ёки жабрланувчи моддий ёки бошқа бирон бир тарзда қарам бўлган шахс томонидан ёки ўша ҳаракатлар уюшган гуруҳ томонидан содир қилинса, ёхуд болаларни ноқонуний тарзда чет элга олиб чиқиш ёки уларни ноқонуний тарзда Украинага олиб кириш ёки трансплантация учун жабрланувчининг аъзолари ёки тўқималарини ажратиб олиш мақсадида ёхуд мажбурий донорлик билан боғлиқ содир этилса деган белгилардан иборат эканлиги айтилиб, шу билан бирга Қирғизистон Республикасида ҳам 2005 йилнинг 4 январидан “Одам савдосининг олдини олиш ва унга қарши кураш олиб бориш тўғрисида” Қонун қабул қилинган бўлиб, одам савдосининг олдини олиш ва унга қарши курашиш бўйича ташкилий-ҳуқуқий асосларни, одам савдосига қарши курашувчи органлар фаолиятини мувофиқлаштириш тартибини белгилайди, одам савдоси жабрланувчиларига ёрдам кўрсатиш ва уларни ҳимоя қилишга қаратилган тадбирлар тизимини ўрнатади¹⁰⁶.

¹⁰⁶ З.У.Нематходжаев. Одам савдосига қарши курашишни ташкил этиш. Ўқув қўлланма. // Т– 2020., 40-б.

Мазкур Қонуннинг 1-моддаси одам ёллашни “бирон бир ишларни бажариш, муайян фаолиятни, шу жумладан, ҳуқуққа зид фаолиятни амалга оширишга жалб қилиш, бирон бир ташкилот, шу жумладан, фаолият юритиши қонун билан тақиқланган ташкилот таркибига қўшиш мақсадида шахсларни ёллаш, қабул қилиш”¹⁰⁷ сифатида белгилайди. Бундан ташқари, Қонунда одам савдоси ва одам ёллашга қарши туриш бўйича давлат сиёсатининг асосий йўналишлари белгиланган бўлиб, булар сирасига хусусан қуйидагилар киради; инсон ва фуқаро эркинлиги, унинг ҳаёти ва соғлиғини муҳофаза қилишнинг устуворлиги; одамлар савдосининг олдини олиш ва унга қарши кураш олиб бориш соҳасидаги фаолиятни ижтимоий, миграцияга оид ва иқтисодий сиёсатнинг бошқа йўналишлари билан мувофиқлаштириш; одам савдосининг олдини олиш ва унга қарши кураш олиб бориш соҳасида Қирғизистон Республикаси қонунчилигининг бажарилиши устидан мустақил ва таъсирчан назорат ва контролни амалга ошириш; одамлар савдосининг олдини олиш ва унга қарши кураш олиб бориш бўйича самарали механизмни шакллантириш ва амалга ошириш; одам савдосининг олдини олиш ва унга қарши кураш олиб бориш бўйича миллий дастурларни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш, шу соҳага оид илмий-тадқиқот ишларини молиялаштириш; одам савдосидан жабрланган шахсларга бепул тиббий ва ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш ҳамда уларни ҳимоя қилиш; одам савдоси бўйича ҳар бир аризани пухта ҳисобга олиш ва унинг юзасидан тергов олиб боришнинг мажбурийлиги, шу асосда унинг сабабларини бартараф этувчи чораларни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш, шунингдек, бу ҳақда аҳолини хабардор қилиш; одам савдосидан жабрланган шахсларни ижтимоий ҳимоя қилиш; одам савдосининг олдини олиш ва унга қарши курашиш бўйича ҳуқуқни муҳофаза қилиш, миграция органлари ва бошқа тегишли органларда мутахассисларни тайёрлаш;

¹⁰⁷ Қирғизистон Республикасининг 2005 йил 4 январда қабул қилинган “Одам савдосининг олдини олиш ва унга қарши кураш тўғрисида”ги Қонунининг 1-моддаси - Интернет-сайт материаллари бўйича: <http://adviser.kg>

ноҳукумат ташкилотлар ва алоҳида шахсларнинг одам савдосининг олдини олиш ва унга қарши курашишга қаратилган фаолиятини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш; одам савдосининг олдини олиш ва унга қарши курашиш бўйича муаммоларни ҳал қилишда халқаро ҳамкорликни амалга ошириш¹⁰⁸ кўрсатиб ўтилган.

Қирғизистонда “Одам савдосининг олдини олиш ва унга қарши кураш олиб бориш тўғрисида”ги Қонунга мувофиқ одам савдосидан жабр кўрганларининг вақтинча яшашлари учун бошпана кўринишида махсус муассасаларни ва уларни қўллаб-қувватлаш ҳамда уларга ёрдам кўрсатиш марказларини ташкил этиш назарда тутилади. Қирғизистон Республикаси Жиноят кодексининг 124–моддасида одамлардан фойдаланиш учун уларни ёллаш жинояти учун жавобгарлик белгиланган. Аммо, бу давлатда ҳам айнан одам савдоси жинояти учун жавобгарлик назарда тутилмаган¹⁰⁹.

Қирғизистон Республикасида, шунингдек, одам савдосига қарши кураш доирасида Қирғизистон Республикаси Президенти ҳузурида Одамлар савдоси ва одамларни ноқонуний олиб чиқиб кетишга қарши кураш олиб бориш бўйича Миллий Кенгаш ташкил этилганлигини таъкидлаш зарур¹¹⁰. Шу ўринда Қирғизистон томонидан инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилишга қаратилган, айниқса одам савдоси, уларни эксплуатацияси, қуллик меҳнатларини олдини олишга қаратилган чора-тадбирлари ўринли деб ҳисоблаймиз.

Хорижий давлатлар жиноят қонунчилиги таҳлили шуни кўрсатадики, бир қатор давлатларнинг Жиноят кодексига одам савдоси учун жавобгарликни назарда тутувчи норма билан бирга, болалар савдоси учун жавобгарликни белгиловчи нормалар ҳам мавжуд бўлиб, алоҳида моддада келтирилган.

¹⁰⁸ Қирғизистон Республикасининг 2005 йил 4 январда қабул қилинган “Одам савдосининг олдини олиш ва унга қарши кураш тўғрисида”ги Қонунининг 1-моддаси - Интернет-сайт материаллари бўйича: <http://adviser.kg>

¹⁰⁹ З.У.Нематходжаев. Одам савдосига қарши курашишни ташкил этиш. Ўқув қўлланма. // Т– 2020., 40-б.

¹¹⁰ Холщевникова Т.В. Формирование законодательства Российской Федерации о противодействии торговле людьми// Предупреждение трэффика: законотворческие и правовой аспекты. Российский и международный опыт. Ч.: – 2006.С-24-25.

Мисол учун, Азарбайжон Республикаси Жиноят кодексининг 173-моддасида (“Вояга етмаганлар савдоси”), Грузия Жиноят кодексининг 172-моддасида (“Вояга етмаганлар савдоси”), Испания Жиноят кодексининг 222-моддасида, Қозоғистон Республикаси Жиноят кодексининг 133-моддасида (“Вояга етмаганлар савдоси”), Молдовия Республикаси Жиноят кодексининг 206-моддасида (“Болалар савдоси”), Германия Федератив Республикаси Жиноят кодексининг 18-бўлими, 236-моддасида (“Болалар савдоси”), Эстония Республикаси Жиноят кодексининг 123-1-моддасида (Болани олиш-сотиш) болалар савдоси учун жавобгарлик белгиланган. Ривожланган хорижий мамлакатлар қонунчилигидаги илғор амалиётларни мамлакатимиз қонунчилигига татбиқ этиш зарурияти ҳам болалар савдоси учун жавобгарликни белгиловчи нормаларни мустақил норма сифатида алоҳида моддада шакллантирилишини тақозо этади.

ХУЛОСА

Диссертация ишим давомида одам савдоси жиноятлари учун жавобгарлик белгиланган нормалар ривожланиш босқичларини маълум бир даврларга бўлиб ўрганиб чиқдим. Бу орқали одам савдосининг қадимги кўринишларидан то ҳозирги кунга қадар кўринишларини ва бу турдаги жиноятларга берилган жазо турларини ўрганиб чиқилди.

Бундан ташқари диссертация ишим давомида одам савдосига қарши курашишга оид халқаро ташкилотлар томонидан қабул қилинган халқаро ҳужжатларни ўрганиб чиқилиб, Ўзбекистон Республикасининг соҳага оид айрим қонун ҳужжатларига ўзгартириш киритиш бўйича тегишли таклифлар ишлаб чиқилди. Шунингдек, Ўзбекистон Республикасида одам савдосига қарши курашувчи давлат органлар ва уларнинг ваколат доиралари ўрганиб чиқилиб, чет эл давлатларидаги одам савдосига қарши курашиувчи давлат органлари билан фарқли ва ўхшаш жиҳатлари ўрганиб чиқилди.

Ўрганишларим давомида, одам савдосига қарши курашувчи халқаро ташкилотлар бу турдаги жиноятларга қарши курашишдаги фаолияти билан яқиндан танишиб чиқдим ҳамда уларнинг ваколатлари доирасида қилган ишлари билан бирма-бир танишиб ўтдим.

Шунингдек, юқорида келтириб ўтилган халқаро номалардан келиб чиқиб ҳамда одам савдосига қарши курашиш бўйича қонун ҳужжатлари талабларидан келиб чиқиб, Ўзбекистон Республикаси Жиноят Кодекси 135-моддасига қуйидаги ўзгартириш ва қўшимчалар киритишни таклиф қиламан.

Ўрганилаётган модданинг диспозиция қисмидаги “олиш-сотиш” атамасига ўзгартириш киритиш лозим чунки олди-сотди амалга ошириш фуқаролик ҳуқуқи объекти ҳисобланиб, Фуқаролик кодексининг 387-моддаси ҳамда 82-моддаси талабларига асосан фуқаролик ҳуқуқининг олди-сотди объекти бўлиши учун бир шахсдан иккинчи шахсга эркин ўтиши ёки ворислик тартибида олди-сотдиси тақиқланмаган нарсалар бўлиши мумкинлиги

белгиланган. Бундан ташқари Ўзбекистон Республикаси “Одам савдосига қарши курашиш тўғрисида”ги Қонунида, БМТнинг “Трансмиллий уюшган жиноятчиликка қарши конвенциясини тўлдирувчи одам савдосининг, айниқса аёллар ва болалар савдосининг олдини олиш ҳамда унга чек қўйиш ва унинг учун жазолаш тўғрисида”ги Протоколида одам савдосига берилган тарифда ҳам олди-сотди атамаси ишлатилмаган.

Жиноят Кодексининг 135-моддасининг диспозиция қисмига қуйидаги қўшимчани киритиб ўтишни лозим деб ўйлайман. Ўзбекистон Республикаси “Одам савдосига қарши курашиш тўғрисида”ги Қонуннинг 3-моддасига асосан одам савдосидан жабрланган шахс — одам савдосидан, бундай ҳаракатга розилик берганлиги-бермаганлигидан ва жиноят процессида иштирок этганлиги-этмаганлигидан қатъи назар, жабрланган жисмоний шахс ҳисобланади дейилган. Шунингдек, БМТ Протоколнинг 3-моддаси “б” бандига кўра одам савдоси қурбонининг ушбу модданинг а-бандида кўрсатилган эксплуатацияга розилиги ҳисобга олинмайди, агар ушбу модданинг а-бандида кўрсатилган таъсир воситаларидан фойдаланилган бўлса деб ўтилган бўлиб, ушбу баённоманинг “а” бандида одам савдоси турлари келтириб ўтилган. Бундан ташқари одам савдоси жиноятлари учун жавобгарлик масалалари фақатгина Жиноят Кодексида белгилаб ўтилганлиги сабабли ушбу модданинг диспозиция қисмини қуйидагича “Одам савдоси, бундай ҳаракатга розилик берганлиги-бермаганлигидан ва жиноят процессида иштирок этганлиги-этмаганлигидан қатъи назар одамни ўтказиш ёхуд ундан фойдаланиш мақсадида ёллаш, ташиш, топшириш, яшириш ёки қабул қилиш” шаклда ўзгартириш лозим деб ўйлайман.

Ўзбекистон Республикаси Жиноят Кодекси 135-моддаси 2 қисми “ж” бандидаги одам савдоси хизмат мавқеидан фойдаланган ҳолда амалга оширилганда жавобгарлик масаласи кўриб чиқилиши белгиланган бўлиб, Юқорида келтириб ўтилган Протоколнинг 3-моддаси ҳамда Ўзбекистон Республикаси “Одам савдосига қарши курашиш тўғрисида”ги Қонуннинг

3-моддаси талабларига кўра ушбу бандни қуйидагича “Фирибгарлик, алдаш, ҳокимиятни суистеъмол қилиш ёки вазиятнинг қалтислигидан фойдаланиш орқали ёхуд бошқа шахсни назорат қилувчи шахснинг розилигини олиш учун тўловлар ёки манфаатдор этиш эвазига оғдириб олиш йўли билан” ўзгартирилган тақдирда модданинг жиноят қамровини кенгайган бўлар эди.

Ўзбекистон Республикаси Жиноят Кодекси 135-моддаси, 2-қисми, “к” бандида одам савдоси киши аъзоларини кесиб олиб, бошқа кишига кўчириш (трансплантат) мақсадида содир этилганлиги юзасидан жиноий жавобгарлик масаласи кўриб чиқилиши белгиланган бўлиб, Ўзбекистон Республикаси “Одам савдосига қарши курашиш тўғрисида”ги Қонуннинг 3-моддаси БМТ Протоколнинг 3-моддасига кўра ушбу бандни мақсад ва вазифаларини тўлиқ ёритиб бериш мақсадида “инсон аъзоларини, тўқималарини ва (ёки) ҳужайраларини ажратиб олиш тарзида” ўзгартириш лозим деб ўйлайман.

Ўзбекистон Республикаси Жиноят Кодекси 135-моддаси, 3-қисми, “а” бандида жиноят ўн саккиз ёшга тўлмаганлиги айбдорга аён бўлган шахсга нисбатан содир этилганлиги ҳақида гап бориб, Ўзбекистон Республикаси “Одам савдосига қарши курашиш тўғрисида”ги Қонуннинг 3-моддаси ҳамда БМТ Протоколининг 3-моддасида “с” бандига асосан мазкур ўрганилаётган бандга қуйидагича ўзгартириш киритиш лозим деб ўйлайман. Яъни “ўн саккиз ёшга тўлмаганлиги айбдорга аён бўлган шахсга нисбатан ушбу моддада кўрсатилган таъсир воситаларидан бирортаси қўлланилганлигидан қатъий назар содир этилганда” деб ўзгартирилса мақсадга мувофиқ бўлади деб ўйлайман.

Бундан ташқари одам савдоси профилактикаси самарадорлигини ошириш мақсадида қуйидаги тавсиялар ишлаб чиқилган. Булар:

1. Одам савдоси муаммосига бағишланган ўқув қўлланмаларини, бадиий ва ҳужжатли фильмлар тайёрлаш, театрлаштирилган сахна кўринишларини ташкил қилиш орқали инсонларни халқаро муаммо тўғрисида ахборотга эга

бўлиши ҳамда уларнинг бу муаммоларга қарши курашишда яқдиллашишига олиб келиш;

2. Фуқароларнинг чет элларда ишга жойлашишни таъминлайдиган меҳнат органларнинг инфратузилмасини янада ривожлантириш, хусусан фуқаролар ишлаш учун кўп бораётган давлатларда (Россия, Қозоғистон ва бошқ.) ишга жойлашишда фуқароларга кўмаклашиш билан шуғулланадиган агентликларни ташкил қилиш;

3. “Ёшлар иттифоқи” ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи, жумладан прокуратура органлар билан ҳамкорликда олий ўқув юртлари, коллежлар, лицейлар ва мактабларда доимий равишда одам савдоси жиноятининг салбий оқибатлари ва унга қарши кураш борасида тушунтириш ишлари олиб бориш;

4. Чет давлатга туристик фирмалар орқали чиқиб кетаётган шахслар, у ерларда қолиб кетмаслигини олдини олиш мақсадида уларни чет давлатларга юборган фирмалардан фуқаролар яшаш манзилига қайтиб келганлиги тўғрисида ҳисоботларини олиш тартибини киритиш;

5. Жиноят жабрланувчиларини иш билан таъминланиши маҳалла жамоатчилиги ва Ёшлар иттифоқи назорати остига олиш каби чора тадбирларни амалга ошириш бу каби жиноятларга қарши курашишда самара беради деб ўйлаймиз.

Фойдаланилган адабиётлар

Рахбарий адабиётлар (Методологик аҳамиятга молик нашрлар)

1. Курони Қарим ва ўзбек тилидаги маънолари таржимаси. – Т.: Шарк 2008 – 354-б.
2. Файзиев Т. Бухоро феодал жамиятида куллардан фойдаланишга доир ҳужжатлар (XIX аср). — Т.: «Фан» 1990.— 57, 82-86, 91-б.
3. Уложение о наказаниях уголовных и исправительных. - Санкт-Петербург : Тип. 2 отд-ния собств. е. и. в. канцелярии, 1845. - [4], IV, 898, XVII с.; 16 см.
4. Уголовный кодекс Узбекской ССР. – Ташкент: Юридич. издат. НКЮ УзССР, 1926. – С.46.
5. Уголовный кодекс Узбекской Советской Социалистической Республики [Текст] : [Принят второй сессией Верховного Совета Узбек. ССР пятого созыва 21 мая 1959 г.]. - Ташкент : Госиздат УзССР, 1959. - 99 с.; 23 см.
6. Ўзбекистон Республикасининг «Одам савдосига қарши қурашиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонуни қабул қилинганлиги муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодексига ўзгартириш ва қўшимча қилиниш ҳақида» 2008 йил 16 сентябрдаги қонуни// Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами. — 2008. — № 37-38.— 366-м.
7. Торговля людьми и эксплуатация принудительного труда Руководство для законодательных и правоохранительных органов. Целевая программа борьбы с принудительным трудом. Международное бюро Труда. Женева. / Первое издание, 2006. С.24.
8. Кубов Р.Х. Торговля людьми как вид транснациональной преступности // Российский следователь. 2008. № 1. С.344.
9. Информационный центр ООН в Москве // Всемирный день борьбы с торговлей людьми. [Электронный ресурс]. URL:

<http://www.unic.ru/press/vsemirnyi-den-borty-storgovlei-lyudmi> (дата обращения 06.03.2021). Доклад Государственного департамента США о торговле людьми за 2007 год // Бюро международных информационных программ Государственного департамента США URL: // <http://usinfo.state.gov/russian>.

10. Всеобщая декларация прав человека (принята Генеральной Ассамблеей ООН 10.12.1948). [Электронный ресурс]. URL: http://consultant.ru/document/cons_doc_LAW_120805.

11. 1995 йилда 70 та давлат томонидан ратификация қилинган (Human Rights International Instruments. NY and Geneva, 1995. – P.11.)

12. Конвенция о борьбе с торговлей людьми и эксплуатацией проституции третьими лицами. Принята резолюцией 317 (IV) Генеральной Ассамблеи ООН от 2 декабря 1949 года // https://www.un.org/ru/documents/decl_conv/conventions/trafficking_suppression.shtml.

13. 2004 йил июль ҳолатига кўра, 79 та давлат Трансмиллий жинойтчиликка қарши БМТ Конвенциясини ратификация қилганлар ёки унга кўшилганлар; 61 та давлат Одамлар, айниқса, аёллар ва болалар савдосини тўхтатиш ва олдини олиш ҳамда уни содир қилганлик учун жазолаш тўғрисидаги Протоколни ратификация қилган ёки унга кўшилган – Интернет-сайт материаллари бўйича: <http://hrlibrary.ngo.ru>

14. Протокол «О предупреждении и пресечении торговли людьми, особенно женщинами и детьми, и наказании за нее, дополняющий Конвенцию Организации Объединенных Наций против транснациональной организованной преступности»: принят резолюцией 55/25 Генеральной Ассамблеи 15.11.2000. М.: Юрист, 2003. Ст.3.

15. Хартия основных прав Европейского Союза (Принята в г. Ницце 07.12.2000)) - Режим доступа: [http: // https://www.consultant.ru/](http://https://www.consultant.ru/) Доступ из справ.-правовой системы «Консультант-Плюс».

16. Конвенция Совета Европы о противодействии торговле людьми" (CETS № 197) [рус., англ.] (Заключена в г. Варшаве 16.05.2005) - Режим доступа: <http://https://www.consultant.ru/> Доступ из справ.-правовой системы «Консультант-Плюс».

17. Распоряжение Правительства РФ от 24.11.2005 № 2019-р «О подписании Соглашения о сотрудничестве государств - участников Содружества Независимых Государств в борьбе с торговлей людьми, органами и тканями человека») - Режим доступа: <http://https://www.consultant.ru/> Доступ из справ.-правовой системы «Консультант-Плюс».

18. Ўзбекистон Республикаси «Одам савдосига қарши курашиш тўғрисида» ги Қонун 17.08.2020 й, ЎРҚ-633-сон, Тошкент, 3-б.

19. Закон Республики Беларусь “О противодействии торговле людьми” 07.01.2012 г. № 350-3. Ст 5.

20. Закон Туркменистана “О противодействии торговле людьми” 15.10.2016 г. № 454-V. Статья 9

21. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Одам савдосидан жабрланган ёки одам савдосидан жабрланган деб тахмин қилинаётган шахсларни миллий даражадаги қайта йўналтириш тизимини тасдиқлаш тўғрисида” Қарори, 08.02.2021 й, ВМҚ-60-сон, Тошкент, 3-б.

22. Доклад Управления Организации Объединенных Наций по наркотикам и преступности. Вена. 07.01.2019. 80 с.

23. Живой товар - торговля людьми 2.06.09 теги: выживание, художественные/Статьи /Торговля людьми: рабы дешевают! // [Электронный ресурс] / Режим доступа: <http://slavs.org.ua/ghivoytovar>.

24. Глобальный план действий Организации Объединенных Наций по борьбе с торговлей людьми. Принят резолюцией 64/293 Генеральной Ассамблеи ООН от 30 июля 2010 года // https://www.un.org/ru/documents/decl_conv/conventions/gp_trafficking.shtml.

25. Федоров В.Н. Организация Объединенных Наций, другие международные организации и их роль в XXI веке. М.: Логос, 2007. 944 с.
26. Доклад Генерального секретаря о торговле людьми в условиях вооруженного конфликта, представляемый во исполнение резолюции 2388 (2017) Совета Безопасности // https://www.un.org/sc/ctc/wp-content/uploads/2018/11/N1833925_RU.pdf.
30. Малеев Ю.Н. Совет Безопасности ООН и вопросы международного управления. // Международное право. 2006. № 1 (25). С-47.
31. Информационный бюллетень Национального центрального бюро Интерпола в России. 2007. № 2. Отчет Генерального секретариата Интерпола за 2005 г. С. 13.
32. БМТнинг Трансмиллий уюшган жиноятчиликка қарши конвенцияси. Бош Ассамблея томонидан 15.11.2000 йил 55/25-сонли Резолюция билан қабул қилинган.
33. Халқаро жинойи Полиция Ташкилоти Интерпол Низоми. 13.06.1956 йил (янги таҳрир 01.01.1986).
34. БМТнинг Трансмиллий уюшган жиноятчиликка қарши Конвенциясини тўлдирувчи 2000 йил 15 ноябрдаги “Одамлар, айниқса аёллар ва болалар савдосини олдини олиш ва тўхтатиш ва уларни содир этганлик учун жазолаш тўғрисида”ги Протоколи// Сборник нормативно-правовых документов по вопросам миграции и противодействия торговле людьми в области прав человека. – Ташкент, 2007.
35. Ўзбекистон Республикасининг “Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномалари тўғрисида” 06.02.2019 йилдаги ЎРҚ 518-сонли Қонуни.
36. Ўзбекистон Республикаси Олий Суди Пленумининг 2009 йил 24-ноябрдаги “Одам савдосига оид ишлар бўйича суд амалиёти тўғрисида”ги 12-сонли Қарори.

37. Уголовный кодекс Федеративной Республики Германии // М.: Зерцало, – 2001.
38. Головненков П.В. УГОЛОВНОЕ УЛОЖЕНИЕ ФЕДЕРАТИВНОЙ РЕСПУБЛИКИ ГЕРМАНИЯ – Strafgesetzbuch (StGB) – // Научно-практический комментарий и перевод текста закона. Германия., 2021. С 333-334.
39. Конституции государств-участников СНГ. – М.: Норма. 1999.– С. 445.
40. Комментарий к Уголовному кодексу Российской Федерации./Отв.ред. Радченко В.И; Науч.ред. Михилин А.С. – М.: Спартак, 2000. – С. 259.
41. Уголовный кодекс Российской Федерации. – М.: Норма–Инфра, 2001. – С.51.
42. Эрнесто У. Савона "Организационные рамки Европейской преступности в процессе глобализации" (Токио, Япония: 108 Международный семинар по проблемам борьбы с организованной преступностью.// 27февраль 1998: опубликовано на <http://www.jus.unitn.it/transcrime/papers/wp20.html>.
43. Конституции государств-участников СНГ. – М.: Норма, 1999.-С.664.
44. Уголовный кодекс Украины. - Санкт Петербург: Юридический центр Пресс, .2001.
45. Қирғизистон Республикасининг 2005 йил 4 январда қабул қилинган “Одам савдосининг олдини олиш ва унга қарши кураш тўғрисида”ги Қонунининг 1-моддаси - Интернет-сайт материаллари бўйича: <http://adviser.kg>
46. Қирғизистон Республикасининг 2005 йил 4 январда қабул қилинган “Одам савдосининг олдини олиш ва унга қарши кураш тўғрисида”ги Қонунининг 1-моддаси - Интернет-сайт материаллари бўйича: <http://adviser.kg>
47. Холщевникова Т.В. Формирование законодательства Российской Федерации о противодействии торговле людьми// Предупреждение трэффика: законотворческие и правовой аспекты. Российский и международный опыт. Ч.: – 2006.

Монография, ўқув адабиётлари ва тўпламлар:

1. Фазилов И.Ю. Одам савдосига қарши курашишнинг жиноят-ҳуқуқий ва криминологик муаммолари: Монография. – Т.: Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси, 2016.
2. Абу Абдуллоҳ Мухаммад ибн Исмоил ал-Бухорий Ал-жомий ас-сахих. (Ишонарли тўплам). Тўрт жилдлик / арабчадан Хожа Музаффар Набихон ўгли ва Хожа Бахтиёр Набихои ўгли таржимаси Т.: «Қомуслар бош таҳририяти». 1997.— Ж.
3. Kriminologiya fanining shakillanishi, rivojlanishi va hozirgi holati: O'quv qo'llanma / I.Ismailov, Q.R.Abdurasulova, I.Yu.Fozilov. – Т.: O'zbekiston Respublikasi IV Akademiyasi, 2014.
4. Дубровина А Н. Расследование похщений и подмена детей: Лекция Под ред. В 11. Лаврова. —М.: Академия МВД СССР, 1988.— С 6-7.
5. Умаров Т.А Борьба с торговлей людьми — задача всего мирового сообщества // Одам савдосига қарши кураш, уни олдини олишнинг ҳуқуқий муаммолари: Илмий-амалий конференция материаллари тўплами. — Т.: ТДЮИ, 2009 - 34-б.
6. БМТнинг Трансмиллий уюшган жиноятчиликка қарши конвенцияси (2000 й. 15 ноябрь) // Одам савдосига қарши курашиш бўйича ҳалқаро шартномалар ва Ўзбекистон миллий қонунчилиги: хужжатлар тўплами / Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий маркази, одам савдосига қарши курашиш бўйича Республика Идоралараро комиссияси. — Т.: «O'zbekiston», 2013.— 150-б.
7. Клейменов М.П. Понятие криминальной эксплуатации детей. Актуальные проблемы теории борьбы с преступностью и правоприменительной практики: Межвузовский сборник научных трудов. Выпуск 5. Красноярск: Сибирский юридический институт МВД России, 2002.

8. Гусейнов Т.А. Роль взаимодействия правоохранительных органов Российской Федерации по линии Интерпола при расследовании преступлений, связанных с торговлей людьми // Известия Тульского государственного университета. Экономические и юридические науки. 2019. №4.

9. Нематходжаев З.У. Одам савдосига қарши курашишни ташкил этиш. Ўқув қўлланма. // – 61 б.

10. Абрамюк Л. Борьба с торговлей женщинами в Республике Беларусь// Международная конф. Законодательство Беларуси и стран Европейского Союза в области противодействия торговле женщинами. Тез.докл. 4-5 ноября Минск, – 2006.

11. Туров А. Мир несвободы// Еженедельный. – Москва, – 2003.– № 5. – С-76

Диссертация ва диссертация авторефератлари:

1. Азарова Е.Р. Политические и правовые аспекты межгосударственного взаимодействия по борьбе с торговлей людьми: глобальный и региональный уровни. Выпускная квалификационная работа. 2020 г. С 10.

2. Нельзина, Мария Олеговна. Роль Интерпола в борьбе с преступностью. [Электронный ресурс] : выпускная квалификационная работа бакалавра : 41.03.05 / М. О. Нельзина. — Красноярск : СФУ, 2016. С-51.

Интернет манбаалар:

1. https://pravo.by/upload/pdf/krim-pravo/UK_RSFSR_1922_goda.pdf
2. <https://lex.uz/docs/1339436>
3. <https://mehnat.uz/uz/news/odam-savdosiga-va-mazhburiy-mehnatga-qarshi-kurashish-milliy-komissiyasi-yigilishi-utkazildi>
4. <https://proacademy.uz/uz-cyr/news/view?alias=762>
5. <http://auz.uz/news/dhh-tomonidan-odam-savdosiga-chek-kuyildi>
6. <https://lex.uz/docs/4616405>

7. https://uz.wikipedia.org/wiki/Birlashgan_millatlar_tashkiloti
8. <https://www.un.org/securitycouncil/ru/sanctions/information>
9. <https://undocs.org/ru/A/72/865>
10. <https://ru.wikipedia.org/wiki/Интерпол>
11. <https://www.interpol.int/News-and-Events/News/2020/Balkans-Operation-Theseus-busts-human-trafficking-and-migrant-smuggling-rings>
<https://lex.uz/docs/35869>
12. <https://www.lex.uz/acts/111453>
13. <https://lex.uz/docs/4616405>
14. <https://lex.uz/docs/111189>
15. http://www.consultant.ru/document/cons_doc_LAW_10699/4a5e2bbfdd061dde65a55bb65d36d4b4a7fe8ee7/
16. https://online.zakon.kz/document/?doc_id=31575252
17. https://kodeksy-by.com/ugolovnyj_kodeks_rb.htm
18. <https://www.interpol.int/Crimes>
19. https://www.un.org/ru/documents/decl_conv/conventions/cedaw.shtml
20. <https://borgenproject.org/human-trafficking-in-germany/>